

З.Е. Қабилдинов, А.Д. Сандибаева, Ф.Р. Лебаев

*Қозоғистон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

# ҚОЗОҒИСТОН ТАРИХИ

Умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик

## 11

**Икки қисмдан иборат**

**1-қисм**

Алматы



«Атамұра» –  «Жазушы»

2020

ӨОЖ 373.167.1  
КБЖ 63.3 я 72  
Қ 13

*Дарслик Қозоғистон Республикасининг Таълим ва фан вазирлигининг тасдиқлаган умумий ўрта билим бериш даражасининг 10-11-синфлари учун «Қозоғистон тарихи» фанидан янгиланган мазмундаги таълим дастурига асосан тайёрланди.*

#### Фикр ёзганлар:

А.Г. Ибраева, тарих фанлари доктори, профессор  
А.Т. Қайыпбаева, тарих фанлари кандидати

#### ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



– мавзу бўйича саволлар



– тушунчалар ва терминлар



– ҳужжатлар



– ҳужжат бўйича саволлар

**Қабилдинов З.Е., ва бошқалар.**

**Қ 13 Қозоғистон тарихи.** Умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик / З.Е. Қабилдинов, А.Д. Сандибаева, Ф.Р. Лебаев. Икки қисмдан иборат, 1-қисм. – Алматы: Атамўра – Жазушы, 2020. – 156 бет.

ISBN 978-601-200-715-2

ӨОЖ 373.167.1  
КБЖ 63.3 я 72

© Қабилдинов З.Е., Сандибаева А.Д.,  
Лебаев Ф.Р., 2020

© «Атамўра» – «Жазушы», 2020  
Өзбек тилине «Жазушы» баспасында  
аударылды, 2020

ISBN 978-601-200-715-2 (1-қисм)

ISBN 978-601-200-714-5 (умумий)

## КИРИШ

**Ҳурматли ўқувчилар!** Сизлар қуйи синфларда Қозоғистоннинг қадимги замондан бошлаб бугунги кунгача тарихи билан танишдингиз. Ушбу дарсликда Ватанимизнинг асосий тарихий воқеалари ва муҳим масалалари қараштирилган.

*«Қозоғистон тарихи» фанининг асосий мақсади* – Ватан тарихининг асосий воқеалари ва муҳим масалаларини ўқитиш асосида тарихий онгга, фуқаролик ва ватанпарварликка, тарихий билим ва кўникмаларни ўқишда ва ижтимоий иш ҳаракатларда унумли ва ижодий қўллана биладиган шахсни шакллантириш.

*Ўқув фанининг вазифалари:*

– Қозоғистон ҳудудидаги жамиятнинг турли тарихий даврларидаги этник, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишнинг асосий масалалари бўйича билимни шакллантириш;

– тарихий шаклланган маданий, миллий урф-одатлар, ижтимоий ва ахлоқий нормаларни билим олувчиларнинг тушуниб олиши борасида уларни фуқаровий жавобгарлик ва Қозоғистон яхлитлиги ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

– жаҳон тарихида Қозоғистоннинг тутган ўрни тўғрисида умумий яхлитлик тушунчасини шакллантириш;

– тарихий воқеалар, ўзгаришларни тарихий қонуниятларни ҳисобга олиб изланиш, воқеалар ва ҳодисаларга оид фикр ва мулоҳазаларни солиштириш ва танқидий фикрлаб таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш;

– ўлка тарихини ўрганиш, ўлкатанишдаги тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш;

– турли тарихий манбалар билан ишлаш, тарихий ахборотни излаш ва тизим кўникмаларини ривожлантириш;

– турли манбалардан фойдаланиб, лойиҳа иши ва тарихий реконструкция кўникмаларини ривожлантириш;

– ҳозирги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни тушуниш учун тарихий билимларни қўллана билиш кўникмаларини шакллантириш;

– коммуникатив билимларни шакллантириш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда аниқ билдириш, командада ишлай олиши, турли манбалардан олган ахборотларни қўллаши.

Қадимги замондан бошлаб Қозоғистон яхлит ривожланиш намунаси сифатида бошқа ҳудудлардан алоҳида кўзга ташланди. Европа ва Осиёнинг чорраҳасида жойлашган Қозоғистоннинг бепоён даласида кўчманчи ва ўтроқ маданият бир вақтда ривож-

ланди. Қозоғистон ҳудуди кўчманчи мол чорвачилиги билан бир қаторда, шаҳар маданиятининг ҳам маркази бўлди. Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи Буюк ипак йўлида Қозоғистон катта роль ўйнади. Дашт билан шаҳар орасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларни боғлаб, бир-бирининг маданиятини бойитиб борди. Шунингдек асрлар давомида шаклланган қозоқнинг анъанавий мол чорвачилиги XX асрнинг 20–30-йилларида большевикларнинг иқтисодий синови натижасида инқирозга учраб, топталди. Қозоқ халқи ривожланишининг табиий жараёни кенгаш ҳукуматининг бошқарув тизимидаги камчиликлар туфайли бузилиб, анъанавий хўжаликка катта зарар келтирилди. Ер ва молнинг ҳақиқий эгалари хўжаликдан четлаштирилиб, давлат ва жамоа хўжаликларига мажбурлаб киритилди. Катта хўжаликларнинг мол мулки талон тароҷ қилиниб, давлат қарамоғига ўтказилди. Мол сони камайиб, хўжаликлар инқирозга, халқ эса очарчиликка дучор бўлди. Халқнинг иқтисодий инқирози кучайди.

Қозоғистоннинг Россия таркибига кириши, 1822–1824 йиллардаги хонлик ҳокимиятининг тугатилиши, қозоқ халқи миллий таркибининг ўзгаришига олиб келди. Бир аср мобайнида қозоқ ўлкасининг яхлит таркиби кўп миллатлилик характериға эга бўлди, яъни маҳаллий халқ вакиллари 85% дан 30% га камайиб кетди. Қозоғистон Россиядан кейинги лагерлари энг кўп республикаға айланди.

Сталин маъмурий буйруқбозлик тизимиға кўра якка халқлар республика ҳудудиға мажбурлаб кўчирилди. Очарчилик ва сиёсий қатағонлик тизими оқибатида қозоқ халқи ўзининг ярим аҳолисидан жудо бўлди. Қўриқ ўзлаштириш йилларида эса КСРИнинг Европа қисми ва бошқа республикалардан юз минглаган одамлар кўчиб келтирилди.

Шунингдек, дарсликда КСРИ парчалангандан кейин мустақилликнинг илк йилларида европа миллатларининг тарихий ватанларига кўчиб кетишлари тўғрисида ҳам билиб оласиз.

Қадимги даврдан бошлаб ижтимоий-сиёсий фикрларнинг ривожланишиға таалуқли янги параграфлар билан танишасиз. Буюк Дашт давлат бирлашмаларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида атоқли шахслар муҳим роль ўйнади. Халқ манфаатини кўзловчилар қаторида фақат қозоқ хонларигина эмас, балки бийлар, оқинлар ва алаш зиёлилари ҳам бўлди.

Хуллас, дарсликдан XX аср бошидаги асосий воқеаларни, миллий онгнинг уйғонишиға, давлатни қайта тиклашға катта ҳисса қўшган Алаш зиёлиларининг идеологик кўзқарашларини билиб

оласиз. А.Бўкейханов каби Алаш йўлбошчиси атрофидаги миллатимизнинг билимли ва саводли, зиёли жонкуярлари мустақил давлат қуриш йўлини танлаб, қўлларидан келганича самарали меҳнат қилдилар.

Бугунги кунда давлатимизнинг гуллаб яшнаши авваламбор илм ва фаннинг ривожланишига боғлиқ эканлиги маълум. Бу нашрда сиз илм ва фаннинг қадимги даврдан бошлаб бугунги кунгача ривожланиш тарихи тўғрисида кенгроқ билиб оласиз. Қозоғистонда илмий муассасаларнинг пойдевори янги давр, яъни XVIII–XX асрнинг бошида шаклланди. Кенгаш даврида илмий базаси мустақамланди. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида марксистик-ленинизм ғоялари илгари сурилиб, партия йўлбошчилиқ қилди.

1946 йили ҚозКСР Фанлар Академиясининг ташкил топиши Қозоғистоннинг Фан соҳасидаги катта ютуғи эди. Ватанимиз мустақилликка эришгандан бошлаб Қозоғистонда кенгаш тизимининг билим бериши асосида, шунингдек жаҳон халқларининг ютуқларини қамрайдиган миллий билим бериш тизимини шакллантириш мақсадида бир қатор чора лар олиб борилди. Сўнгги йиллари ҳукумат илм ва фан соҳасини ривожлантириш мақсадида комплекс дастурларни амалга оширмоқда. Замонавий моддий-техникавий база билан таъминланган Назарбаев зиёткорлик ва инновация мактаблари очилди. Уч тилда билим олиш тизими киритилди. Президентимизнинг «Болашақ» дастури бўйича ёшлар сифатли билим олишмоқда.

Қозоғистон тарихини кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш Ватанга бўлган меҳр муҳаббатни ортириб, Ватанидан фахрланишни шакллантиради. Ўтмишни билмай туриб, келажакка назар ташлаб бўлмайди, шунинг учун ҳам ҳар бирингиз ватанимиз тарихини кенгроқ ва чуқурроқ билишингиз лозим. Ўқув материални яхши ўзлаштиришингиз учун «Хрестоматия» ва ўқитувчиларга мўлжалланган «Ўқитиш усули» яқиндан ёрдам беради. Дарслик иккита китобдан иборат. Адабиётлар рўйхати дарслик охирида берилган.

Мактабдаги тарих ўқитувчилари ва ота-оналар томонидан дарслик мазмунини янада мукаммаллаштириш учун таклифлар, эслатмалар ва муҳим маълумотлар бўлса, дарсликнинг сифатини яхшилаш мақсадида эътиборга оламиз. Муаллифлар дарсликни тайёрлашга ёрдам берганларга миннатдорчилик билдиради.

**Ҳурматли ўқувчилар!** Сизларга янги тарихий билим олишда омад тилаймиз!

**I бўлим**  
**ЦИВИЛИЗАЦИЯ: РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**  
**Биринчи боб**  
**ҚОЗОҚЛАРНИНГ ХЎЖАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ**  
**АНЪАНАВИЙ ТИЗИМИ**

**1–2-§**

**Қозоғистонда кўчманчи мол чорвачилиги ва деҳқончиликнинг ривожланиши**

**Ўқиш мақсади:**

- ✓ Қозоғистон халқининг хўжаликни таъминлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланишига табиий географик факторларнинг таъсирини тадқиқ қилиш;
- ✓ кўчманчи мол чорвачилиги ва деҳқончиликнинг хусусиятларини «хўжаликни таъминлаш тизими», «кўчиш тизими», «экотизим» тушунчаларини фойдаланиб аниқлаш;
- ✓ харитани фойдаланиб, анъанавий хўжалик хизмат турларини аниқлаш.

**Таянч сўзлар:**


| Ўзбекча                 | Қозоқча                    | Русча                      | Инглизча             |
|-------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------|
| Евроцентристик кўзқараш | Еуроцентристік тұжырымдама | Евроцентристская концепция | Eurocentric concept  |
| Эрозия                  | Эрозия                     | Эрозия                     | Erosion              |
| Ирригацион қурилишлар   | Суару қондырғылары         | Ирригационные сооружение   | Irrigation buildings |

### Мавзуга ўтиш:

«Халқларнинг ривожланиши ва маданий – хўжалик хусусиятларининг шалланишида географик ва экологик фактор катта роль ўйнади».

*Л.Н. Гумилев*

Авторнинг фикрига ўз кўзқарашингизни билдириш.




**1. Кўчманчи мол чорвачилигининг шаклланиши.** Қозоғистон ҳудудининг табиий ва климат хусусиятлари, яъни экотизими маҳаллий халқлар хўжалик турининг шаклланишига азалдан таъсир этган. Қадимги аҳолининг хўжалик тизими-экологик тизимнинг ўзгаришига қараб аста секин дехқончиликдан мол чорвачилигига ўта бошлади. Тахминан э.ав.икки минг йилликнинг охирида қурғоқчилик натижасида дехқончилик билан шуғулланиш фойдасиз бўлиб қолди. Тадқиқотчи Н.Масановнинг айтишича, Қозоғистон ҳудудининг кўп жойлари чўл ва қуруқликдан иборат. Қуёш радиацияси жуда ҳам юқори бўлиб, қурғоқчилик тез тез ўрин олиб турар эди. Дарёлар ва яйлов ерларнинг етишмаслиги табиий мол учун ем хашакнинг танқислигига олиб келди. Ернинг унумдорлиги камайиб, *эрозияга* учраш хавфи ортди. Мол бошининг сони орта бошлади. Натижада одамлар кун кўришининг бошқача турини танлашга мажбур бўлишди, яъни кўчманчи мол чорвачилиги хўжалиги пайдо бўлди. Яйловлардан экин майдонлари сифатида фойдаланиш маҳсулдорликни оширмади. Буюк Даштда дехқончиликка хос бўлган мол чорвачилиги вужудга келди.

Кўчманчилар ҳаёти табиий қонунларга бўйсуниб, атроф муҳитни ўзлаштириш тажрибасида шаклланди. 6 минг йил аввал Қозоғистоннинг қурғоқ даласини макон-

#### Қизиқарли факт

Кўчманчи табиий хўжалик турлари Қозоғистон билан бир қаторда Монголия, Арабистон ярим ороли, Узоқ ва Яқин Шарқ, Сахара ва Шимолий Африка ҳудудларида шаклланди.



От афзаллари,  
юган ва оғизлиқ

лаган аҳолининг ҳаётини таъминлашдаги асосий касби-кўчманчиликка асосланган мол чорвачилиги бўлди. Кўчманчи мол чорвачилигига кўчишнинг асосий сабабларидан бири-йилқини қўлга ўргатиш бўлди. Йилқи илк бор Шимоллий Қозоғистонда, яъни бу ерда йилқини қўлга ўргатиш марказларидан бири, жаҳонга таниқли *Ботай маданияти* топилган. Ботай макони 15 гектардан кўп жойни эгаллаган. Отни қўлга ўргатиб, кейин уни кўлик сифатида фойдаланишди.

Кўчманчиларнинг кўчиб қўниб юриши молни душман ҳужумидан ва табиий офатлардан сақлаб қолган. Шунингдек, қатор яйловларни алмаштириб ўтиришга тўғри келди.

Кўчманчиликнинг келиб чиқиши асрлар мобайнида чорвадорлар учун теварак атрофдаги иқлим шароити билан боғлиқ бўлди. Бу тушунчани XIX асрдаги Қозоғистонни тадқиқот қилувчи олимлар ҳам тасдиқлайди. Рус олимларининг кўпчилиги кўчманчи мол чорвачилигининг шаклланишининг асосий омилларидан бири табиий шароитлар деб айтади (И.И. Бларамберг, А.Н. Макашев, Л.М. Мейер, Г.Н. Потанин, И.И. Завалишин, А.И. Добросмыслов ва бошқалар).

#### Харита билан ишлаш

Ботай маданиятининг замонавий географик хари-тадаги ўрнини белгиланг.

Кўчманчилик турмуш тарзи далани ўзлаштириш тажрибаси туфайли ҳайвонни қўлга ўргатишни йўлга қўйди. Чорвадорлар теварак атрофга мослашибгина қолмасдан, кўчиб қўнишнинг қулай усулларини ўйлаштириб, молни совуқдан, шамолдан, иссиқдан, сув ва ем хашак тақчиллигидан ҳимоя қилишни ўрганишди.

Ота боболаримиз яйловларнинг табиий тенглигини сақлаш мақсадида кичик уруғ бирлашмаларига бўлиниб, маълум бир ер майдониги кўчиб қўнишдилар. Мол бошининг сонига қараб баъзида қариндошларнинг ўзлари бир биридан анча узоқроқда






Ботай макони

яшашган. Яйловларнинг нотекис жойлашувига қараб, чорвадорлар тез тез кўчишга мажбур бўлар эди. Йил мавсумларининг хусусиятларига қараб мавсумий кўчиб *қўниш тизими* шаклланди. Қозоқ халқи қишдан ва ютдан (жут) омон сақлаб қолиш учун атроф муҳитга (*экотизимга*) бўйсуниб қонуниятларини яхши ўзлаштириб олган. Йил мавсумлари ва яйловлардан фойдаланиш усулларига қараб қишки, баҳорги, ёзги ва кузги бўлиб бўлинган. Поданинг узоқлиги баъзида 2,5 минг чақиримга чўзилган.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи мол чорвачилиги асрлар давомида теварак атрофни ўзлаштириш ва унга мослаб ҳаёт кечиршни таъминлаб келган.

Кўчманчи чорвадор қадим замондан атроф муҳитни, табиатни ўзлаштиришга боғлиқ шаклланган экологик тажрибаси ту-

файли ботаник, астролог ҳамда географ бўлган деб айта оламиз. Дала ҳудудининг ажралмас қисми кўчманчиларнинг мол чорвачилиги хўжаликнинг асосий тизими сифатида шаклланди. У тўғридан тўғри табиий географик аҳволга таъсир этди. Кўчманчи мол чорвачилиги Буюк Даштнинг энергетик ва биологик ресурсларини унумли фойдаланишни кўзда тутди. Кўчманчилар турмуш тарзининг асоси бўлган мол маҳсулотларини фойдаланишни ўрганди.




Қозоқ халқининг анъанавий хўжалиги *кўчманчи*, *ярим кўчманчи*, *ўтроқ* турда ривожланди. Кўчманчилик турида мол йил давомида яйловларда ёйилди. Чорвадорлар кўчманчиликка мўлжалланган кигиз уйларда яшашди.

Ярим кўчманчиликда қозоқ халқи мол бошини сақлаб қолиш учун йил фасллари ва яйлов шароитига қараб кўчиб қўнишган. Мол тулаб, жун қирқиш учун кўктевга (баҳорги кўчиш), ёш моллар ўсиб, ер кўкарганда ёзги яйловларга кўчган. Қиш фаслида эса иссиқ қишлоқларга кўчишган. Қишлоқларнинг ёнида молнинг ем хашаги учун экинчилик билан ҳам шуғулланишган. Ўтроқ хўжаликда мол бир жойда, яъни қўрада ушланган. Или, Талас, Шу, Сир дарёлари бўйида ва Еттисув ҳудудида экинчи-

лик яхши ривожланган. Анъанавий мол чорвачилиги XIX асрнинг охиригача сақланиб келди.

XX асрнинг 20-йилларининг охири ва 30 йилларнинг бошида қозоқларни мажбурлаб ўтроқлаштириш ва жамоалаштириш оқибатида бўлган очарчиликда республика аҳолисининг ярмидан кўпроғи ҳалок бўлди. Маҳаллий халқнинг 42 дан 70% гача сонининг камайишига олиб келди. 1950 йиллардаги олиб борилган қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш туфайли 10 млн гектар ер эрозияга учради. Шунингдек, мол чорвачилигини олиб боришдаги кенгаш усуллари элимиздаги яна 55 млн гектар ернинг бузилишига олиб келди.



Кўчманчилар ҳаёти

**2. Кўчманчилар тўғрисида евроцентристтик кўзқарашлар.** Кўчманчиликни тадқиқот қилган евроцентристтик кўзқарашдаги баъзи бир тадқиқотчилар хужаликнинг бу турини цивилизациядан орқада қолиш ёки ёввойилик кўриниши сифатида тушунтириб келди. Узоқ йиллар мобайнида евроцентристтик кўзқарашда кўчманчиларни «маълум бир макони ва чегараси йўқ, бошпанасиз, маъносиз кўчиб қўниб юрувчи, ҳуқуқ ва адолатни билмайдиганлар» деб қабул қилиб келди. Лекин бу тушунча нотўғри эди. Буюк Дашт кўчманчиларининг аниқ бекитилган оз ерлари бўлди.

Ота боболаримиз уруғ яйловларини турли хил касалликлар ёки молнинг ёппасига қирилишга учраган вақтдагина ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Бошқа вақтда кўчманчилар минг йиллар давомида кўчишнинг усуллари ва қоидаларини бузмасдан сақлаб келишган. Мана шу хулосани атоқли турколог ва лингвист олим Радлов ҳам айтиб ўтади: «*Режалаштирилмаган кўчиб қўниш тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас... қабила ёки қабилавий бирлашмалар яйловларни ўзларининг хусусий мулки*

*сифатида ҳисоблаган, қўшни қабилаларнинг киришига йўл бермаган».*

**3. Буюк Даштдаги кўчманчиларнинг мол чорвачилиги.** XIX асрнинг бошигача қозоқлар ва уларнинг авлод аждодлари (турклар, саклар, гунлар бой бадавлат яшаган. Эркинлик, адолат, кўчманчилик турмуш тарзи кенг даладаги кенг яйловлар, халқнинг сийрак жойлашиши Буюк Даштда бадавлат чорвадорлар дастурини шакллантирди. Кўчманчилар қурол яроғ билан қуролланиб, ўз бойликларини – мол, оила, яйловларини ҳимоя қилишга тайёр турдилар. Кўчманчиларнинг асосий бойлиги мол бўлиб, бойлик йирик ва майда мол сони билан ўлчанган. Бойлик ҳаёт кечиришнинг асосий мақсади эмас, ҳар бир даштликнинг эркинлиги ва мустақиллиги, ҳаётининг кафолати ҳисобланди. Мол сонининг кўп бўлиши ҳеч нарсага муҳтож бўлмай ҳаёт кечириш ва ўғлини уйлантирганда қалин мол учун ҳам керак эди. Шундай мол давлатнинг орқасида ота боболар арвоҳига бағишлаб халққа ош беришган, жуда ҳам меҳмондўст бўлишган. Қозоқ адабиётининг атоқли тадқиқотчиси, оқин Машҳур Жусип Кўпейули Абилай хон замонида ҳар бир иккинчи қозоқ бой ва бадавлат бўлганлигини айтади. Бу манбани Ўрта жуз қозоқлари тўғрисида ёзган Ш.Валихонов ҳам маъқуллайди: *«Сибирь қирғизлари (қозоқлари) ташқи округ приказлар қурилганга қадар жуда ҳам бой ва бадавлат бўлган, бунга ҳеч гумон келтиришга бўлмайди».*

XIX асрнинг иккинчи ярмида Шимолий Шарқий Қозоғистон ҳудудининг қозоқлари ҳаётини ўрганган рус офицери С.Броневский бой ва бадавлат бўлган Сапақ бий ҳақида шундай деб ёзади: *«Ўрта жузда бадавлат қозоқлар бор: масалан, Қарпик бўлисида Сапақ бийнинг 10 мингга яқин оти, кўплаган туялари ва майда моллари бўлди: бир яйловдан иккинчи яйловга кўчаётганда бутун мол мулкни 150 та туяга ортган».* Бой ва бадавлатлар қаторида Туйте Нурекенов, Муса Шорманов, Шонг Едиге, Сағинай, Нурмағамбет, Жексенбай ва яна бошқаларни атаб ўтишга бўлади.

XX аср бошида Россия империясининг парчаланиши арафасида пайдо бўлган Алаш ҳаракатининг вакилларини қозоқ да-

ласининг турли ҳудудларидан бой ва бадавлат кишилар маблағ томонидан қўллаб қувватлаб, қозоқ давлатчилигининг шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар – Қоражон Укибаев, Медеу Оразбаев, Уки Адиллов, Хасан Акаев, ака ука Бекметовлар, Ибирай Ақбаев, Мамай бойнинг ўғиллари, Исо Кўпжасаров, Салиқ Омаров, Тобанияз Алниязов ва бошқалар.

Буюк Даштда чорвадорларнинг кўпчилиги бой бадавлат бўлгани учун ҳам ўғирлик ўрин олмаган. XIX асрнинг ўртасида М.И. Красовский шундай деб ёзади: «*Ўғирлик... даштдаги қозоқлар орасида ўрин олмаган деб тўлиқ айта оламиз*». Қишловларга ҳам ҳеч ким тегмаган, ҳатто эшикларини ҳам қулфлашмаган. Ёмон ирим деб мол бошини ҳам санашмаган. Ўзига тўқ яшаган даштликлар кўп вақтларини байрамлар, спорт мусобақалари, овчилик ва савдо ишлари билан ўтказишган.

#### **Ўйлаб кўринг!**

Қозоғистон ҳудудини маконлаган халқлар мол чорвачилиги эмас, экинчилик билан шуғулланса қандай бўлар эди?

**4. Қозоғистонда деҳқончиликнинг ривожланиши.** Қозоғистон ҳудудидаги табиий иқлим шароити хилма хил бўлганлиги сабабли мол чорвачилиги билан бир қаторда деҳқончилик хўжалиги ҳам бўлган. Кенгаш ҳукумати даврида даштликда деҳқончилик ҳеч қачон бўлмаган деган фикрлар айтилган.

Аслида, қозоқлар азалдан деҳқончилик билан шуғулланишини, тарихий ва археологик манбалар исботлайди. Дарё кўл яқин жойларда деҳқончилик ривожланди. Деҳқончилик марказлари – Сирдарё, Или, Шу, Нура, Урал, Иртиш дарёлари ва Балхаш, Олакўл, Зайсан кўллари бўйлари. Деҳқончилик қадимдан Жанубий Қозоғистон (Сирдарё, Қоратоғ) ва Ёттисув (Шу, Талас, Или) ҳудудларида кенг ўрин олди. Бошқа ҳудудларда ҳам аҳоли экинчилик ишлари билан шуғулланишган.

Деҳқончилик неолит ва энеолит даврида шаклланди. Илк оддий ўроқларни археологлар Шарқий Қозоғистондаги Уст-Нарим маконидан топган.

Бронза давридаги Қозоғистон ҳудудини маконлаган қабила-лар ҳам деҳқончилик билан шуғулланишган. Археологик манбаларнинг кўрсатишича, андроновликларда деҳқончилик қўшимча

хўжалик сифатида юритилган. Андроновликлар ерга ишлов бериш учун теша, бронза ва мис ўроқлардан фойдаланишган.

Эр. ав VIII–VII асрларда Қозоғистоннинг қадимги аҳолиси илк темир даврида хўжаликнинг комплекс тури билан шуғулланишди. Жанубий Қозоғистон ва Еттисувда экинчилик билан мол чорвачилиги хўжалиги бирга юритилди. Саклар ерга ишлов беришда *сугориш тизимларини* ишлатиб, қўлда суғориш ишларини олиб бордилар. Сирдарёнинг ўрта оқимида пайдо бўлган Қангли мамлакатида ҳам (эр. ав. 1 минг. йилликда) деҳқончилик тез суръатлар билан ривожланди. Бу ҳудудда ўтроқ мол чорвачилиги билан бир қаторда деҳқончилик ишлари ҳам олиб борилди

Ўрта асрларда Турк ҳоқонлигида ҳам деҳқончилик хўжаликнинг бир соҳаси бўлди. IX–X асрларда Иртишнинг ўрта оқимини эгаллаган қимоқлар ҳам деҳқончилик билан шуғулланишган. Бунга Чирчиқ дарёси бўйига 20 чақирим жойда топилган Зах ўзани мисол бўла олади. Ал-Идриси маълум қилишича қимоқлар арпа, буғдой, гуруч ва узум экишган.

Кейинчалик Чингизхон ва Амир Темур ҳужумлари натижа-сида деҳқончилик парчаланиб кетди. Қозоқ хонлигининг ташкил



Ер ҳайдаш

# VI – XII АСРДА ҚОЗОҒИСТОН ШАҲАРЛАРИ

# ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗЛАРИ


**МАСШТАБ**  
1 : 1 000 000

- Архитектура ёдгорликлари:**
- 1 – Ойша-биди макбараси,
  - 2 – Қорахон макбараси,
  - 3 – Талхашан бобо макбараси,
  - 4 – Бобохо хотин макбараси,
  - 5 – Жўши хон макбараси,

- Алаша хон макбараси (XIII а.);
- 6 – Жўбин она макбараси,
- 7 – Аякқамир макбараси,
- 8 – Чўпон ота, Қараман ота кўриклари
- 9 – Кўзи Кўрпаш –Баян Сулуе мазори.

- Қозоғистоннинг қадимги шаҳарлари
- Буюк Ипак йўли
- Сугориладиган экин майдонлари
- Боғдорчилик майдонлари

*Эслатма:* хариталада дарё ва кўлларнинг хозирги номлари кўрсатилган  
Қозоғистон Республикасининг хозирги chegarаси




топиши Еттисув ва Сирдарё бўйида яна деҳқончиликни жонлан-тирди. Уни Ўтродаги археологик қазилма ишлари исботлайди.

1692 йили қозоқ ерига келган элчи В.Кобяков шундай дейди: *«Тавке хонда нон кўп, қозоқлар бугдой, арпа ва тарик экадилар...»*.

15-бетдаги харитада анъанавий хўжалик турлари қайси ҳудудда, қандай ривожланганини кўрсатинг.

Қозоқлар русларга озиқ овқат ҳам со-тиб ўтиришди. Мана шу тўғрисида 1830 йили С.Броневский: *«Ҳосил далада ай-тарликдай бор... Ўскемен, Семей, Иртиш истеҳкомларига қозоқлар... бугдой ва ар-пани сотишга олиб келадилар: бу эса русларни ҳайратга со-лади»*, – деб ёзади. Бу – қозоқ халқининг деҳқончилик билан шуғулланишининг исботи эди.

Қозоқлар бугдой, арпа, тарик, гуруч, жўхори экишди. Чим-кент ва Перовск уездларида пахта, Верний уездидида озлаб тама-ки ўстиришди. Жанубий ва Жанубий Шарқий ҳудудларда тар-вуз, ошқовоқ, сабзи етиштирди. Қозоқлар ва кўчиб келган рус



Қадимги Зах ариғи





Хўжаликка керак қурол-яроғлар

деҳқонлари қатор яшаган жойларда картошка, бодринг ва яна бошқа сабзавот турларини етиштириш билан шуғулланишди.


Мол учун ем хашаклардан йўнғичқа экилди. Қозоғистоннинг жанубий ҳудудида қозоқлар мевали дарахтлар (олма, гилос, ўрик, олмурт) ва узум экишди.

Ўтроқ ва ярим кўчманчи деҳқонлар озиқ овқатни сақлаш учун *ўра ёки қамба* солишган.

Деҳқончилик махсус меҳнат қуроллари яшашни талаб этди. Сўқа, ўроқ, ойри, курак, кетмон, торма ва бошқа меҳнат қуроллари қўлдан ясалган. XIX аср охири – XX аср бошида қозоқ хўжалигига ерга ишлов бериш учун *темир сўқа* ва *моладан* кенг фойдаланишган. Экинларни *отма* ва *чигир (сувни кўтарадиган қурилма)* орқали қўлда суғоришган.

Қозоқларда деҳқончилик ўзларига керак бўлган озиқ овқатни ишлаб чиқарадиган натурал хўжалик сифатида бўлди. Қашшоқлашган экинчилар (деҳқонлар) бойларнинг экин майдонларида ҳосилнинг бир қисми учун ёлланиб ишлашга мажбур бўлишди. Меҳнат қуроллари жуда ҳам оддий бўлар эди. Давлат томонидан қозоқлар озиқ овқат уруғлари билан таъминланмади.


**5. XX аср бошларида қозоқларнинг ёппасига деҳқончиликка ўтиш сабаблари.** XIX асрнинг охирида қозоқларни ёппасига деҳқончиликка ўтишининг сабаблари *биринчидан*, рус деҳқонларининг кўчирилиши натижасида мол боқадиган яйловларнинг қисқарилиши ва шаҳар аҳолиси сонининг кўпайиши. Мол боқишга ем хашак йиғиш ва кун кўриш учун экин экиш за-



Отма  
(ер суғорадиган курол)



Сўқа



Ер торма

рурияти пайдо бўлди. *Иккинчидан*, қозоқлар деҳқончилик билан шуғулланмаса бошқа жойга кўчириб юбориш хавфи ҳам бор эди. Деҳқончиликка ўтиш орқали қозоқлар ўз ерида ўтроқ бўлиб қолишга ҳаракат қилди. Бу тўғрисида «Осиёлик Россия» (СПб, 1014, т. 1) китобининг муаллифлари шундай деб ёзади: «*Русларнинг кўчиб келиши бу ерга (Дашт Ўлкасида) қозоқларнинг қозоқларнинг ўтроқликка ўтиши билан бир вақтда юритилди. Яйловларнинг қисқарилиши уларни ўтроқ деҳқончиликка ўтишга мажбур қилди*».

*Учинчидан*, подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ҳам қозоқларни ўтроқ ҳаётга кўчиришни мўлжаллади. Бу ерда подшо Россиясининг асосий мақсади – ўлканинг асосий аҳолисини еридан айриб, кўчиб келувчиларга бўшатиб бериш ва қозоқ жамиятида устидан ҳукмронлик ўрнатиш эди. Баъзи бир қозоқлар рус деҳқонлари билан тажриба алмашиб, уларнинг хўжалигини юргизиш усулини ўрганган.

Хуллас, қозоқ халқи мол чорвачилиги билан бир қаторда деҳқончилик билан ҳам шуғулланишган. Деҳқончилик Жанубий Қозоғистон ва Еттисувда қадимдан ривожланган. Дарсликда келтирилган картада суғормали экинчилик ва боғдорчилик билан шуғулланадиган ҳудудлар кўрсатилган.

Тарихий дастур асосида шаклланган мол чорвачилиги ва деҳқончилик соҳаси бугунги кунда катта муваффақиятларга эришди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига жаҳон талаби кучайган вақтда ишлаб чиқаришга янги технологияларни кенгроқ киргизиш лозим.



1. Кўчманчилар жамиятида гуруҳларга бўлиниш (бойлар ва камбағаллар) бўлдими?

2. XVIII–XIX асрларда кўчманчи қозоқ жамиятига рус тадқиқотчиларининг қизиқишининг сабаби нимада эди?

3. «Кўчманчилар мол чорвачилиги билан шуғулландилар, ўзлари маҳсулот ишлаб чиқармадилар» деган фикрга сизнинг кўзқарашингиз қандай?

4. Қозоқ жамиятида бой бадавлат кўчманчиларнинг роли қандай эди?



5. Ҳозирги кунда республикамизнинг қайси ҳудудларида деҳқончилик кўпроқ ривожланган?

**Евроцентристик кўзқараш** – инсоният цивилизациясида европа ёки ғарб халқларининг ривожланишини бошқа миллатлардан юқори қўядиган фалсафий кўзқараш.

**Эрозия** – бирор бир нарсанинг ташқи қаватининг емирилиш жараёни.

**Суғориш тизими** – каналлар, ариқ-отиз тизими ва бошқа ҳам сув техник, фойдаланиш қурилишлари бор суғоришни таъминлайдиган ҳудуд.

**Отма** – экинга сув чиқарадиган қурилма.

**Чигир** – экинга сув чиқариш учун ясалган, сув юрадиган оддий қурол.

### Ижодий топшириқлар.

**1-топшириқ.** Кўчманчилар турмуш тарзи ва ўтроқ ҳаётни таққослаб, ижобий ва салбий томонларини айтинг.

| Кўчманчиларнинг турмуш тарзи | Ўтроқ ҳаёт |
|------------------------------|------------|
|                              |            |



**2-топшириқ.** Қозоқ халқининг анъанавий мол чорвачилигидан ўтроқ ҳаётга кўчишига қандай факторлар таъсир қилди?


«Кайсак (қозоқ) ўроғи бироз эгилган пичоққа ўхшаб кетади, яхши чиққан ҳосилдан кунига 20–30 боғ боғлайди. Донни янчиш хўкизнинг ёрдами билан юргизилади, яъни куни билан хўкизни доннинг устида ҳайдайди. Хирмон олдида лой сув сеппиб намлаб турган, орқасидан кейин қуришиб йиғган. Қайсақлар

хирмонга қараб ҳўкизларни юборган, лекин мен 6 тадан кам ҳўкиз кўрмадим.

Янчилган донни шамолнинг ёрдами билан элаган. Агар шамол бўлмаса, қайсақлар қадимдан келаётган усулдан фойдаланган, яъни биттаси донни юқорига кўтариб сочади, 2–3 одам қопни елпиб туриб шамол қилади, шундай қилиб, дон тозаланади. Бироқ бу ҳолат иложи бўлмаган вақтда, бундай ишларни бажаришда албатта шамол бўлиши кутилади.

Ўзига қишлоғга озиқ-овқат учун керакли тариқ ёки донни олиб қайсақ-қирғиз уни овулга олиб келиб, аёли унинг қобиғини тозалайди. Бу учун тариқни бироз вақт чўян қозонда қовуриб, келига солиб тугади, ундан кейин тозаланган ва қовурилган донни (шунинг учун тайёрланган махсус жун) қопларга солади. Тариқнинг қолган қисмини ўра қазиб шунга кўмади, ўрада тариқ қиши билан ёки керак вақтгача ётади».

*Дехқончилик тўғрисида / Валихонов Ш. Кўп томли асарлар йиғиндис. – Алмата, 2010, 3-том, 162 бет.*

 Кўчманчилар донни янчишда қандай усуллардан фойдаланди?

3–4-§

## Ҳунармандчилик ва касблар

**Ўқиш мақсади:**

- ✓ этнографик материалларнинг қозоқларда ҳунармандчилик ва касбларнинг ривожланишини тавсифлаш.

**Таянч сўзлар:**

| Ўзбекча  | Қозоқча    | Русча                    | Инглизча                    |
|----------|------------|--------------------------|-----------------------------|
| Автохтон | Автохтонды | Автохтонный              | Autoton                     |
| Қалов    | Қалау      | Қалау (бытовая традиция) | Kalau (household tradition) |

## Мавзуга ўтиш:

Расмга қараб, қозоқ халқининг ҳунармандчилиги хусусиятларини айтиб беринг.



**1. Қозоқ ҳунармандчилиги ва касбкорликнинг бошланиши.** Қозоғистон ҳудудини маконлаган қадимги қабилалар (саклар, гунлар, қипчоқлар, ўрта асрдаги турклар ва бошқалар) моддий ва маънавий маданиятнинг меросхўрларидир. Антрополог, академик Смағулов исботлагандай, Қозоғистон ҳудудидаги аҳолининг асосий қисми 4000 йил давомида *автохтон* турда ўлкани маконлаб келди. Уларнинг қадимги маданияти илк қозоқ халқининг моддий ва маънавий маданияти билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, сакларнинг кигиздан ясалган буюмлари ҳозирги намуналар билан туғри келади. Кигиз ва теридан тикилган шим ва этик намуналари XX асрнинг биринчи ярмидаги дашт аҳолиларида учрайди. 1969 йили атоқли археолог К.Акишев очган Есик қўрғонидаги қурол яроғлар, ёғоч идишлар ва лойдан ясалган кўзалар кейинги даврдаги аҳолининг кундалик ҳаётида учратмаганмиз. Сак давридан буён қозоқ халқи кигиз уй ясашни билди.

Қадимги замонда мис, бронза, темир эритиш ишлари кенг ривожланди. Академик Марғулон топган Жезказган ёнидаги кон ўринлари бу ҳудуднинг қадимги металлургия маркази бўлганлигидан далолат беради. Қозоқларнинг темир усталари ва ҳунармандлари металл эритишнинг усулларини қадимдан билиб, ривожлантириб келдилар.

**2. Янги замондаги уй касбкорлиги ва ҳунармандчилик аҳволи.** XVIII аср ва XX аср бошида қозоқларнинг уй касбкорлиги ва ҳунармандчиликда шаклланган дастурлари сақланиб келди. Қозоқ жамиятида, асосан, мол чорвачилиги анжомлари ишлаб

### Ўйлаб кўринг!

Ҳозирги кунда қозоқ халқи илк кўчманчиларнинг маънавий ва моддий маданияти давом эттиряптими?

чиқилиб, кундалик ҳаётга зарур буюмлар, кийим, заргарлик буюмлари ясалган. Мол чорвачилиги кучманчилар ҳаётини тулиқ таъминлаб турди.

Кўчманчилар ҳаётидаги молнинг аҳамияти туғрисида Ш.Уалиханов шундай дейди: *«Дашт кўчманчисини еб ичкизадиган ҳам кийинтирадиган ҳам мол, у учун уз тинчлигидан ҳам молнинг омон бўлгани қиммат. Қозоқларнинг омонлашиши «Мол жон омон ми?» деб бошланади».*

Мол боқиш кун кўришнинг асосий манбаи бўлгани учун, мол хўжалиги қолдиқсиз ишлаб чиқаришга айланиб, экологик ва эстетик маданиятнинг ёрқин намунаси бўлди. Мол маҳсулотлари исроф қилинмасдан, бирор бир ҳожатга ишлатилди, яъни «увол», «гуноҳ» деган тушунчаларга тенглаштирилди. Молнинг гўштини озиқ сифатида истеъмол қилса, терисидан кийим, оёқ кийим, тақинчоқлар, идиш товоқлар ясалди. Суяк ва мугуздан халқ усталари турли сандиқчалар, мусиқа асбоблари ва уй жиҳозларини ясашди.

Мол жуни ва кигиздан кийимнинг турли хилини, оёқ кийимлар ва турли уй жиҳозларини тайёрлади. Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг мугузидан – тиш тароқлар ясаб, отнинг ёлинидан мустаҳкам арқонлар тайёрлади. Кўйнинг тезагидан ўтин



Шолча ва оёққоп (пойафзал)

сифатида, отникидан эса уйнинг ташқи қисмини силашда фойдаланди. Тўрт тулик суякларидан юқори сифатли қора совун тайёрланди. Юқори навли жундан гилам ва кигиз (сирмоқ, текемат, оёққоп, рангли кигиз, олача ва бошқалар) босилди.

Янги замон тадқиқотчилари қозоқ ҳунармандчилигини иккига яъни «аёллар ҳунармандчилиги» ва «эркаклар ҳунармандчилиги» деб бўлинганлиги тўғрисида ёзади. Эркаклар темир буюмлар, кигиз уйнинг ёғочларини, идишлар ясашди. Аёллар эса жунни йигириб, кигиз босди, кийим, бош кийим тикиб, тўқимачилик, каштачилик, нақш солиш, тери ошлаш ва тўн би-чиш ишлари билан шуғулландилар.

**3. Эркаклар касби ва ҳунармандчилиги.** Эркаклар касби устачилик, заргарлик, ёғоч, суяк, тошга ишлов бериш каби ишлардан иборат эди. Қозоқ овулларида қадимги даврдан усталарнинг дастурини давом эттириб келган заргарлар олтин ва кумушдан турли хил тақинчоқлар ясаган.

Заргарлар зирак, билакузук, илмоқ тўғноғич, соч боғ, чўлпи ва бошқа буюмларни буюртма асосида ишлаган. Уста бу буюртмаларни ўз уйида ёки бўлмаса уйнинг ёнидан заргарлик устахонасини очиб шу ерда ишлаган.

XIX асрнинг охирида халқ орасида темирчи усталар катта обрўга эга бўлишди. Улар темирдан тақа, узанги (нарвон), пичоқ, самовар карнайи, қайчи, ўроқ, кетмон каби қурол яроғлар ясашган. Тадқиқотчи И.Я. Словцов: «Темирчи усталар болта, узанги, пичоқ ясади...



Теридан қоп ва товоқ



Сандик

#### Ўйлаб кўринг!

Нима учун кўчманчилар ҳунармандчилик буюмларини ёппасига сотувга чиқармади?



Эгар жабдуқ



Қозоқнинг бош кийимлари



Эркалар тўни



Чопон



Аёллар тўни



Нақшли тўн



Эркалар чолбари, белбоғ, этик



*Бу буюмларнинг сифати Россия буюмларидан кам эмас», – деб қозоқ усталари тўғрисида айтган.*

Суяк билан ишлайдиган усталарни халқ алоҳида ҳурмат қилган. Улар рўзғор учун керакли буюмларни безашга мол суякларини (яғрин, қовурға, ёқ) фойдаланган. Уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар мугузидан ханжар, қамчи, пичоқнинг сопини ясаган. Носвой сақлайдиган идиш учун қўй мугузи, чўмич сопи, тароқ каби буюмларга қора молнинг суягидан фойдаланган. Ёғоч жавон (асадал), одалбақан (кийим осишга мўлжалланган ёғоч буюм), сандиқ каби уй рўзғор буюмлари турли хил нақшлар билан безатилган.

Тери ва чармдан тикилган буюмлар қозоқ халқининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Теридан кийим, оёқ кийимлар, идишлар ва эгар жабдуқлар ясалди. Бу касб билан асосан эр кишилар шуғулланган. Аёллар эса мол териси билан бир қаторда ҳайвон териларидан турли хил кийимлар ва бош кийимлар тикиб, нақшлар билан пардозлашган. Ёввойи ҳайвон терисидан *тўн* тикишган. Уй ҳайвони терисидан ясалган *саба*, *тўрсик*, *меш* каби идишлар кундалик ҳаётда кенг фойдаланилган.

Тошга ишлов берувчиларнинг моҳирлиги қабр устига қўйилган қулфитошларда ўз аксини топади. Бу касбнинг энг кенг тарқалган ҳудуди – Ғарбий Қозоғистон эди. Сабаби, бу ерда ишлов беришга қулай бўлган тоғ жинслари кўплаб учрар эди.

Ёғочга ишлов берувчи моҳир усталарнинг, яъни дурадгорларнинг ишлари ҳам юқори баҳоланган. Ёғочдан ишланган буюмлар чидамли ва енгил бўлгани учун кўчманчи қозоқлар ҳаётида қўллаш учун қулай бўлган. Улар ёғочдан ғилдирак, арава, чана, чиғир, идишларнинг турларини (қути, сандиқ, кубини, ошлов, ўжов) ва бошқа уй жиҳози буюмларини ясаган. Ёғочдан тайёрланган буюмларга усталар суяк ва кумушдан пардозлаб нақшлар солган. Қайин, қарағач дарахтининг ёғочларидан *ойри*, *торма*, *курак* каби меҳнат қуроллари ясаган.

#### **Ўйлаб кўринг!**

«Усталик касбини кўп ҳолларда бир авлод вакиллари давом эттириб, отадан ўғилга мерос бўлиб қолди» деган фикрга қандай қарайсиз?

Қозоқнинг идиш-товоғи кўчиб қўниб юришга қулай енгил, синмайдиган ёғочдан тайёрланган. Теридан бия соғишга мўлжалланган *кўнек* ясалган. Ёғочдан *тегене, тоғора, ўжов, ошлов* каби идишлар тайёрланган.

#### Эсингизга туширинг!

Қозоқ халқида ўзаро ёрдам кўрсатиш яна қандай шароитда акс этди?

**4. Аёллар касби ва ҳунармандчилиги.** Замонавий аёллар касби ва ҳунармандчилиги кенг ривожланди. Қозоқлар қизларига ёш вақтидан бошлаб кийим, оёқ кийим гилам ва олача, кашта тикишни ўргатган. Ҳар бир қозоқ аёли уй хўжалигининг барча турини тўлиқ ўзлаштирган. Бу ҳақида 1865 йили Қушмурун округининг оға султони Шинғис Валихонов: «*Чакмон, чопон, тўн ҳайвонларнинг терисидан тикилган. Малақай, чолбор, камзул, тақия-буларнинг ҳаммасини аёллар ўзлари тикишган*», – деб ёзади.

Кийим, оёқ кийим, уй рўзғор буюмлари ҳар бир оилада эҳтиёжга қараб тайёрланган. Аёллар *сирмоқ, рангли кигиз, текемет* каби гилам турларини кигиздан босган.

Қозоқ гиламлари тўқилишига қараб иккига яъни *тақир* ва *тукли* гиламларга бўлинади.


Азиз меҳмонлар келганда янги чиройли гиламлар тўшалган. Қозоқ халқи мусобақа ғолибларини гиламлар билан мукофатлаган. Гиламни баъзида *қалов* дастури бўйича ҳам беришган. Бу гиламнинг халқ ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Гилам тўқиш ишининг ўзига яраша қийинчиликлари бўлгани учун, уни бир неча хотин қизлар биргаликда тўқишган ва қадимги урф одат бўйича *гиламошар* дастурини ўтказишган.

**5. Қозоқларнинг нақшлари.** Қозоқ халқи ҳаётида қўй алоҳида ўрин эгаллаган. Қўй – даштликларнинг асосий бойлигининг ўлчови бўлиб, у асрлар давомида муқаддас деб ҳисобланган. Кигиздан ясалган буюмларда *қўчқормугуз* нақши бойлик ва мўлчиликнинг, давлат ва эркинликни тимсоли сифатида қаралган. Нақшкорлик – қозоқ халқининг санъат соҳасидаги азалдан қўлланиб келинаётган касб тури. Нақш орқали халқ усталари халқнинг орзу умидларини, фикрларини, кайфиятларини етказиб берган. Қозоқ нақшкорлигининг минг йилларга

тенглашадиган чуқур тарихи бор. Пазириқ ва Олтой маконларидан топилган буюмлардаги нақшлар ҳозирги қозоқ нақшларига ўхшайди. Шундай нақшлар билан яна Есик қўрғонида топилган «Олтин одамнинг» кийими ҳам пардозланган. Академик А.Марғулон: «*Бу санъат асари сак, уйсун, гун, турк, қангли, қипчоқ каби қадимги кўчманчи қабилалар ҳудудининг асосида шаклланди*», – дейди.

Қозоқ халқи рўзғорда ишлатиладиган барча буюмларни: кийим, бош кийим, заргарлик тақинчоқлар, оёқ кийим, идиш, куби, хуржун, мусиқа асбоблари, эгар жабдуқлар, от анжомла-



ри, кигиз уй анжомлари, уй жиҳозлари, эшик, қурол яроғлар, бешик, сандиқ, қамчи, тукли ва тақир гиламларни турли хил нақшлар билан пардозлаб ўтиришган. Анъанавий қозоқ жамиятида миллий нақш турлари халқнинг маънавий бойлиги ва турмуш тарзи, онги ва миллий қадриятларида ўз аксини топди. Нақшлар асосан, сифати томонидан *зооморф (ов усули), космогония, ўсимликлар, геометрик* усулларга бўлинди. Баъзида уларни бир бири билан узвий боғлаб солишга.

Энг кўп учрайдиган нақшлар – зооморф нақшлари. Қозоғистоннинг баъзи ҳудудларида, айниқса Ғарбий Қозоғистонда, қабр устидаги қулфи тошларда зооморф нақшлар ўйиб чизилган. Унинг бир қанча турлари – *муғиз, қушмуғиз, синиқмуғиз, сингармуғиз* кенг тарқалган. Уй хайвонларига боғлиқ *товон, туябўйин, гозбўйин, ўркач, ўрмакчи* ва бошқа нақшлар учрайди.

Ўсимлик: *дарахт, япроқ, учяпроқ, ўткизма, гул, евқазин* тасвирлари бор нақшлар бирлик ва тотувлик тимсолида солинган.

Геометрик нақш турлари: *тўртбурчак, учбурчак, кесма, чўзинчоқ* турлари кенг тарқалган.

Нақш солишда, одатда, аниқ бўёқ турларидан фойдаланган. Қозоқ халқининг кенг феъллиги ва оқ кўнгиллиги очиқ ранг-



Кигиз уйнинг ички кўриниши

ларни танлашга таъсир қилган. Кўк ранг – осмон, қизил – от, қуёш, оқ ранг ҳақиқат, қувонч, бахт, сариқ ранг – ақл фаросатнинг, қора ранг – ернинг, яшил – ёшлик, баҳорнинг тимсолида бўлган.

- ?**
1. Ҳозирги вақтда қозоқ халқининг ҳунармандчилигини миллий тарбиянинг асоси сифатида янгилашга нима халақит беради?
  2. Қозоқ халқининг ҳунармандчилик буюмлари миллий қадриятларимизни очиб бера оладими?
  3. «Миллий ҳунармандчилик буюмлари ҳар қандай халқнинг миллий қадриятларига мос равишда шаклланади» деган тушунчага сизнинг кўзқарашингиз қандай? Исботланг.
  4. Бугунги кундалик ҳаётимизда ҳунармандчилик буюмларидан фойдаланиладими?

**\*** **Автохтон** – маълум бир ҳудуднинг қадимги маҳаллий аҳолиси. **Қалов** – маиший урф одат, ёқтириб қолган бирор буюмни, уй эгасидан сўраб олиш.

### **Ижодий топшириқлар.**

**1-топшириқ.** «Кўчманчиларнинг ҳунармандчилик буюмлари: кеча, бугун». «Т» жадвали орқали таққослаб таҳлил қилинг.

**2-топшириқ.** «Сухбат» усули орқали катта ёшдаги кишилардан қозоқнинг миллий буюмларининг ясалиши (технологияси) ҳақида сўраб билиб олинг.



«**Гилам** – уй жиҳози. Уй хонаси кўркам ва иссиқ бўлиш учун ерга тўшалади. Халқнинг азалдан қўлланиб келаётган бу уй жиҳози – тутишга қулай, чидамли, чанг тўзондан енгил тозаланадиган, намгарчилик ва қурғоқчиликдан қўрқмайдиган бебаҳо мулк. Гилам тўқилишига (тукли, тақир), матосига (жун, ипак, пахта, каноп толалари), ҳажмига (қўш гумбазли, беш гумбазли), нақшларига қараб турлича аталади. Тукли гилам бир неча қаватдан иборат бўлиб, бундай гиламнинг асосий таркиби алоҳида иплар ва бир-бирига тиғиз жойлашган тугунлардан таркиб топган. Ипларнинг учини қирқиш натижасида тўқилган бундай гиламларда қалин тук тугунларни кўрсатмай ёпиб турган. Тукнинг узунлиги 3 мм-дан

18 мм-гача бўлган. У қалин, мустаҳкам бўлиши билан бирга бахмалга ўхшаб товланиб турар эди. Тақир гилам (палас, су-маха, олача ва бошқалар) бир ўрам ипдан бир қават қилиб тиғиз тўқилади. Туки қирқилмаган, баъзида тугуннинг ярми қирқилиб ярми қирқилмаган аралаш гиламлар ҳам бўлган. Шунингдек тўқима бўлмаган (туки тикилган, чивикли, елим-ли), рангли кигиз, каштали ўрма гиламлар ҳам бўлган. Тайёр-ланиш усули бўйича гилам машинада ва қўлда тўқилиб икки-га бўлинган. Илк гиламлар бронза даврига оид бўлиб, Олтой тоғи ёнидаги Пазириқ, Нўйин-Улинск маконидан топилган. Ҳозирги туркий гиламлар нусхалари ана шу илк гилам нусха-ларига ўхшашдир. Илк қозоқ гиламлари қадимги сак, уйсин, гун даврларига бориб тақалади. Гиламдўзлар гилам тўқишда қизил, қора, сариқ, яшил, ҳаво рангларни қўллаш орқали ўз даврининг урф одати, анъаналари, турмуш шароитларини тас-вирлаб бера олган.

**Гилам тўқиш** – тўқимачилик санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Гилам тўқиш-қўлда ёки маши-нада гилам ишлаб чиқариш жарёнидир. Қўлдан тўқилган ги-лам тўқима станокларда ишлаб чиқарилади. Бундай гиламлар жуда ҳам пишиқ бўлиб, бир неча ўн ёки юз йилгача фойдала-ниш мумкин. Қўлдан тўқилган тукли гиламни тўқишга жун (қўй, эчки, туя), пахта мато, ипак, зиғир, каноп ипларидан фойдаланган. Қўлда тўқилган гиламларнинг туклари турли рангга бўялган иплар билан ўралиб ясалади. Майда нақш керак бўлса бир тола ип тугилади. Гилам тўқиш қадимдан келаётган ҳунармандчилик соҳаларидан биридир».

*Қозоғистон. Миллий энциклопедия. – Алмата, 2003, 5-том,  
149-150 бетлар.*

- ?** 1. Ўзингиз яшаётган ҳудудда гилам тўқишнинг анъанавий дастури сақланганми?

## Иккинчи боб

# ДАЛА ВА ШАҲАР: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ БИР-БИРИГА ТАЪСИРИ

5-6-§

Қозоғистонда шаҳар маданиятининг  
ривожланишида Буюк Ипак йўлининг роли

Ўқиш мақсади:

- ✓ харитани фойдаланиб, Буюк Ипак йўлининг Қозоғистон худудидаги йўналишларини ва йўлларини ўрганиш;
- ✓ Қозоғистонда шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги Буюк Ипак йўлининг ролини таҳлил қилиш.

Таянч сўзлар:

| Ўзбекча  | Қозоқча | Русча | Инглисча |
|----------|---------|-------|----------|
| Пайза    | Пайза   | Пайза | Peiza    |
| Савдогар | Көпес   | Купец | Merchant |
| Робот    | Рабад   | Рабад | Rabad    |

Мавзуга ўтиш:




*Ўрта аср шаҳри*



*Буюк Ипак йўлидаги карвон*

Бу икки расмни қандай боғласа бўлади?



Ипак йўли.  
Е. Толепбаев

### Эсингизга туширинг!

Инсоният тарихида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти қандай?

**1. Буюк Ипак йўли ва Қозоғистон.** Буюк Ипак йўли – кўпгина мамлакатлар ва халқларнинг муносабатини, маданиятини бири бири билан боғлайдиган, Қозоғистон ҳудудидаги шаҳар маданияти ривожланишига катта ҳисса қўшган боғланиш йўли бўлди. Шарқ билан Ғарбни, Хитой, Корея, Япония, Ўрта ер денгизи давлатлари, Греция, Италия ва Византия орасидаги савдо йўли йўналиши сифатида бекитиш учун «Ипак йўли» атамасини 1877 йили немис географ-олими Ф.Рихтгофен таклиф қилган. «Буюк» сўзи эса йўлнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва минглаган чақиримга чўзилганлиги учун берилди.

Бу турли йўналишдаги карвон йўли эди. Эр. ав. II асрда Хитой еридан бошланиб, Ўрта ер денгизга қараб чиққан. Буюк Ипак йўлининг асосий йўналиши Жанубий Қозоғистон ва Еттисувдан ўтган. Еттисув ҳудудида – Буюк Ипак йўлининг Шарққа чиқадиган, Жанубий Қозоғистонда эса – Ғарбга чиқадиган дарвоза бўлган. Бу мавзуда келтирилган харитада (31-бет) кўриниб турибди. Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи бу йўлда Қозоғистон



мамлакатларни ўзаро боғлаб турувчи бўғинга айланди. Мана шу йўналиш орқали бутун Евроосиёга билим ва технологиялар, маданият ва дин, маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида ахборот тарқатилди. Асосий маҳсулотлар ипак газламалар, хушбўй моддалар, қимматбаҳо тошлар ва шиша эди. Савдо ривожланган сари маҳсулот ишлаб чиқариш усуллари ортиб, мамлакатлар орасида баъзи маҳсулотлар: шароб, беда, қуруқ мевалар, гилам, маиший буюмлар оқиб кела бошлади. Масалан, эр. ав. 117 йили уйсинлар ери орқали танга ва ипаклар ортилган хитойликларнинг йирик карвони ўтган.

Савдодаги асосий мол – ипак бўлди. Олимларнинг тахминича ипакнинг пайдо бўлиши, бундан 6000 йил аввалги вақтга тўғри келади. Ипак газламаларни одамлар қадимги даврлардаёқ юқори баҳолаган. Ипак – ҳарир, енгил, юмшоқ газлама. Тоза ва табиий маҳсулот бўлгани учун, ипакдан тикилган кийимга бит, кана, ўргимчак каби қумурсқалар яқинламаган. Ипак кийимлар чиройли ва қулай, танага ёқимли бўлган. Шунинг учун ҳам ипак ишлаб чиқаришнинг сир-синоатлари асрлар давомида махфий сир тутиб келинган. Хитойдан чиқарилган, газламалар Буюк Ипак йўли орқали бутун дунёга тарқатилиб, хазинага мўл даромад олиб келган. Хитойдан кейин ипак қурти Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Византия мамлакатларида ишлаб чиқарила бошлади.


Турк оқ суяклари фақат ипак газламадан тикилган кийимларни кийган. Масалан, Тон жабғу хоқоннинг (VII аср) яшил ипак чопон кийгани маълум. Араб географи ал-Идриси маълумоти буйича, бадавлат қимоқлар турли



Тароздан топилган  
товоқ



Талғардан топилган  
буёқли лойдан  
ишланган товоқ



Ўтрордан топилган  
буёқли лой товоқ



хил ипак кийимлар кийган. XVIII асрдаги рус олими И.Георги даштликларнинг ипак газламадан кийимлар кийгани туғрисида ёзади.

Товар айирбошлашда ипак халқаро валютада олтин билан тенгма тенг юритилган. Ёлланмали аскарларга ва хизматкорларга иш хақи ва совға сифатида ипак берилган. Ўрта асрлардаги туркий қабилалар отларини ипакка айирбошлашган.

Ипак йули орқали Европадан Қозоғистонга шиша ва тангалар, ойна, чинни идишлар, тугмалар ва асил тошлар етказилган. Қозоғистондан тери ва жун, от, қўй чиқарилган.

Буюк ипак йулида моллар туя ва эшакларга ортиб ташилган. Айниқса, туяни чўл даштнинг кемаси сифатида юқори баҳолаган, чунки туя сувга, иссиққа чидамли тулик хисобланган. Ўлар асосан икки ўрқачли туялардан фойдаланишган.

Уруш вақтлари йўл тармоқларида савдо пасайиб, тинч кунлари яна қайтадан жонланган. VI асрда кучли Турк ҳоқонлиги ташкил топган вақтда, Хитойдан Етисув ва Жанубий Қозоғистон орқали ўтадиган Ипак йўли тармоғи яна ҳам гуллаб яшнади. Турк ҳоқонлари Етисувдан ўтадиган савдо карвонларини тўлиқ ривожланди.

#### **Фикрингиз зарур!**

Ҳозирги кунда Буюк Ипак йўлини янгилаш мумкинми?

VI–XIII асрларда Буюк Ипак Йўлининг асосий йўналиши Сурия – Форс ери – Ўрта Осиё – Жанубий Қозоғистон – Талас, Шу ёнида – Иссиқкўл, Шарқий Туркистон орқали ўтган.

Яна бир тармоғи Византиядан Дербент орқали Каспий даласи – Манғишлоқ – Орол бўйи – Жанубий Қозоғистон ерларини бирлаштирган. Марказий Қозоғистон ҳудудидан эса Шарқий Қозоғистон ва Ғарбий Сибирга етган.

Турк ҳукмдорлари ва бой бадавлат савдогарлар тижорат йўлида катта фойдани қўлга киритишди. XIII асрда Буюк ипак йўлидан Мўғул империяси ҳам яхши фойдаланишди. Бу даврда карвонсаройлар халқаро алоқалар ва савдонинг ривожланишида, маданий алоқаларда алоҳида ўринга эга бўлган. Мўғуллар савдонинг ривожланишини қўллаб қувватлаб, динга ҳам қаршилик кўрсатди. Мўғул ҳукмдорларининг ўрдалари йирик савдо марказларида жойлашган эди. Буюк Ипак

#### **Таҳлил қилинг !**

Савдонинг ривожланиши жамиятни қандай ўзгаришларга олиб келди?



Савдо карвони

Йўли ёқасидаги карвонсаройларда йўловчилар озиқ овқатларини ғамлаб, дам олиб, савдо ҳам қилишган. Шаҳар маданияти ривожланди, карвонсаройлар бўй кўтарди. Йўловчиларга карвонсаройдагилар яхши хизмат курсатишди. Қадимги даврда ва ўрта асрларда шаҳар атрофлари ва карвон йўлларида савдогарлар учун махсус карвонсаройлар қад кўтарган. Карвонсаройлар Буюк Ипак йули ёқасидаги уларнинг чеккаларидаги шаҳар атрофларида кўп қурилган. Карвонсаройлар VII асрдан то XIX асргача булган даврда халқаро алоқалар ва савдонинг ривожланишида алоҳида ўринга эга булган. Баъзи ҳолларда кўп қаватли бинолардаги кичик хоналарда, йуловчилар дам олиш учун хоналар бўлган. Карвонсаройлар оғир ва узоқ йўлдан келган йўловчилар учун маънавий эҳтиёжини қондирадиган маданий марказга айланди.

Ипак йўлини назоратга олган империялар савдонинг хавфсизлигини таъминлаш учун карвонларга, диний миссияларга махсус ваколат ҳуқуқини берадиган *пайзалар* бериб ўтиришган. Уларнинг тўналишига йўл берилмаган. Йўлни мудофаа қилиш учун соқчилар қўйилиб, алоқачилар хабарни вақтида етказиб ўтирган.

Амир Темур мамлакатининг тарих саҳнасига чиқиши билан XIV асрнинг охирида Буюк ипак йўлидаги савдо муносабатлари бироз пасайди. Амир Темурнинг ҳарбий ҳаракатлари ва босқинчилик урушлари натижасида шаҳарлар вайрон бўлиб, қўшни мамлакатларнинг иқтисодиёти инқирозга учраб, транзит савдо йўллари ёпила бошлади.

Денгиз йўлларининг очилиши ҳам Буюк ипак йўлининг тўхташига олиб келди.

Қозоқ хонлигининг ташкил топиши ва ривожланиши даврида Буюк ипак йўлининг Буюк даштдан ўтадиган тармоғидаги савдо сотиқ яна жонлана бошлади.

Буюк Ипак йўлининг Қозоғистон йўналишидаги савдонинг ривожланиши пул тизимининг шаклланишига олиб келди. Йўл бўйларида ҳар бир мамлакатнинг тангаларини айирбошлайдиган махсус жойлар бўлиб, уни пул айирбошловчилар ўрнатди. Ўттор, Исфижоб, Тараз, Жент, Қўйлиқ шаҳарларида танга босиб чиқарадиган зарбхоналар шуҳрат қозонган. Қипчоқ тангалари (пул), мис ва кумуш тангалар, дирхам, олтин тангалар (динар) мулоқатда бўлди. Жўжи улусида тангалар Саройчиқ, Сиғанок, Барчинкент шаҳарларида зарб қилинди. Буюк Ипак Йўли Осиё ва Ғарб давлатлари орасидаги иқтисодий, маданий, дипломатик алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

## 2. Буюк Ипак йўли бўйидаги шаҳарлар.

Буюк Ипак йўли тармоқларининг Қозоғистон ҳудудидан ўтиши шаҳар маданиятини ривожлантирди. 2000 йилдан кўп тарихи бор *Тароз* – энг йирик шаҳарлардан биридир. Тарихий манбаларда турк ҳоқони Дизабул 568 йили Византия императори Юстиниан II элчиларини қабул қилганлиги ҳақида айтилади. Тароз – тургешларнинг, кейин эса қарлуқлар ва қорахонийларнинг пойтахти бўлди. Бу Тарознинг савдо ва ҳарбий стратегик аҳамиятга эга шаҳар бўлганлигидан далолат беради. Манбаларга кўра шаҳарни гунлар ҳарбий истехком сифатида қуришган. Шаҳар аҳолиси аскарлар ва йўл бўйини кузатиб турувчи назоратчилар вазифасини бажарган. XI асрда Эрон оқини Тарбизий: «*Тарозликлар каби қўрқмас, араблар каби мард*», – деб тавсиф берган. Тароз яқинида қўрғошин, кумуш,

**Ўйлаб кўринг!**

Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларнинг стратегик аҳамияти қандай?



Хунармандлар. Рассом Б. Ақанеев

темир ва олтин ишлаб чиқарадиган металлургия конлари ривожланган эди.

Араб олими Ибн Хаукаль: «Тароз-мусулмон турклар савдо қиладиган марказ» ёки «Тароз-савдо шаҳри» деб аталган. Шаҳар ичидан сув қувурлари юргизилган.

Еттисувнинг йирик савдо марказларидан бири Суяб – Ғарбий Турк ҳоқонлигининг, кейин Тургеш, Қарлуқ мамлакатининг пойтахти бўлди. 629 йили Суяб шаҳрида бўлган будда монахи Сюань Цзянь Турк ҳоқони билан учрашувини шундай таърифлайди: «Бу ажнабийларнинг отлари чиройли. Ҳоқон яшил тусли ипак чопон кийган, бошига ипак мато ўраб қўйган. Унга шаънли чопон кийган, сочларини бурам қилиб ўрган икки юздан ортиқ тарханлар эргашиб юрибди. Туялар ва отларга минганларнинг сони ҳисобсиз, кўз билан санаши мумкин эмас». VIII асрда шаҳар халқининг сони 20 000 га етди. Шундай шаҳарлардан бири Болосогун – Қорахонийлар мамлакатининг пойтахти.

Буюк Ипак йўлининг тармоқлари Или Олатоғининг этагидаги кичик шаҳарлар орқали ўтди. Шулардан бири транзит савдо шаҳри Талхиз (Талхир), йирик шаҳарлардан Исфижоб (Сай-

рам) шаҳридир. Ўрта асрларда Исфижоб савдо ва дин марказига айланди. Манбаларда шаҳар илк бор VII асрда аталган. Махмуд Қошғарий «Сайрам – оқ шаҳарнинг оти, уни Испиджаб атайди» деб кўрсатади. Маҳаллий савдогарлар оқ матолар, қурол яроғ, заргарлик буюмлар ва идишларни бошқа жойларга етказиб турган. Шаҳарда танга саройи, бозорлар, мато сотадиган расталар ва карвонсаройлар кўп солинган. Шаҳардаги карвонсаройлар йўловчи савдогарлар учун муҳим аҳамият касб этди. Карвонсаройларни асосан бой савдогарлар қуришган. Улар, одатда, баланд деворлар билан қуршалган, марказда моллар учун сувлоқ, атрофида эса йўловчилар учун меҳмонхоналар бўлган. Карвонсаройларда савдо қизиби, муҳим ахборотларни етказадиган марказ иш олиб борган.

34-бетдаги харитадан Буюк ипак йўлининг Қозоғистон ҳудудидан ўтган тармоқларини аниқланг.

Карвонсаройларнинг бироз қисмини Бухоро, Самарқанд савдогарлари эгаллаган. Исфижоб шаҳри ва унинг ҳудудида XI–XII асрларда 40 000 га яқин аҳоли яшаган. Шаҳар халқи бошқа жойлардан келган одамлар ҳисобига кўпайди.

Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган шаҳарлардан бири – *Ўтрор*. Ўрта асрларда *Ўтрор* Сир дарё бўйидаги йирик савдо ва



Ўрта асрлардаги Исфижоб шаҳри

маданият марказига айланди. Шаҳарда кўплаган ҳаммомлар, мачитлар ва мадрасалар қурилган. Ўтрорда Шарқдаги иккинчи устоз Абу Носир ал-Фаробий туғилган. Ўтроқ шаҳар аҳолиси билан кўчманчи халқ орасида алоқалар ўрнатилиб, айниқса, душман ҳужум қилган вақтда кўчманчи халқ шаҳар ичига кириб бекинишди.

Буюк Ипак йўли тармоғида жойлашган ўрта аср шаҳарларидан яна бири – *Туркистон* шаҳридир. XIV аср охири – XV аср бошларида шаҳар Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги маъмурий, савдо, сиёсий ва маданий марказ бўлди. У суфий шайх Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг қурилиши билан боғлиқ эди. Қозоқ хонлари Туркистон шаҳрини сиёсий пойтахт сифатида қабул қилди. Рузбихон маълумотлари бўйича, шаҳар Ўрта Осиё ва Хитой оралиғида савдо бекатига айланган: *«Ясси шаҳрига товарлар ва қимматбаҳо буюмлар етказиладида, шу ерда сотиш бошланади. Шаҳар савдогарларнинг юкларини тушириб, саёҳатчилар гуруҳларини бошқа мамлакатларга жўнатадиган «марказ ҳисобланди»*. Кейинги асрларда ҳам Туркистон деҳқончилик ҳудудининг маркази бўлиб қолди.

Туркистоннинг шимолий шарқига қараб 35 чақирим ерда ўрта асрдаги йирик савдо марказларидан бири *Саврон* жойлашган. Шаҳар тўғрисида илк маълумотлар 10 асрда атаб ўтилган. Шу вақтда ҳаёт кечирган араб географи ал Мақдисий шаҳарни шундай тавсифлайди: *«Саврон – биридан кейин бири 7 та девор билан ўралган катта шаҳар, унинг роботи бор, катта мачит ички шаҳарда жойлашган»*. XVI асрда Ибн Рузбихон Саврон шаҳри тўғрисида: *«Бу шаҳар жудаям чиройли, ҳавоси тоза, одамнинг баҳри дили очилади. Ажойиб боғ роглари кўп, ям яшил дархтлар экилган, шаҳарни баланд қурилган деворлар ўраб, унинг паст қисмида чуқур қазилган ҳандақдан душманлар ўта олмаган»*, – деб ёзади.

Саврон шаҳрининг қалъа ва миноралари ўша давр қурувчилик санъатининг ёрқин намунасидир. Шаҳар сув билан коризлар орқали таъминланган.

**3. Буюк ипак йўлининг ижтимоий маданий аҳамияти.** Буюк ипак йўлининг асосий тармоқлари ўтган жойларда шаҳар маданияти гуллаб яшнади. Савдо сотиқ билан бир қаторда, Хитой,



Олд Осиё, Едил Болгарияси ва бошқа давлатлар билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Ипак йўли орқали янги технологиялар ва янгиликлар, маданий, илмий ютуқлар кириб келди ва ўзаро тажриба алмашишди. Қозоғистон шу йўл орқали қоғоз ва ўқ дори билан танишди. Бутун дунё уруш аравалари ясашни ўзлаштирди ва бошқа ҳарбий янгиликлар тарқади. Сакларнинг «ов усули»даги олтин буюмларнинг намуналари шу йўл орқали бутун жаҳонга маълум бўлди. Ипак йўли орқали Қозоғистонга бошқа мамлакатлардан меъморий санъат, тасвирий санъат, рақс, мусиқа олами кириб келди. Маҳаллий халқ кийим кечак, қурол яроғ билан бир қаторда хушбўй моддалар, қуритилган мевалар сотиб олишди. Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи бу йўлдан нафақат савдогарлар, бошқа давлатларни бўйсундиришга интилган миссионерлар яъни христиан, буддизм, ислом, манихей динини тарқатувчилар ҳам ўтган. Қозоғистон ҳудудини маконлаган халқлар азалдан турли хил динлар ва конфессияларга келишган ҳолда ҳаёт кечиришган. Ҳиндистондан Қозоғистон ва Ўрта Осиё орқали Хитой, Корея, Японияга будда дини тарқалди. Сурия, Эрон ва Араб мамлакатларидан ислом ва христиан динлари тарқатилди. Буюк Ипак йўлидаги мамлакатлар манихей дини билан танишди.

#### **Ўйлаб кўринг!**

Буюк ипак йўли бўйидаги шаҳарлар нима учун инқирозга учрай бошладди?

Буюк Ипак йўлининг ўртаосиёлик йўналишида халқаро суҳбат дастури шаклланди. Алоқа тили сифатида сўғд тили фойдаланилди. Туркийлар сўғдча гаплашган. Махмуд Қошғарий шундай деб ёзади: «*Туркийлар сўғд тилини билади, сўғдликлар эса – турк тилида эркин гаплашади*».

**4. Карвонларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш.** Буюк Ипак йўлидаги карвонларга қароқчилар томонидан доимо хавф туғилиб турган. Шунинг учун ҳам савдогарлар йўлга катта тайёргарлик билан чиқишган. Савдогарлар ўзларининг ва маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш учун махсус соқчилар ёллашган. Буюк Даштнинг сир-синоатини биладиган кўчманчиларнинг соқчилари ҳам кучли бўлгани аниқ. Ўз хавфсизликларини сақлаш мақсадида турли шаҳарлардан чиққан карвонлар йўлда бирлашиб биргаликда юришган. Қадимги дав-



Йўлдаги савдо карвони

рлардан бошлаб ўрта асрларда ҳам карвонларни тўнаш энг оғир жинойт ҳисобланган. Сабаби савдо карвонлари давлат назоратида юборилади. Агар савдо карвонларига зарар келтириладиган бўлса, мамлакатлар ўртасида низолар келиб чиқиши мумкин. Йўлни ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳукмдорлари махсус соқчилар ва қоровуллар қўйиб, хавфсизликни таъминлаб турган. Карвонлар давлат хазинасига мўл даромадлар олиб келган.

Араб саёҳатчиси Ибн Фадлан ўғизларга чет элликларнинг келиши тўғрисида: *«Унинг дўстларининг ичидан белгили бир кишини ишончли вакил қилиб тайинламагунча, элни оралаб чиқа олмаган. Унга керакли кийим кечак, аёлига эса кўрпа, мурч, тариқ, майиз, ёнғоқ ва бошқа озиқ овқатлар олиб келиб беради. Ишончли вакили чет эллик одам учун махсус кигиз уй тикади ва унга кераклигича мол етказиб беради»*, – деб ёзади.

1987 йили ЮНЕСКО қарори билан Буюк Ипак йўлини қайта янгилаш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

1996 йили Тошкентда турк давлатлари Президентларининг бирлашган декларациясида Буюк Ипак йўли асосий нишон қилиб олинди. Қозоғистон Республикасининг Илк Президенти Н.А. Назарбаев «Қозоғистон Республикасининг Буюк Ипак йўли бўйида туризм инфратузилишини ривожлантириш тўғрисида туркий тилли мамлакатлар раҳбарларининг Тошкент декларациясини, ЮНЕСКО ва ЖСУ лойиҳасини амалга ошириш» тўғрисида Ёрликқа қўл қўйди.

1998 йили «Ипак Йўли тарихи марказларини қайта тиклаш, туркий тилли мамлакатларнинг маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш, туризм инфратузилишини яратиш» давлат дастури бекитилди. Лойиҳанинг асосий мақсади – Буюк Ипак йўли тизимини қайта тиклаб, Алмата, Тароз, Туркистон маданий-тарихий марказларда туризм инфратузилишини ривожлантириш бўлди. Шу нуқтаи назардан 100 дан ортиқ қурилиш объектлари бекитилди. Автоқўлик йўл ҳаракатлари тартибга келтирилди. Ҳозирги кунда Хитой ва Ўрта Осиё давлатлари бўйича «Бир белбоғ, бир йўл» стратегик дастури «Ипак йўлининг стратегик белбоғи» ва «Денгиз Ипак йўли» дастурлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бизнинг еримиздан «Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой» автоқўлик даҳлизи (коридор) ўтади. Бу лойиҳа юк ташувчилар транзитидан Қозоғистонга катта фойда келтиради.

**Фикрингизни айтинг!**

Буюк Ипак йўлини янгилаш шу йўл бўйида жойлашган мамлакатларга қандай имкониятлар беради?



1. «Буюк Ипак йўли» деб аталишининг сабабини тушунтиринг.
2. Буюк Ипак йўли бўйидаги шаҳарларни харитада топиб кўрсатинг.
3. Буюк Ипак йўлининг Қозоғистон ва жаҳон тарихига қўшган ҳиссасини тушунтиринг.
4. Буюк ипак йўлининг Қозоғистон тарихига қўшган улушига баҳо беринг.



**Кўпас** – тадбиркорлик билан, асосан, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган ижтимоий гуруҳ вакили. Товарни иккинчи бир мамлакатга олиб бориб сотиб ёки шу ердаги халқнинг ҳунармандчилик

буюмларига айирбошлаб ўтирадиган савдогар, савдо қиладиган жойи бор бой савдогар.

**Робот** – ўрта асрларга мансуб шаҳарларда оддий одамлар яшаган шаҳарнинг чет қисми. Шаҳарнинг четидаги макон жой.

**Пайза** – мўғул ҳоқонларининг гувоҳликка берадиган махсус белгиси.

### **Ижодий топшириқлар.**

**1-топшириқ.** Кўп нуқтанинг ўрнига «*кўнаслар, савдогарлар, элчилар, миссионерлар, саёхатчилар*» деган ёрдамчи сўзларнинг бирини қўйиб, гапни давом эттиринг.

*Буюк Ипак йўлидан ўтган ... мақсади:*

**2-топшириқ.** Буюк ипак йўлининг Қозоғистон тарихидаги аҳамиятига PEST таҳлил килинг.

P – political (сиёсий)

E – economical (иқтисодий)

S – social (ижтимоий)

T – technical (техник)



«Буюк Ипак йули – қадимги цивилизациянинг энг даромадли ва муҳим аҳамият касб этадиган ютуқларидан биридир. Яхлит карвон йули Шарқ билан Ғарб давлатларини бирлаштирган кўприк бўлди. У халқларни бирлаштириб, иқтисодиёт, савдо сотиқни бир йулга солиб, сиёсат ва турли маданиятларни бирлаштирган халқаро майдонга айланди. Қозоғистоннинг худудини босиб ўтган ипак йулининг тармоғи Хитой чегарасидан бошланди. Осмон ости давлатининг савдогарлари бепоён Қозоқ далалари орқали Европага ипак, қурол яроғ, дори дармон ва озиқ овқат маҳсулотларини ташиди. Савдо даҳлизи Сайрам, Ясси, Ўтрор, Тароз каби қадимги шаҳарлар орқали ўтди».

*ҚР илк президенти Н.А. Назарбаевнинг «Буюк даланинг етти қири» номли мақоласидан парча. «Егемен Қозоғистон»,  
21 ноябрь 2018 йил*



Элбоши ўз мақоласида Буюк Ипак йулига алоҳида тўхтаб ўтишига нима сабаб деб ўйлайсиз?

**Ўқиш мақсади:**

- ✓ савдо иқтисодий муносабатлар тизимида кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг ўзаро муносабатларини тавсифлаш;
- ✓ манбалар асосида кўчманчи ва ўтроқ халқнинг ўзаро маданий таъсирини аниқлаш.

**Таянч сўзлар:**

| Ўзбекча           | Қозоқча            | Русча                     | Инглизча              |
|-------------------|--------------------|---------------------------|-----------------------|
| Жатоқ             | Жатақ              | Жатак (Социальная группа) | Zhatak (Social group) |
| Дин ёдгорлик-лари | Дың ескерт-кіштері | Памятники Дын             | Monuments of Dyn      |

**Мавзуга ўтиш:**

«Давлат кўчманчилар ва ўтроқ деҳқонларнинг ўзаро келишмовчилигидан, ҳимоя қилиниш мақсадида пайдо бўлди».

*Иммануил Кант*

Немис файласуфи тушунчаси билан келишасизми? Фикрингизни исботланг.

**1. Кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг иқтисодий-маданий алоқалари.** Қозоғистоннинг қадимги қабилаларида энеолит, бронза ва илк темир давридаги кўчманчи маданиятнинг пайдо бўлиб, шаклланиши даврида мол чорвачилиги, деҳқончилик ва ҳунармандчилик каби хўжалик бўлиниши ҳали ўрин олмаган эди. Қадимги қабилалар кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликдан



VI–VIII асрлардаги Ўрта Осиё халқларининг кийимлари

фойдаланишди. Табиий иқлим шароитининг ўзгаришига боғлиқ аста секин мол чорвачилиги даштликларнинг ҳаётида муҳим роль ўйнай бошлади. Қурғоқчилик шароитида ёғин сочин камайиб, сув тортилиб, деҳқончилик кўплаган ҳудудларда ёрдамчи хўжалик турига айланди. Яйловнинг етишмовчилигидан мол чорвачилигига кўчишга ва тўрт туликни янги мавсумий яйловларга ҳайдашга тўғри келди. Кўчманчи чорвадорларнинг қишловларида деҳқончилик билан камбағал уруғдошлари шуғулланиб экин маҳсулотлари билан таъминлаган.

#### Ўйлаб кўринг!

Нима учун Жанубий Қозоғистон ҳудудида деҳқончилик тез суръатлар билан ривожланди?

Деҳқончилик маҳсулотининг етишмовчилиги туфайли, уларга аҳтиёж ортиб, даштликлар озиқ овқатни қўшни ўтроқ қабилалардан ёки шаҳар аҳолисидан молга айирбошлаб ола бошлади. Кўчманчилар ва ўтроқ халқларнинг ўзаро алоқалари туфай-

ли бир бирининг маданиятини бойитди.

Ўтроқ деҳқончилик маданияти шаклланган ҳудудларда мол чорвачилиги ҳам қатор юритилди. Қозоғистонда хўжаликнинг бу икки тури биргаликда олиб борилди. Биринчи тури – бу кўчманчи мол чорвачилиги бўлса, иккинчи тури ўтроқ деҳқончилик бўлиб,

у асосан жанубий ҳудудларда ривожланди. Суғормали деҳқончилик, шаҳар маданияти, ҳунармандчилик шу ҳудуднинг асосий хўжаликларидан бири эди.

**2. Жанубий Қозоғистон ва Еттисув ҳудудидаги мамлакатларнинг хўжалик маданий дастурининг хусусиятлари.** Бу икки ҳудуд чегарасида мол чорвачилиги билан шуғулланган қанглилар ва уйсинлар эди. Уларда кўчманчи чорвачилик билан бирга ўтроқ турмуш тарзи ҳам бўлди. Шаҳар маданияти, мол чорвачилиги, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг аҳамияти ортиб борди.


Дашт ва шаҳар савдо, хўжалик ва ҳарбий сиёсий жиҳатдан бир бири билан узвий алоқада бўлди. Қозоғистон шаҳарлари қанглилар ва уйсинлар замонидан бошлаб, кўчманчи мамлакатлардан тургеш, қарлуқ, ўғиз, қипчоқлар юқори ҳукмдорларга бўйсуниб келган. Шаҳарларнинг ички ўз ўзини бошқариш тизими тўғрисида Сюань Цзянь шундай деб ёзади: *«Уларнинг ҳар бирининг ўз бошлиғи бор, улар бир-бирига қанча бўйсунса ҳам, ҳаммаси ҳоқонга бўйсунар эди»*. Йирик шаҳарларда турк ҳукмдорларининг оиласи ва оқсуяқлар (бек, тарханлар) яшади.

Турклар Евроосиё халқларининг шаклланишига таъсир этди. Болгарлар (булғарлар), венгрлар ва бошқа халқлар туркларнинг аралашувидан шаклланди. От афзаллари – темир узанги, эгар жабдуқ ва туркийларнинг бошқа буюмлари ҳамда ютуқлари бутун Евроосиёга тарқади.

Ўрта асрларда туркийлар қўшни давлатлар билан элчилик ва дипломатик муносабатлар ўрнатди. Олтин ўрда даврида маҳаллий халқ қипчоқ тилида сўзлаган. Туркийларнинг «олтин», «танга», «хазина» ва бошқа сўзлари жаҳон тил фондига қўшилди.



Ўғизларнинг меҳнат қуроллари: курак, чалғи



Бронза қумғон

### Эсингизга туширинг!

Қозоқлар Сир бўйидаги шаҳарлар учун қай даврда кимлар билан урушди?

Буюк Ипак йўли бўйидаги шаҳарлар халқаро савдо ва кўчманчилар ва ўтроқ халқ орасида савдо сотиқ марказига айланди. Шунинг учун ҳам шаҳарлар учун ўрта асрлардаги турк ҳукмдорлари (тургеш, ўғиз, қарлуқ) ва араб ҳамда хитойликлар курашиб келишди. 1218–1220 йиллари Сирдарё бўйидаги шаҳарлар мўғуллар қўл остига ўтиб, Чингизхон империяси таркибига киритилди. XIV–XV асрларда шаҳарлар Оқ Ўрда ва Амир Темур мамлакатлари орасида талон тарожга учради. XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Қозоқ хонлиги Сир бўйидаги шаҳарлар учун Шайбоний авлодлари билан, Қошғарнинг мўғул ҳукмдорлари, Аштархонийлар, Тошкент амирлари ва Манғит авлоди билан кураш олиб борди. Натижада, Сирдарё бўйидаги, Жанубий қозоғистон ва Еттисув ҳудудидаги шаҳарлар Қозоқ хонлиги таркибига ўтди.

**3. Ўтроқ халқлар ва кўчманчи чорвадорлар орасидаги хўжалик ва савдо алоқалари.** Қозоғистон ҳудудидаги кўчманчи мамлакатларда шаҳар ва дашт аҳолиси ўртасида ўзаро тиғиз муносабатлар ўрнатилган. Кўчманчиларда ўтроқ аҳоли маҳсулотига эҳтиёж булса, дехқонлар эса уз навбатида чорвадорларнинг маҳсулотларини айирбошлаб олиб утирган. Араб тарихчиси Ал-Умарий шундай деб ёзади: *«Уларда (қипчоқларда) экиннинг хажми жуда ҳам оз, яъни бугдой ва арпа оз экилади. Асосан тариқ етиштирилган ва аҳоли шу билан озиқланган...»*. Жанубий Қозоғистон, Еттисув ва Сир бўйидаги шаҳарлар кўчманчилар даласини Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Монголия давлатлари билан боғлаб турди. Кўчманчилар ўтроқ шаҳар аҳолисига мол, гушт, жун, кигиз, мой, тери, арқон, чарм ва ёғоч идишлар, темир буюмлар, кумуш ва олтин тақинчоқлар, қурол, от жабдуқлари, қиммат баҳо ҳайвон терилари, мугуз, қирон қушлар ва ов қиладиган итларни тавсия қилган. Буларни ўтроқ халқ ипак йули тармоқлари орқали қўшни мамлакатларга етказган. Масалан, қипчоқ отлари шарқ мамлакатларида 100 динордан 500 диноргача сотиб олинди. Ал-Макдиси шундай дейди: *«Шош*


### Ўйлаб кўринг!

Ўрта асрлардаги манбаларнинг купчилигида нима учун араб форси тилларида ёзувларидан фойдаланди?



шаҳридан бошқа мамлакатларга сифатли тери маҳсулотлари, ер, ўқ соладиган халталар олиб кетилди». Шарқ ва Европа авторларининг фикрича, турк кўчманчиларида яйловлардаги ем хашакнинг кўп булишига боғлиқ, молнинг сони ҳам жуда кўп ва дунёдаги ҳеч қандай мамлакат бунга бас келолмаган.

Турк даврида Буюк Даштда кўчманчилар металлни ўзлаштирди, темир, қўрғошин, пўлат эритиш иши кескин ривожланди. Ашина туркларнинг ҳукмдори Бумин ҳоқоннинг жузжанларга буйсуниб солиқ сифатида темир тўлаб ўтиргани айтилади. Турклар темир эритишни ўзлаштириб, қурол яроғнинг энг яхши намуналарини ясади. Бу туркларнинг харбий қувватини орттирди, савдо ва дипломатиясининг ривожланишига катта таъсир қилди. Буюк Ипак йули бўйида металл буюмлари ҳам олиб ўтилди, темир товар сифатида юқори баҳоланган. Шунингдек Талас дарёсининг юқори оқимида кумуш конининг очилиши туфайли Қозоғистон шаҳарлари ва қўшни мамлакатларда унга талаб ортди. Ўтроқ аҳоли айрбошлашга дехқончилик маҳсулотларидан: буғдой, арпа, мева, нон, шароб, қуруқ мевалар, хушбўй моддалар, ҳунармандчилик буюмлари, керамика ва қалай буюмлар, гилам, газлама, тақинчоқлар ва заргарлик буюмлари тавсия қилган. Кўчманчилар ва шаҳар аҳолиси орасидаги савдо жуда ҳам фойдали эди, у



Исфижобдан топилган  
мис тангалар  
(қайта ишланган)



Ўтрордан топилган  
мис танга



Янгикент (Жанкент) шаҳрининг ўрни

тўғрисида салжуқийларнинг манбаларида шундай деб ёзилган: *«Кўчманчиларнинг маҳсулотлари ва буюмлари ўтроқ аҳолининг эҳтиёжини қондирадиган маҳсулотлар эди»*.

Кўчманчилар ва ўтроқ халқ орасида савдо сотиқ ишлари шаҳар яқинидаги ярмаркаларда ўтказилди. Саврон, Олмалиқ, Янгикент атрофидаги ярмаркаларда кўчманчилар гўшт, жун каби чорва маҳсулотларини идиш, газлама, мева ва сабзавотларга айрбошлашди.

**4. Кўчманчилар ва ўтроқ аҳолининг маданий алоқалари.** Шаҳар ва дашт аҳолиси савдога, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказишди. Дашт ҳудудини маконлаган чорвадорлар ва ўтроқ ва шаҳар халқининг орасидаги товар айирбошлаш дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланишига шароит яратди. Шаҳарлар орқали дашт аҳолисига тил, дин, ёзув, урф-одатлар, ҳунар ва санъат намуналари тарқатилди.

Савдо ривожланишида суғдлар ва турклар муҳим роль уйнади. Жанубий Қозоғистон ва Еттисувга кўчиб келган эрон

тилли суғдлар аралашиб, бирма бир «Туркларнинг кийимини ва урф-одатини қабуллаган». Ўрта Осиё аҳолиларининг ўзларининг кийим намунаси шаклланди. Турк шаҳарларнинг асосий аҳолиси туркийлардан бошқа суғдлар, араб, форс, сирияликлар бўлди. IX–XIII асрларда ўтроқ маданият ривожланиб, шаҳарлар сони кўпайди. Турклар ўтроқ шаҳар маданиятига кўчиб, ҳунармандчилик, савдо, боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Кўчманчи турк жамиятида уларни *ётоқлар (жатақ)*, яъни «кучиб-қунмайдиган», «бир ерда турадиганлар» деп атади.

IX–XII асрларда ўтроқ дала ҳаёти Марказий Қозоғистон ва Иртиш бўйидаги ҳудудларда ривожланди.

Кўчманчилар ўтроқ халқдан суғориш иши тизимини ўрганиб олишди. Жанубий Қозоғистон, Етгисув ва Марказий Қозоғистон ҳудудларида йирик каналлар, сув омборлари, сувни сунъий кўтаришга мўлжалланган қурилмалар топилган, чунки улар асосан суғормали деҳқончилик билан шуғулланишган.



Дин ёдгорлиги. Қўстанай области

Даштликлар турғун уй ва диний меъморчилик ёдгорликлари қуришни, куйдирилган ва куйдирилмаган ғиштдан фойдаланишни ўтроқ халқдан ўрганди. Турклар қурилиш материаллари, бўёқлар, пардозлаш буюмларини тайёрлашни ўзлаштирди.

Меъморчилик қурилишларининг бир тури-кўриниши кигиз уйга ўхшаш солинган *Дин мақбараси* эди. X асрдан бошлаб ислом динининг тарқалишига боғлиқ вафот этган кўчманчиларнинг майитларини кўмиш учун мозорлар солина бошлади. Турк усталари томонидан тенги йўқ меъморчилик иншоотларидан Жўжи хон, Алаша хон, Ойша биби мақбаралари бунёд этилди.

Кўчманчилар ва ўтроқ халқ орасидаги маданий алоқалар диний эътиқодларда ҳам ўз аксини топди. Дашт кўчманчиларига ҳам ислом, несториан христиан илми, буддизм, манихейлик, зардуштийлик динлари кириб келди.

#### **Фикрингиз зарур!**

Буюк Ипак йўлидаги динларнинг орасида нима учун ислом дини босимроқ роль ўйнади?

Еттисув, Жанубий Қозоғистон, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида Византия ва Эрондан келган несториан ва манихей дини илмлари кенг қулоч ёйди. Несториан ва манихейлар Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда иттифоқлар ташкил қилиб, ибодатхоналар қурди. Тароз шаҳрида манихей черкови топилган.

Ўрта асрларда қозоқ ерида ислом дини кенг қулоч ёйди. Шаҳарларда очилган мактаб ва мадрасаларда ислом асослари, араб ёзуви, математика ва бошқа билимлар ўргатила бошлади. Туркийлар орасидан бутун мусулмон олами ва Ғарбий Европага машҳур бўлган атоқли намоёндалар – Абу Носир ал Ғаробий, Хўжа Аҳмад Яссавий ва бошқалар чиқишди.

1. Кўчманчилар ва ўтроқ халқ орасида нима учун ўзаро алоқалар вужудга келди?
2. Қўшимча материаллардан фойдаланиб, кўчманчиларнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини аниқланг.
3. «Қозоқлар кўчманчи эмас, ўтроқ халқ бўлган» деган фикрга қўшиласизми?

**✱ Ётоқлар (жатақ)** – камбағаллашган чўпонлардан чиққан, деҳқончилик билан шуғулланадиган фақир – хўжаликлар.

**Дин ёдгорликлари** – бронза даврининг меъморчилик санъатига хос, қурилиш ёдгорлиги.

### **Ижодий топшириқлар.**

**1-топшириқ.** PEST таҳлил усулини қўллаб, давлатнинг турли хил соҳаларига кўчманчи ва ўтроқ халқнинг ўзаро муносабатларининг қандай таъсир қилганини аниқланг.

P – political (сиёсий)

E – economical (иқтисодий)

S – social (ижтимоий)

T – technical (техник)

**2-топшириқ.** Қуйидаги берилган тушунчаларнинг бирини танлаб, унга тегишли фикрни билдилинг.

1. «Улар (кўчманчилар – авт.) ўзлари ерларидан чиқиб, қўшни маданияти ривожланган ҳудудларга тез-тез ҳужум қилиб турди... Кўчманчилар жамияти чуқур тарихи йўқ жамият».

*А. Тойнби*

2. «Кўчманчиларда ижтимоий ва мулк тенгсизлиги қадимда пайдо бўлди».

*Адам Смит*



«Моли кўп бойларнинг қўраларида молларнинг (от, туя, қўй) улуш салмоғи юқори келади, мугизли йирик қора (сигир, хўкиз) моллар оз боқилган. Аксинча, камбағал хўжаликлар мугизли йирик қорани кўп боққани билан, уларнинг йилқи ва туя, қўйи оз эди. Шунинг учун ҳам моллари кўп бой хўжаликлар ўзларининг камбағал қариндошларига қараганда яйловларга тезроқ кўчиб бориб, унинг ҳеч кимга тега олмагани биринчи фойдаланди. Ўрта ҳол чорвадорлар уларнинг орқасидан эргашиб, ўтлари камайган жойдаги яйловларда боқишга мажбур бўлишди. Шунга боғлиқ, ўз кўзи билан кўрганда ёзги яйлов-

ларга кўчиш борасида унга «ким биринчи борса, шу яхши жойга бориб жойлашган эди», – деб атаб кўрсатди. Демак, кўчиш борасида моли кўп бойлар энг яхши яйлов ва сув фондларини эгалик қилиш орқали хусусий муносабатларда, улар буни «биринчи бўлиб босиб олиш ҳуқуқи» турида ерга эгалик қилиш ҳуқуқини иш юзасидан амалга оширди. Бу вақтда қайси бир оилаларининг мулкый таъминлаш кераклиги, сув ва ердан фойдаланиши тўғрисида айтиб ўтилди».

*e-history.kz портал, 24 сентябрь, 2013 йил*

**?** Манбада кўчиб қўнишнинг қандай хусусиятлари кўрсатилган?

## Учинчи боб

# ҚОЗОҒИСТОННИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОНДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

9–10-§

## XX асрдаги Қозоғистон иқтисодиётининг ривожланиши

### Ўқиш мақсади:

- ✓ Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш учун «иқтисодий тизим», «анъанавий (аграр) иқтисодиёт», «режали (социалистик) иқтисодиёт» тушунчаларини фойдаланиш;
- ✓ XX асрларда Қозоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йуналишларини аниқлаган факторларини таҳлил қилиш.

### Таянч сўзлар:

| Ўзбекча              | Қозоқча            | Русча                  | Инглизча                          |
|----------------------|--------------------|------------------------|-----------------------------------|
| Хрущев<br>илиқлиги   | Хрущев<br>жылымығы | Хрущевская<br>оттепель | Khrushchev<br>thaw                |
| Турғунлик<br>йиллари | Тоқырау<br>жылдары | Годы застоя            | In the years of<br>the stagnation |

### Мавзуга ўтиш:

«Қозоғистон қарам бўлиб келди, шундай  
булиб қолаверади».

*С. Садвақасов*

Муаллиф фикрига тушунча беринг.



1. Қозоқ халқининг XX асрнинг бошидаги анъанавий хўжалигидаги инқироз. XX асрнинг бошида қозоқ даласида халқнинг турмуш тарзи мураккаблаша борди. Қозоғистон Россия иқтисодиёти учун хом ашё базаси ва мустамлакачилик олиб боровчи ҳудудга айланди.

Ўлканинг иқтисодиёти бошида Россия империясининг, кейинчалик унинг қонуний меросхўри ҳисобланган кенгаш ҳукуматининг манфаатига мос равишда қурилди. Қозоқ зиёлиларининг атоқли вакили Ахмет Байтурсинули шу даврдаги ўлканинг мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари ва қозоқ овулларининг аянчли аҳволини таърифлаб, «Қозоқ миллати ҳаёт кечирешининг ўзи муаммога айланиб қолди», – деб ёзади.

#### Ўйлаб кўринг!

А.Байтурсинўғли фикри билан қандай келишасиз?

У даврда Қозоғистон Россия империясининг асосий мол чорвачилиги хўжалигининг ҳудуди бўлиб қолди. Россия ҳукуматининг қозоқлар ҳудудини мустамлакага

айлантириш чора тадбирлари қозоқ даштига катта кўргуликлар олиб келди. Қозоқларнинг деҳқончиликка яроқли ерларининг катта қисми кўчиб келувчилар қўлига ўтиши, яйловларда рус манзилгоҳларининг пайдо бўлиши ўзига хос қозоқ хўжалигини инқирозга олиб келди. Яйлов ерларнинг етишмовчилиги қаттиқ сезилди. 1917 йили 45 млн га деҳқончилик учун унумдор ерлар казак армияси, рус ва бошқа европалик кўчиб келувчилар ва давлат ихтиёрига ўтди. 1920–1921 йилларда узоққа чўзилган қаттиқ қиш, яъни жут туфайли мол ёппасига қирилди. Чунки молни яйлов ёки қишлоғга олиб бориш имконияти бўлмади. Мол бошининг сони камайиб, маҳаллий аҳолининг турмуш шароити оғир аҳволга тушди.

Жанубий вилоятларнинг ҳудудларидаги қозоқларнинг деҳқончиликка яроқли ерларининг катта қисми кўчиб келувчилар қўлига ўтиши, маҳаллий аҳолининг қашшоқланишига олиб келди. Тортиб олинган ерлар қайтадан қозоқларга ижарага берилиб, улардан солиқ олиниб ўтирди. Рус помешчиклари қозоқларни очикчасига тўнаб, мол боқадиган яйловлардан ва йўллардан фойдалангани учун қозоқлардан қўшимча ҳақ талаб этишди.



1907 йили Россия империясининг II Давлат Думасида қатнашган қозоқ депутатлари ер масаласининг адолатли ҳал этилиши учун астойдил ҳаракат қилишди. Урал областининг депутати Б.Қаратаев: *«Қирғизларни (қозоқларни) нафақат ўзлари маконлаган ерлар, балки яшаётган уйларидан ҳам ҳайдаётгани»*, – тўғрисидаги маълумотни айтди.



Б. Қаратаев

1917 йилнинг июль ойида Оренбург шаҳрида бўлиб ўтган Умумқозоқ съездида қозоқ ҳудудиининг барча областларидан келган вакиллар қозоқ овулининг иқтисодий аҳволига таалуқли муаммоларин ҳал қилишга киришди. Масалан, шу съезднинг қарорида *«Қозоқ халқининг ери ўзлари жойлашиб олгунга қадар ҳеч кимга берилмасин»* деган тармоқлар кўрсатилган. Аввал қозоқлар фойдасидан олиб қўйилган ерларни, яъни дворян, монастир, гарнизон, дам олиш ўринлари ва бошқалар халққа қайтариб бериш талаб этилди. 1917 йилнинг ноябрь ойида «Қозоқ» газетасида эълон қилинган Алаш партияси дастурининг лойиҳасида дашт аҳолисини тезлик билан ерга жойлаштириш масаласи кўтарилди: *«Ер улуши аввал маҳаллий халққа бўлинадиган бўлди: қирғизлар (қозоқлар) маҳаллий жойидан ер улушини олиб жойлашмагунча, кўчиб келувчи деҳқонлар ерга жойлашмаслиги керак»*. Ерни сотиб олиш-сотиш чорасининг олиб борилиши жараёнида қозоқларнинг ўз еридан айрилиб қолиш хавфи бўлгани учун Алаш партиясининг дастурида ернинг сотилиши ман этиш масаласи кўрилди.

## 2. Ўлкадаги саноат ва савдонинг аҳволи.

XX асрни Қозоғистон Россия империясининг мустамлакаси сифатида қарши олди. Унинг иқтисодиёти Умумроссия хўжалик тизимининг таркибий бир қисмига айланиб, капитализмнинг таъсирида туб ўзгаришларга учради. Капитализмнинг ривожланиши қозоқ ерларини подшо мустамлакаси билан бирга олиб бо-

### Ўйлаб кўринг!

Қозоғистон нима учун Россия империясининг хом ашё базасига айланди?

рилди. Қозоғистондаги бой кон ўринларига подшо ҳукуматининг эгалик қилиши, ўлка иқтисодиётининг хом ашё йўналишида ривожланишини белгилади. Қозоғистон Россия саноатининг хом ашё базасига айланди. Табиий бойликларни ташиб кетиш учун барча имкониятлар яратилди. XX асрнинг бошида рус тадбиркорлари Қозоғистон еридаги тоғ кон ўринларини арзон нархда сотиб ола бошлади. Бироқ, рус тадбиркорларининг тоғ кон ишларини ўзлаштириш бўйича ҳам, техник қуроллари ҳам, ишлаб чиқарилган маҳсулотни жаҳон бозорига чиқаришга ҳам тажрибаси кам эди. Хуллас, XX асрларнинг бошида чор ҳукумати чет эллик капиталларни торта бошлади, шахта ва кон ўринларининг кўпчилик қисми чет эллик капиталистлар қўлига ўтди. 1904 йили Лондонда ташкил топган «Спасск мис кон ўринлари» акционер жамияти кон ўринларини сотиб олишга киришди. Спасск-Воскресенск, Успенск мис конлари, Спасск мис эритиш заводи, Саран ва Караганда кўмир шахталари сотилди. Жезқазған мис конлари, Бойқўнғир оҳак карьераси ва темир конларини «Отбосар мис кон ўринларининг акционер жамияти» сотиб олди. 1904 йили Риддер ва Зирян рангли кон ўринларини австрияликлар сотиб олди.

Нефт конларига инглизлар эгалик қилишди. 1911 йили Доссор конида нефт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чет эллик акционер компанияларнинг даромад кўзи ўсиб, бойий бошлади. Хом ашё ресурсларимиз ташқарига ташилиши натижасида, халққа ҳеч қандай фойда олиб келмади.

#### **Ўйлаб кўринг!**

Нима учун чет элликлар Қозоғистоннинг табиий бойлигига қизиқиб қолишди?

Қозоғистоннинг шимолий ғарбий ва ғарбий ҳудудларида туз ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб эта бошлади. Туз Басқуншоқ, Елтон, Елек ва Коряков конларида ишлаб чиқилди. 1909 йили Коряков конининг ўзида 4 миллион пуд туз ишлаб чиқилди. Бу ерда 10 мингдан ортиқ ишчи бор эди. Ишлаб чиқарилган туз Ғарбий ва Шарқий Сибирга, Обь дарёси бўйидаги балиқчиларга юборилди.

Балиқ саноати ривожланди. Қозоғистонда балиқ овлашнинг анъанавий марказлари Орол ва Каспий денгизи, Зайсан ва Бал-

хаш кўллари, Урал, Эмби, Иртиш, Или, Шу, Сирдарё дарёлари эди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар бунёд этила бошлади. Қозоғистонда тери-чарм, совун, мой, спирт ароқ, пиво, жун титадиган заводлар ишга туширилди. Заводлар ва фабрикалардаги ишчилар сони озчиликни ташкил қилди, техника етишмас эди. Қозоқлар энг оғир ишларни бажариб, уларга иш ҳақи кам тўланар эди.

Қозоғистонда химия саноатининг илк корхонаси – Чимкент дармана (сантонин) заводи бўлди. Бутун Россия империясидаги сантонин заводининг маҳсулоти Англия, Америка, Германия, Ҳиндистон, Япония давлатларига чиқарилди. Пахта тозалайдиган заводлар Чимкент ва Туркистон шаҳарларида қурилса, Верний шаҳрида тамаки фабрикаси ишга туширилди.

Қозоқ ерига капиталистик муносабатларнинг кириб келиши савдонинг ривожланишига олиб келди. Россия савдо капитали ўлканинг чет ҳудудларигача бориб, қозоқ овулини Россия, Ўрта Осиё, Фарбий Европанинг ташқи бозорлари билан узвий боғлади.

XX асрнинг бошида савдо капиталининг Қозоғистонга кириб келиши ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишига катта таъсир қилди. Қозоқларнинг натурал хўжалигининг товар пул муносабатларига кўчиши ҳудудлар орасида хўжаликнинг кенгайишига олиб келди. Савдонинг асосий маҳсулоти мол бўлиб қолаверди. Янгидан қабул қилинган нарх муносабатлари қозоқ халқини ўтроқ ҳаётга торта бошлади. Шунинг учун ҳам хўжаликнинг мол ёки мол маҳсулотларидан бошқа яна бир маҳсулот нон бўлди. Нон савдоси тез суръатлар билан ривожланди. Урал, Оренбург, Семипалатинск йирик савдо марказларига айланди. Қостанай, Оқтўбе, Тўрғай уездларидан озиқ овқат ташилди.

1913 йили ўлкадаги ишчиларнинг сони аҳолининг 0,6% ини ташкил қилди. Россиянинг ишлаб чиқариши ривожланган европа қисмидаги ишчилар сони аҳолининг 6% ига етган эди.

Савдо сотиқнинг ривожланишига ярмаркалар катта таъсир қилди. Энг йирик ярмаркалар Қарқарали уездидаги Қўянди – Ботов, Петропавл уездидаги Тайтншакол, Оқмўла уездидаги Кон-

стантинов, Отбасар уездидаги Петров, Верний уездидаги Қарқара ярмаркалари бўлди. Улардаги савдо айланими 2–3 миллионга етди. Қўянди – Ботов ярмаркаси 1924 йилгача ўтказилди.

### Ўйлаб кўринг!

Қозоғистонда нима учун ишчилар сони оз бўлди?

Қозоғистон Россиянинг мустамлакаси сифатида маҳсулот етказиб берадиган хом ашё базасига айланиб қолди. Қозоқ еридаги бойликка чор Россияси монополистик равишда эгаллик қилиб, капиталистик муносабатларнинг миллий ҳудудларда кенгайиб ривожланишига катта таъсир қилди. Кўплаган бой кон ўринлари, ишчи кучининг арзонлиги рус ва чет эл капиталини ўзига тортди.

Қозоғистоннинг Россия нархига ўтиши натижасида Россиянинг саноат корхоналари билан ўзаро иқтисодий алоқалари ортди. Банк капитали кириб келиши билан банклар ва кредит маҳкамалари иш олиб бора бошлади.

Қозоғистонда саноатнинг ривожланиши, хом ашёни етказиш темир йўлларнинг қурилиши ҳисобига кенг қулоч ёйди. Подшо ҳукумати Қозоғистондаги темир йўлларни ҳарбий стратегик



Қарқара ярмаркаси

мақсадларга бўйсундирди. 1906 йили Оренбург – Тошкент темир йўли ишга туширилди.

Қозоғистон бой табиий ресурсларга эга бўлишига қарамасдан, саноат ривожланиши сустрлашиб борди. Унинг асосий сабаби иқтисодиётнинг орқада қолиши ва Россиянинг мустамлакачилик сиёсати бўлди.

**3. Кенгаш ҳокимияти ўрнатилишининг илк давридаги Қозоғистонда иқтисодиётнинг ривожланиши.** 1917 йили Қозоғистон икки инқилобни бошидан кечирди. Февраль буржуа инқилоби подшо ҳукуматини ағдариб, иккиҳокимиятчилик, яъни вақтинчалик ҳукумат ишчи ва солдат депутатларининг Кенгаши ўрнатилди. Қарама-қарши икки ҳукумат бир бири билан таллашиб ўтирмади. Сиёсий инқироз иқтисодиёт инқироз билан улашиб кетди. Муваққат ҳукумат йиқитилди, унинг ўрнига большевиклар бошчилигидаги Кенгаш ҳукумати қарор топди. Қозоқ даласининг анъанавий мол чорвачилиги социалистик қурилишга кира бошлади. Россия империясининг таркибидаги Қозоғистон энди бундан кейинги ҳаётини Кенгаш ҳукуматининг таркибида давом эттирадиган бўлди. Капитализмдан бош тортиб социализм йўлини танлаши энг аввало корхоналарни давлат тасарруфига ўтказишдан бошлади. Иқтисодий тизимнинг асосий қоидаси – режали иқтисодиётга ўтилди. Саноат корхоналари давлат мулки ҳисобланиб, уни режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш давлат раҳбарлари томонидан бошқарилди. Қозоғистон корхоналари хом ашё маҳсулоти ишлаб чиқарадиган база сифатида қолаверди. Нефть, газ, металл ишлаб чиқариш, машина, станок, қурол яшаш соҳалари бўйича корхоналар умуман йўқ эди. Қозоғистон юқори ривожланган ҳудудларга хом ашё етказиб берувчи ролни бажарди.

Биринчи жаҳон уруши ва Фуқаролар уруши халқ чорвачилигига оғир зардоблар олиб келди. XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган Қозоғистон иқтисодиётининг бир томонлама хом ашё йўналиши кенгаш даврида ҳам давом этиб, мустақил давлатимизнинг ривожланишида ўз ҳиссасини қўшди.

#### **Фикрингиз зарур!**

Темир йўл алоқаси давлатимиз иқтисодиётида қандай роль ўйнаганини таҳлил қилинг.

Иқтисодий қийинчиликларни ечиш мақсадида, фуқаролар уруши йилларида мамлакатдаги барча моддий ресурслар ва инсон кучларини имкон қадар бир жойга тўплаш, шаҳарлар, саноат корхоналари ишчиларини, Қизил Армияни озиқ овқат билан таъминлаш мақсадида 1919 йилнинг январь ойида Кенгаш ҳукумати «ҳарбий коммунизм» сиёсатини жорий этди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати асосида озиқ овқат масаласини ҳал қилиш учун фавқулодда тадбир – озиқ овқат солиғи жорий этилди. Ушбу солиқ бўйича бой ва қулоқлар қўлидаги товарли ғалланинг кўп қисми ҳеч қандай қайтисиз олинди, кенг халқ оммасини озиқ овқат билан битта марказдан белгилаш мажбурияти жорий қилинди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз эрки билан сотиш ман этилди. Фуқаролар уруши якунланганидан сўнг, кенгаш ҳукумати сиёсий иқтисодий инқирозга қарши янги дастур ишлаб чиқди.

1921 йили мартда Коммунистик партиянинг X съезди озиқ овқат тақсимотидан (разверсткасидан) озиқ овқат солиғига, ҳарбий коммунизмдан янги иқтисодий сиёсатга (ЯИС) ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ҳарбий коммунизм сиёсатидан янги иқтисодий сиёсатга ўтиш дастури бўйича давлат мулкчилиги билан бир қаторда хусусий мулкчилик ҳам пайдо бўлди. Хусусий мулкчиликка йўл очилгани билан давлат назорати остида бўлди, яъни Кенгаш ҳукумати иқтисодиётни ўз назоратида олиб борди.

Янги иқтисодий сиёсатда озиқ овқат тақсимоти озиқ овқат солиғи билан алмаштирилди. Унда солиқ ҳажми тақсимотга қараганда кам эди. Озиқ овқат солиғи маълум миқдорда белгиланиб, қолганини ўз ихтиёри билан сотиши ёки фойдаланиши мумкин эди. Шунга боғлиқ, энди деҳқонлар меҳнат унумдорлигини орттиришга ҳаракат қилди. Давлат ерлари, кичик давлат корхоналари муайян муддатга чет эллик хусусий ташкилотлар ва шахсларга ижарага берилди. Савдо сотиқ ишларида эркинлик жорий қилинди, яъни давлат назорати остида хусусий тижорат ишларига рухсат берилди. Савдо, асосан, қишлоқ ва шаҳар ўртасида асосий алоқа манбаига айланиши шарт эди. Шунингдек, давлат ва кооператив савдони ҳам ривожлантириш



ЯИС даврида қозоқларнинг озиқ овқатни давлатга топшириш вақти. 1921 йил

чора-тадбирлари белгиланди. Кўлик, алоқа хизмати ва коммунал хизматдан фойдаланиш учун ҳақ олинадиган бўлди. Янги иқтисодий сиёсат давлат назорати билан халқ хўжалигида капиталистик муносабатларга йўл очиб берди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми урушгача бўлган кўрсаткичларнинг  $\frac{2}{3}$  қисмини ташкил қилди. Саноат корхоналарининг 60%и қайта ишга қўшилди, кўлик хизмати қайтадан тикланди. Экин майдонлари 3 млн га ерни ташкил қилиб, озиқ овқат маҳсулотлари етиштириш урушдан аввалги даражага етди. Пахта ҳосилини олиш кўпайтирилди. Мол сони 1922 йил билан таққослаганда, икки ҳисса ўсиб 26 млн дан ошди.

Ярмарка савдоси қайта жонланди. Ўйил, Темир, Қўянди каби ялпи 130 га яқин ярмарка савдосининг маҳсулот айланиши 20 млн дан ортиқ сўмни ташкил қилди.

Режали иқтисодиётдан нархли иқтисодий муносабатларга ўтиш 20-йилларнинг

#### **Фикрингиз зарур!**

Қозоғистондаги иқтисодиётнинг хом ашё йўналиши подшо ҳукуматининг таркибидаги давр билан таққослаганда Кенгаш ҳукуматининг илк ўн йиллигида ўзгаришларга учрадимиз?

ўртасида прогрессив ривожланиш йўналишини белгилади. 1925 йилга қараб халқ хўжалиги қайта жонлантирилди. Бу тажриба иқтисодиётни давлат тарафидан режали равишда ривожлантириш ва маъмурий бошқарувда нарх муносабатларидаги афзалликлар яққол кўрина бошлади. Кенгаш ҳукуматининг маъмурий буйруқбозлик тизими режали иқтисодиётнинг йўналиши билан ЯИС ютуқларини аста секин йўқота бошлади.

### Ўйлаб кўринг!

Ҳарбий коммунизм сиёсатини киргизиш зарур едими?

1925 йили большевиклар партиясининг XIV съездида индустрлаштиришни бошлаш қарори қабул қилинди. Съездда, аввало, оғир саноатни ривожлантириш, КСРИни машина ишлаб чиқарадиган давлатга айлантириш масаласи қўйилди. Саноат иқтисодиётнинг етакчи соҳасига айланди. Қозоғистон қўрғошин ишлаб чиқариш бўйича 1-ўрин, рангли металллар бўйича 2-ўрин, кўмир ва нефть ишлаб чиқариш бўйича 3-ўринни эгаллади. Янги саноат корхоналари ишга қўшилди: Балхаш мис эритиш, Чимкент қўрғошин, Мерке, Жамбил қант заводлари, Алмата гўшт комбинати ва бошқалар. Улар фақат маҳаллий хални ўз маҳсулотлари билан таъминлади. Зирянов, Риддер полиметалл, Балхаш комбинатлари ишга туширилди.

Бироқ миллий ҳудудлар, айниқса, Қозоғистонни чор ҳокимияти пайтидагидек хом ашё базаси сифатида қолдирганини алоҳида таъкидлаган мақсадга мувофиқ. Қозоғистондаги индустрлаштиришни амалга ошириш кенгаш ҳокимияти мустамлакачилик сиёсатининг давоми бўлиб келди.

Қозоғистондан фақат арзон хом ашёни ишлаб чиқариш ҳудудларига ташиб, у ёқдан тайёр қиммат маҳсулотни давлатимизга олиб келишни кўзлаган марказнинг сиёсатига миллат зиёлилари С.Садвақасов, Ж.Мингбаев қарши чиқди. Улар саноат уринларини ҳам ашё яқин жойларга жойлаштириш керак деган таклифларни илгари сурди. Қозоғистоннинг ролига тегишли марказ таклиф қилган индустирлаштириш сиёсатининг ривожланиш йўналишига келишмай, очиқ фикрларини билдирган зиёлилар гуруҳи «миллатчи», «шовинистлар» деб айибланди.




Социалистик индустрлаштириш йуналишини бахона қилиб, кенгаш ҳукуматининг четки ҳудудларини марказга буйсиндириш, мустамлака қилиш сиёсати давом этди. Индустрлаштириш сиёсати КСРИ таркибидаги иттифоқдош республикаларнинг оғир саноатини ривожлантиришга қаратилмаган эди. Улар хом ашё сифатида марказий Россиянинг фонди булиб қолаверди.

Индустрлаштириш давридаги энг йирик лойиха – Туркистон-Сибир темир йули қурилиши эди. Темир йул 1927–1930 йиллари қурилиб, Сибир, Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон ҳудудларини боғлади. Бу йул Қозоғистон ерининг 77,3% кесиб утди. Турксиб қурилиши умумиттифоқ аҳамиятга эга бўлди. 1927 йили Петропавл – Кокчетов темир йўли солиниб, 1931 йили Ақмолагача давом этди. 1939 йили Қозоғистондан хом ашё ташиш учун Ақмола – Қараганда, Елек – Урал, Рубцовск – Риддер, 1940 йили Қараганда-Жезказган темир йули ишга туширилди. КСРИ буйича темир йулларнинг 30%и Қозоғистонга тегишли бўлди.



Турксиб. А. Кастеев

## Қозоғистондаги индустрлаштириш ва жамоалаштириш



Иккинчи жаҳон уруши арафасида элимизда 700 корхона солиниб, ишга туширилди. Аграр республика индустриал аграр давлатга айланди.

66-бетдаги картадан индустрлаштириш йиллари солинган корхоналарни кўрсатинг.

Қозоғистон рангли металлургия, кўмир, нефть, ёқилғи-энергетика ресурси, химия маҳсулотларининг бой фонди сифатида КСРИ нинг йирик саноат марказига айланди. Индустрлаштириш даврида ташкил қилинган саноат комплекси Улуғ Ватан Уруши даврида Кенгаш халқининг ғалабасига улкан ҳисса қушди. Шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг сони ортди. Большевикларнинг индустрлаштириш сиёсати Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланиш йуналишини тўлиқ узгартирди.

**4. Қозоғистондаги жамоалаштириш.** Индустрлаштиришга керакли харажатлар қишлоқ хўжалиги ҳисобидан олинди. Большевикларнинг кейинги дастури – қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш бўлди (XV съезд БКП(б), 1927). Бу иқтисодий лойиҳани амалга ошириш натижасида мол чорвачилиги инқирозга учраб, асрлар бўйи шаклланиб келган анъанавий тизим йўққа чиқарилди.

1928 йили маъмурий буйруқбозлик ҳукумати йирик бой хўжаликларни мусодара қилиш тўғрисида Декрет қабул қилди. Қонун лойиҳаси бўйича 700 бой хўжалик мусодара қилиниши керак эди, лекин Қозоғистонда бу вақтда бунчалик бойлар кўп эмас эди. Шунинг учун, топширилган вазифани бажариш мақсадида ўрта ҳол деҳқонларнинг ҳам мол дунёси мусодара қилинди.

Овулнинг энг бақувват кишилари ҳисобланган уруғбошиларни жамоага киргизгандан кейин, большевиклар эндиги навбатда ўрта ва камбағал деҳқонларни жамоа хўжалигига жамоа хўжалигига тортди, мажбурлаб ўтrockлашишга кўчирди. БК(б) XV съезди (1927 йилнинг декабри) қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришга йўналтирилиши эълон қилинди. Минглаган йиллар давомида кўчманчи ва ярим кўчманчи мол хўжалиги билан шуғулланган қозоқлар бир куннинг ичида ўтrock хўжаликка айлана бошлади.

#### Изланинг

Қозоғистонда жамоалаштириш қандай олиб борилди?



Овулда бой мулкени бўлишиш. 1929 йил

Барча кигиз уйлар бир жойга йиғиб, тикилди. Қаровсиз, сув ва ем хашаксиз қолган моллар қирила бошлади. Чорвадорлар моллари тирик қолишига кўзи етмагандан кейин ёппасига сўйиб ташлади. Сўйилган молларнинг кўписининг гўшти бузилиб, яроқсиз бўлиб қолди.

**Ижодий иш билан шуғулланинг!**

«Қозоғистонда мажбурлаб жамоалаштириш оқибатлари қандай бўлди?» мавзусига эссе ёзинг.

**Таянч сўзлар:**

Декрет, мусодара қилиш, очлик, зиёлилар, жазолаш.

Қозоғистондаги ҳукумат идоралари сиёсатига нисбатан норозиликлар ёппасига деҳқонлар қўзғолонига улашиб кетди. 1929 йили Сирдарё, Қўстонай округларида қўзғолон вужудга келди. Қозоғистоннинг жанубида Сўзоқ қўзғолони деҳқонлар қўзғолонининг йирик марказига айланди. Бу 30-йилларнинг бошидаги энг йирик қўзғолон бўлиб, қўзғолонга 5000 киши қатнашди.

Шунингдек, бундай қўзғолонлар Еттисувдаги Оқсув ва Балхаш ҳудудларида бўлиб ўтди. 1930 йили 27 мартда 200 қўзғолончи Абакумовкани босиб олди. ОГПУ отряди билан 28 март куни жанг ўтди. Жангда 15 одам ўлди, 76 қўзғолончи асирга тушди.

Энг кўп вақтга чўзилган қўзғолонлар Оқтўбе, Қўстоной ва Қизилўрда округларининг ҳудудини қамраб олди. Ҳукумат органларининг сиёсатига қарши норозилик Шарқий Қозоғистон, Манғишлоқ ҳудудида ҳам ўрин олди. ОГПУ нинг манбалари бўйича 1929 йили Қозоғистонда умумий сони 350 одамдан иборат 31 қўзғолончилар отряди бўлди. 1930–1932 йиллари қўзғолончилар 2000 га, 1932–1933 йиллари 3,2 минг одамга етган. Республикада 80 минг одам қатнашган деҳқонларнинг 372 қўзғолони бўлиб ўтди. 5 мингдан ортиқ қўзғолончилар Кенгаш ҳукуматига қарши чиққани учун қаттиқ жазоланиб, судланди, ГУЛАГ лагерларига қамалди, уларнинг 883 таси отилди.

**5. Қозоғистонниг Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланиши.** Улуғ Ватан уруши йиллари иқтисодиётимиз уруш шароитига кўчирилиб, фронтни қурол яроғ, мол ва мол маҳсулотлари, озиқ овқат билан таъминлади.

Қозоғистон КСРИ-нинг асосий ҳарбий саноат базаси сифатида 5830 тонна озиқ овқат, 745 тонна гўшт, қўрғошиннинг 85% -ини, полиметаллнинг 70%-ини берди. 1941–1945 йиллари ре-




Урушдан кейинги Қозоғистондаги саноат

спубликада 460 завод, фабрика, конлар ва шахталар солинди. Қозоғистон ерига 220-га завод фабрикалар кўчирилди. Хом ашё республикадан марказга узлуксиз етказиб турилди. Иқтисодиёт тулиқ ҳарбий тартибга буйсунадиган бўлди. Республика аҳолисининг ҳарбий мухтожликларини таъминлаш ва буюк ғалаба учун аянмасдан меҳнат қилишга қарамай, уруш йиллари ва урушдан кейин халқнинг турмуш шароити ночорлаб кетди. 700 мингга яқин республика фуқаролари меҳнат армиясига чақирилди. Уларнинг қаторида уруш йилларида мажбурлаб кўчирилган бошқа этнос вакиллари ҳам бўлди.

КСРИ урушдан оғир аҳволда чиқди. Урушдан кейинги йилларда давлатнинг иқтисодий ривожланишида бир қатор ислохатлар ўтказишга уринишди. Улуғ Ватан урушидаги ғалаба кенгаш халқининг маънавий маданиятини орттириб, социализм сиёсий тизимининг афзалликларига ишонч шакллантирди. Коммунистик партия етакчи кучга айланиб, ҳукумат маъмурий буйруқбозлик тизимини давом эттирди. 1946–1950 йиллари тўртинчи беш йиллик режаси бўйича халқ хўжалигини қайта ти-



Кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш



клар ва тинч ҳаётга кўчиш вазифалари белгиланди. 1947 йили карточка тизими бекор қилиниб, пул ислоҳати ўтказилди.

Республикада халқ хўжалигининг ривожланиши мўл харажат ва хом ашё базасининг кучи ёрдамида амалга оширилди. Асосий долзарб масалалардан бири ишчи кучининг етишмовчилиги эди.

1953–1964 йиллари тарихда «Хрушев иликлиги» даври деб аталди. Сталин вафотидан кейин ҳокимият тепасига келган Н.Хрушев КСРИ иқтисодиётини кўтариш мақсадида бир қатор ислоҳатларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Урушдан кейин озик овқат танқислигини йўқотиш мақсадида 1954 йили март ойида КИЖП МҚ Пленумида *қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш* ҳақида қарор қабул қилинди. Экин майдонлари кенгайтирилиб, ғалла етиштиришни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Бу хўжалик ва ғалла инқирозини ҳал

#### Аниқланг


Қўриқ ўзлаштиришнинг ижобий ва салбий томонларини аниқланг.

қилишдаги экстенсив йўл бўлди. Ғалла етиштиришни ошириш мақсадида 25 млн.га ер ҳайдалди, унинг 9 млн-и эрозияга учраб, яроқсиз бўлиб қолди. ҚСРИнинг европа қисмидан «муҳим мутахассислар», яъни 2 млн киши ёппасига кўчиб келди. Натижада, демографик аҳвол оғирлашди. Қозоқ миллатининг сони ўз давлатида 30% га камайиб кетди.

1965–1985 йиллари «*турғунлик йиллари*» иқтисодиётнинг интенсив ривожланишига йўл очиш учун янги хўжалик ислоҳатлари олиб борилди. 1965 йили янги иқтисодий ислоҳат бўйича ҳудудий халқ хўжалиги кенгашлари тарқатилиб, саноатни соҳа бўйича иттифоқдош-республика министрликлари орқали бошқаришга кўчирилди.

Янги тизимга мувофиқ хўжалик ва корхоналарга эркинлик берди. Ишлаб чиқариш корхоналари хўжалик ҳисоби юргизиш орқали моддий рағбатлантириш ва мукофатлаш ишларини йўлга қўйди.

Саноатни механикалаштириш ва автоматлаштириш режалари қабул қилинди. Ислоҳатлар бир томондан, иқтисодиётни ривож-





**Ўйлаб кўринг!**

1965–1985 йиллар нима учун тарихда «турғунлик йиллари» дейилди?

лантиришда бироз кўрсаткичларга эришса, иккинчи томондан, марказ режаларга директив тузатишлар ва тўлдиришлар киргизишни тўхтатмади. Коммунистик партиянинг раҳнамолиги, давлат мулкчилиги

КСРИ нинг иқтисодий асосини ўзгартира олмади. Халқнинг турмуш шароити пасайиб, маҳсулот тақчиллиги сезила бошлади. Республика хўжалик соҳаларида хом ашёнинг сифати ундан ҳам ночорлади. 70-йилларнинг ўртасида кенгаш иқтисодиёти тизимида инқироз белгилари аста секин кўрина бошлади.

Кенгаш ҳукумати коммунистик коммунистик партиясининг экстенсив ва маъмурий буйруқбозлик иқти-содиёти ривожланишдан тўхтаб, қайта қуриш даврида туб ўзгаришлар ва бир қатор ислоҳатлар амалга оширилди.

Кенгаш ҳукумати давридаги режали иқтисодиёт тизими мустақилликнинг илк йилларида халқ иқтисодиётининг ривожланишига тўсқинлик қила бошлади.

- ?**
1. Режали иқтисодиётнинг анъанавий хўжалик тизимидан фарқи нимада?
  2. «Қозоғистон – аграр республика» деган фикрга ўз кўз қарашингизни билдириг.
  3. Тупроқнинг эрозияга учрамаслиги учун қандай усулни тавсия қилар эдингиз?

**\*** **Хрушев илиқлиги** – бу даврда «илиқлик» деб КСРИнинг ижтимоий сиёсий ҳаётидаги демократиялаштириш, кечириш, оқлашларга (реабилитация) боғлиқ аталди. Илиқлик даврида ички сиёсатда сиёсий қатағонлик, маъмурий буйруқбозлик тизимидаги бошқарув усулларининг юмшаганлиги сезилди. Ҳукумат раҳбарлари ташқи сиёсатни барқарорлаштиришга ҳаракат қилди. Чет элларга иш сафари билан бориб, турли хил битимлар тузилди. Халқаро муносабатлар ҳам яхшилана борди.

**Турғунлик йиллари** – 1965–1985 йилларда Қозоғистон иқтисодиётининг техник прогрессга қобилиятсиз равишда суст ривожланиши. Саноат, саноат ишлаб чиқаришнинг маҳсулот, даромад бермай инқирозга учраши.

## Ижодий топшириқлар.

**1-топшириқ.** SWOT усули орқали XX асрдаги Қозоғистон иқтисодиётининг ривожланишини таҳлил қилинг.

S – ижобий томонлари

W – салбий томонлари

O – имкониятлар

T – хавф хатарлар

**2-топшириқ.** Қўшимча манбалардан фойдаланиб, 1960–1980 йиллардаги КСРИнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётини тасвирлайдиган кўринишлар (расмлар, карикатуралар, плакатлар ва бошқалар) излаштиринг.

**3-топшириқ.** Жадвални тўлдилинг.

### Қозоғистонда жамоалаштириш

| Сабаби | Бориши | Оқибатлари |
|--------|--------|------------|
|        |        |            |



#### Ўлка назорат комиссияси ўртоқ Богдановга

Оқмўла округи бўйича ғалла тайёрлаш ва жамоалаштириш даврида ўрта ҳол деҳқонга тегишли ноҳақликлар аниқланди. Ўрта ҳол деҳқонларга тутқунда ушлаш, оғир ишларни бажариш, мол дунёсини мусодара қилиш каби жазолар қўлланилган. Шунчалик оғир солиқлар солиндикки, ўрта ҳол деҳқон бор мол мулкидан айрилди. Унинг уй жойини тортиб олган, колхоздан хайдаб, ер ағдариб юрган.

*Қалибекова М.Ш. Қозоғистонга махсус кўчирилганлар: ҳужжатлар ва материаллар (1930–1956). – Алмата, 2011, 50-бет.*



1. Бундай жазолаш чоралари бошқа округларда ҳам ўрин олдими?
2. Овулнинг бой аҳолисининг аҳволи қандай эди?

### Ўқиш мақсади:

- ✓ Қозоғистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланиш давларини таҳлил қилиш, уларнинг хусусиятларини аниқлаш;
- ✓ давлат стратегиялари ва дастурларининг мазмунини ўрганиш ва Қозоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишини аниқлаш.

### Таянч сўзлар:

| Узбекча               | Қозоқча                  | Русча                          | Инглизча                 |
|-----------------------|--------------------------|--------------------------------|--------------------------|
| Референдум            | Референдум               | Референдум                     | Referendum               |
| Интеграция            | Интеграция               | Интеграция                     | Integration              |
| Жаҳон савдо ташкилоти | Дүниежүзілік сауда ұйымы | Всемирная торговая организация | World trade organization |

### Мавзуга ўтиш:

1. Расмларни нима бирлаштириши мумкин?
2. Расмларни дарс мавзуси билан қандай боғлайсиз?



**1. Мустақилликнинг илк йилларидаги Қозоғистон иқтисодиёти.** Мустақиллик арафасида Қозоғистон Республикасининг Илк Президенти «Иттифоқ таркибидаги давлат корхоналари ва муассасаларини ҚозКСРИ ҳукуматининг қўл остига кўчириш тўғрисида» Ёрлиқ қабул қилди. Олтин ва олмос фонди ташкил қилинди. Қозоғистон мустақил ташқи иқтисодий алоқалар ўрната бошлади.

1991 йили 16 декабрда Қозоғистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш осон бўлмади. Собиқ КСРИ нинг иттифоқдош республикалари орасида иқтисодий алоқалар узилиб, бир биридан узоқлай бошлади. Республикалар бу қийинчиликлардан ўз кучлари билан чиқиши керак эди. Эркин нарх жорий этилди. Асосий истеъмол маҳсулотларининг танқислиги сезила бошлади. Асосий халқнинг маоши озик овқатдан ортмади. Республика фуқароларининг турмуш шароити ночорлаб, халқ оддий кун куриш учун ҳаракат қилди. Европа миллат вакилларининг ўз элларига кўчиб кетиши натижасида республика аҳолиси камайди. Кўплаган завод-фабрикаларнинг иши тўхтаб қолди. Ишсизлик кўпайди, оилавий муносабатлар бузилиб, ажрашишлар ва ижтимоий муаммолар купайди. 1993–1994 йиллари саноат корхоналирининг ишлаб чиқариши 2 ҳисса, қишлоқ хўжалигида 3 ҳисса транспорт ва юк ташиш буйича 3/2 қисқарди. Халқнинг даромади қисқарди, инфляция даражаси 3000% дан юқори бўлди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш механизмлари ўйлаштирилмай 15000 дай саноат корхоналари хусусийлаштирилиб, бироз хатоликларга йул қўйилди. Мулк талон тарож қилиниб, баракасизлик ўрин олди. Бу ҳолатлар иқтисодиётнинг чуқур инқирозга учрашининг асосий сабабларидан бири эди.


#### **Ўйлаб кўринг!**

Мустақиллик йилларида давлатимизнинг иқтисодиёти нима учун оғир аҳволда бўлди?

Шундай шароитда ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар керак бўлди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб давлат раҳбарлари «*аввал – иқтисод, кейин – сиёсат*» деган йулни танлади.

#### **2. Иқтисодий ривожланиш даврлари.**

Қозоғистон иқтисодиётининг ривожланишини уч даврга бўлишга бўлади:



*Биринчи давр (1991–1994)* Қозоғистонда режали социалистик иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш бошланди. Бу давр иқтисодий аҳволнинг инқирози билан характерланади. Ишсизлик авж олди. 1992 йилнинг январида нарх эркинлиги жорий қилинди, давлатимизда озиқ овқат ва кундалик эҳтиёж молларининг нархи ошиб кетди. Давлат қарамоғидаги ишлаб чиқариш объектларини хусусийлаштириш жараёни бошланди. Тадбиркорликни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб қувватланиб, шароитлар яратилди. Миллий валюта қабул қилинди.

*Иккинчи давр (1995–1999)* Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланишининг стратегик режаси ва янги Конституция қабул қилинди. Миллий иқтисодиёт барқарорлашди. Қолхозлар ва совхозлар давлатга тегишли бўлмаган объектга айлан-



тирилди. Давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири – чет эл инвестицияларини тортиш орқали бозор иқтисодиётини шакллантириш эди.

1997 йили Қозоғистон Республикасининг Илк Президенти Н.А. Назарбаев «Қозоғистон – 2030: Барча Қозоғистонликларнинг гуллаб яшнаши, хавфсизлиги ва фаровонлигининг ошиши» номли стратегик дастурни таклиф қилди. Унда давлатимизнинг ривожланишини таъминлашга йўналтирилган узоқ муддатли вазифалар белгиланди.

*Учинчи даврда* (2000 йилдан бошлаб – бугунги кунгача) – Қозоғистон иқтисодий ривожланиш йўлига тушди. 2003 йилдан бошлаб Индустириал-инновацион ривожланишнинг давлат дастури амалга оширилиб келмоқда. Сўнгги 20 йил ичида давлатимизда 1000 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди.

**3. Миллий валютани қабул қилиш.** Мустақиллик олган илк кунлардан бошлаб республика раҳбарлари миллий валюта киргизиш бўйича тайёргарлик ишларини олиб борди. 1992 йили Қозоғистонда махфий равишда миллий валюта тайёрланаётганда, Россия пул – валюта тизимидаги масалаларни бизнинг республика билан келишиб ҳал қилиши тўғрисидаги ваъдаларни берди.



Илк тангалар

МДХ раҳбарлари ўз давлатларида миллий валюталарини киргизишдан 3 ой аввал бошқа республикаларга бу тўғрисида айтиши кераклиги тўғрисидаги битимга қўл қўйди. Бироқ Россия 1993 йил июль ойида келишилган битимни бузиб, ўз валютасини киргизди. Россия 1993 йили янги рубль (сўм) асосида яхлит рубль майдонини қуришни таклиф қилди. Россия Қозоғистон учун муҳим миқдорда махсус пул бостириб бериши тўғрисида ишонтириб янги рублни юбормай қўйди. Гиперинфляция шароитида баҳо ошиб кетди. Россия ва бошқа республикалардан Қозоғистонга эски кенгаш купюралари оқиб кела бошлади. Дўконларда озиқ овқатлар ва кундалик эҳтиёж моллари камайиб кетди. Қозоғистонда иқтисодиёт таназзулга учраб, инфляция кучайди. Шунинг учун ҳам Қозоғистон ўзининг миллий

валютабини киргизиб, иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини сақлаб қолди.

Дастлаб миллий пул Буюк Британияда босиб чиқарилди. Пул номиналларида Ш.Валихонов, А.Қўнонбоев, ал-Фаробий, Абилайхон ва бошқа тарихий шахслар тасвирланган.

1993 йили 15 ноябрда миллий валюта – танга қабул қилинди. Давлатимизда инфляция кучайиши натижасида «ҚР Миллий банк тўғрисида» қонун қабул қилинди. Шунга мувофиқ Миллий банк Президентгагина ҳисоб беради ва ваколатли мустақил хизмат қилади. Қозоғистон собиқ КСРИ марказ ҳуқуқларина эгаллик қилувчи қўшни Россия давлатидан пул молиявий сиёсатда тўлиқ мустақилликка қўл етказди. Миллий валюта киритилиши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. У Қозоғистон Республикаси иқтисодий мустақиллигининг яққол намунаси бўлди. Асрлар давомида армон бўлиб келган мустақилликка эришиш қозоғистонликларнинг ватанпарварлик руҳини оширди. Миллий валютанинг киритилиши чуқур ижтимоий иқтисодий ислохатлар юргизишга йўл очди. Халқаро валюта операцияларини юрги-



Қозоғистон Республикаси Парламенти



зишга имконият яратди. Давлатимизда 200 га яқин янги банклар қурилди. Янги шароитда давлат раҳбарлари нафақадорлар, студентлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб қувватлаш чораларини юргизишга бел боғлади.

**4. 1995 йилги ҚР Конституцияси ва бозор иқтисодиётига ўтиш.** 1993 йил қабул қилинган Конституция вақтинчалик конституция эди. Асосий Бош қонунимизда ер хусусий мулк қилиб берилмади. Маҳаллий кенгашлар бозор ислоҳатларини қўллаб қувватламади. Янги Ҳукумат Олий кенгаш бунга қаршилик кўрсатди. Мамлакатимизда керакли қонунларни қабул қилишга имкон бўлмади. Хуллас, маҳаллий Кенгашларнинг, шунингдек Олий Кенгаш ўзини ўзи тарқатиш жараёни бошланди. Президент давлат раҳбари сифатида қонун асосида ўзи қарор қабул қилиш ҳуқуқини олди.

1995 йилги 30 августда умумхалқ референдумида янги Конституция қабул қилинди. Президент бошқарувидаги яхлит давлат сифатида қабул қилинди. Парламент икки палатадан иборат бўлди: Мажлис ва Сенат. Янги Конституция давлатимизнинг мустақиллигини ривожлантириш ва ижтимоий сиёсий ислоҳатлар ўтказиш учун катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Қозоғистон бозор иқтисодиёти йўли билан ривожланишга кирган бирдан бир мустақил давлат сифатида белгиланди. Республикада давлат мулкани олиш ва хусусийлаштириш дастури қабул қилинди. Чет эл инвестицияларини тортиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари бекитилди. Банк ва молия тизими ислоҳатлари амалга оширилди. Аграр соҳада жамоа хўжаликлари ва совхозларни фермер хўжаликларга айлантиришда мулкка нисбатан давлат монополияси йўқотилди.

**5. 2015 йили Қозоғистоннинг жаҳон савдо ташкилотига кириши.** Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун Қозоғистон 1996 йилнинг январида расмий ариза ёзган бўлиб, 2015 йилнинг 10 августида битимлар ниҳоясига етди. Қозоғистон ЖСТ ига аъзо бўлиш учун 20 йилдан кўпроқ тайёргарлик кўрди.

Қозоғистоннинг ЖСТ (жаҳон савдо ташкилоти) ига аъзо бўлиши – Қозоғистон дипломатияси ва Элбошимизнинг ютуқларидир. Элбошимиз ўзининг халққа мурожаатида: «ЖСТ га



ЖСТ эмблемаси

аъзо бўлиш Қозоғистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияланишига, жаҳоннинг ривожланган рақобатбардош 30 давлат қаторига киришига ва «100 дадил қадам» Миллий дастурини амалга оширишга таъсир этди», – деб атаб кўрсатди. Қозоғистон жаҳон савдо ташкилотининг 162 и аъзоси бўлиб кирди. Ташқи савдо ҳажми 120 млрд долларни ташкил қилди. Қозоғистон жаҳондаги 185 давлат билан савдо сотиқ олиб боради.

ЖСТ ига кириши Қозоғистонга қандай имкониятлар беради? *Биринчидан*, келажакда рақобатга бардошли янги ишлаб чиқаришлар ва корхоналар очишга қўл етказамиз. *Иккинчидан*, давлатга қўшимча чет эл инвестициялари тортилади. *Учинчидан*, оддий фуқаролар ҳам сифатли товарларга эга бўла олади. *Тўртинчидан*, қозоғистонликлар йирик ташқи бозорга чиқишга қўл етказди. *Бешинчидан*, давлатда иқтисодий ислохатлар ўтказишга имконият яратилди. Қозоғистон жаҳон савдосини тартибга келтирадиган қонунлар чиқариш орқали миллий манфаатни кўзлайди.

Қозоғистон ЖИИ-нинг 8,5% ига субсидиялар бўлинган бўлса, Россия, Украина, Қирғизистон, Молдавия ва Грузия каби давлатларда бу 5% дан ошмайди. Яъни, давлатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналари йирик маҳсулот бозорига киришга ёрдам беради.

Қозоғистон Республикасининг Илк Президенти – Элбоши Н.А. Назарбоев 2015 йили «100 дадил қадам» – Миллат режасига давлатимизнинг келажакда гуллаб яшнашининг йўналишларини белгилаб берди.

**6. «ЭКСПО–2017».** 2011 йили Қозоғистон кўрғазма ўтказишга ариза берди. Шунингдек, Бельгиядан Льеж шаҳри, Канададан Эдмонтон ва Франциянинг Лилль шаҳарлари ҳам ариза берган. Эдмонтон ва Лилль шаҳри ўзлари бош тортишди. Бельгиянинг Льеж шаҳри билан рақобатда бўлди. Уларнинг кучли дипломатияси, турли хил кўрғазмалар ва форум, симпозиумлар ўтказишга тажрибаси мўл эди. Бельгия – кўплаган европа давлат-



ЭКСПО–2017

лари билан ўзаро муносабатлар ўрнатган давлат эди. 2012 йили ЭКСПО халқаро симпозиумида Қозоғистон ўзининг ютуқларини кўрсатиб, ўзини иқтисодиёти ривожланган, тинч тотув давлат сифатида танита билди. 2010 йили Қозоғистоннинг ЕИХХ га раслик қилиши элимизнинг жаҳон давлатлари орасида обрўсини янада оширди. 2012 йили 22 ноябрь куни Парижда ЭКСПО штаб уйида яширин овоз бериш натижаси бўйича Қозоғистонни 103 аъзо қўллаб қувватлади.

2017 йили ёзда Астанада ЭКСПО–2017 кўрғазмасида иштирок этган барча давлатлар инновацион, технологик, илмий ва маданий ютуқларини кўрсатди. Қозоғистон МДҲ давлатлари орасида илк ЭКСПО кўрғазмасини кўрсатган давлат бўлди. Қозоғистон ва унинг пойтахти Астанани (Нур Султонни) бутун дунё тан олди.

Давлатимиз инсониятнинг «Келажак Энергияси» муҳим муаммоларининг бирига ечимлар таклиф қила олди. ЭКСПО–2017 кўрғазмасини 3 ойнинг ичида 4 млн одам келиб томошалаган.

**Ўйлаб кўринг!**

ЭКСПО ўтказиш давлатимиз учун нима аҳамияти бор эди?

Қозоғистон энергетика соҳасида янги технологияларга қўл етказибилди. Мамлакатимизга янги инвестициялар, бутун жаҳоннинг кичик ва ўрта бизнеси тортилди. ЭКСПО–2017 келажакда иш чоралар ўтказишга имконияти бор кучли майдонга айланди. Кўргазманинг ўтказилиши инқирозга қарши йирик лойиҳа сифатида ўз вазифасини бажарди. ЭКСПО–2017 давлатимизга корхоналарни қўллаб қуватлаш, янги иш ўринларини очиш, давлат бюджетига қўшимча даромадлар олиб келишга имкониятлар яратди.



1. Қозоғистоннинг ЖСТ га киришининг хусусиятларини кўрсатинг.
2. Прагматизм тушунчасини қандай тушунтирасиз?
3. Ёши катта кишилар билан гаплашиб 90-йиллари элимизда яна қандай ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар бўлганлигини аниқланг.
4. Қўшимча материаллардан фойдаланиб, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа давлатларидаги миллий валютани киргизишнинг хусусиятларини аниқланг.



**Референдум** – давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар юзидан умумхалқ фикрини олиш, шундай масалаларни ялпи овозга қўйиш.

**Интеграция** – иқтисодий субъектларни бирлаштириш, улар орасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириб, ўзаро ҳамдўстлик ҳаракатларини кенгайтириш.

**Жаҳон савдо ташкилоти** – халқаро савдо қоидаларини либерализм принципларига қараб тартибга келтирадиган халқаро иқтисодий ташкилот.

### Ижодий топшириқ.

Бирор бир иқтисодий стратегияни олиб GROW усули орқали таҳлил қилинг:

Goal – мақсади

Reality – амалга оширилиши

Options – имкониятлари

Way forward – олға ҳаракат қилиш





## Қозоғистон Республикаси Президентининг Қарори

Қозоғистон Республикасининг миллий валютасини киргизиш тўғрисида

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 78- бобига ва Қозоғистон Республикаси Олий кенгашининг 1993 йил 29 октябрдаги қарорига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Қозоғистон Республикасининг ҳудудида 1993 йил 15 ноябрда соат 08.00-дан бошлаб (маҳаллий вақт) Қозоғистон Республикасининг миллий валютаси – танга жорий қилинсин.

2. 1993 йил 18 ноябрда соат 08.00-дан бошлаб (маҳаллий вақт) танга Қозоғистон Республикасидаги бирдан бир қонуний тўлов воситасига айланади. Танга 100 тийиндан иборат. Қозоғистон Республикасида қўлдаги пул банкнотлар ва монеталар турида айланишда бўлади.

3. Тангани Қозоғистон Республикасининг ҳудудида хусусий нишонларга қарамасдан яқка юридик шахслар тўловларнинг барча турида, шунингдек ҳеч қандай чекловсиз ҳисоб рақамларига қўшиш учун банклар қабул қилишга ҳақлидир.

4. Шу қарор қўл қўйилган кундан бошлаб кучга киради.

*Қозоғистон Республикасининг Президенти Н.Назарбаев.  
Алмата шаҳри, 1993 йил 12 ноябрь. Қозоғистон Республикаси.  
10 йил шажараси. – Алмата, 2001, 170-бет.*



Миллий валюта киргизишнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти нимада?

## БИРИНЧИ БЎЛИМ БЎЙИЧА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Қозоқларнинг ёппасига деҳқончиликка кўчиши бошланди:
  - A) XX аср бошида
  - B) XIX аср бошида
  - C) XIX аср ўртасида
  - D) XVIII аср бошида
  - E) XVIII аср охирида
2. Кўчманчи мол чорвачилиги Буюк Дашт аҳолисининг турмуш тарзини таъминлашнинг анъанавий тизими сифатида шаклланди:
  - A) табиий географик фактор таъсири
  - B) мол чорвачилигининг ночорлаб кетиши
  - C) жут ва касалликлар
  - D) отнинг қўлга ўргатилиши
  - E) халқ сонининг ўсиши
3. Қозоғистоннинг қайси ҳудудларида қадимдан деҳқончилик ривожланган:
  - A) Шимолий Қозоғистон ва Еттисув
  - B) Марказий ва Шимолий Қозоғистон ўлкаси
  - C) Ғарбий ва Шарқий Қозоғистон ҳудуди
  - D) Марказий ва Шарқий Қозоғистон
  - E) Жанубий Қозоғистон ва Еттисув ҳудуди
4. Уиқни эгадиган асбобнинг номи:
  - A) отма
  - B) тез
  - C) уски
  - D) шигир
  - E) тамға
5. Кўчманчи ҳаётга мослашган, қадимдан келаётган кўчманчиларнинг бошпанаси:
  - A) том
  - B) кигиз уй
  - C) мозор
  - D) ертўла
  - E) қақира
6. Араб географи Макдиси бу шаҳар тўғрисида шундай деб ёзди: «Еттита девор қуршалган катта шаҳар, унинг рабати бор,

мачити ички шаҳарда жойлашган». Қайси шаҳар тўғрисида айтилган:

- A) Саврон
- B) Сайрам
- C) Туркистон
- D) Сиғаноқ
- E) Ўтроп

7. Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш дастурини тайёрлаш ва амалга оширишда туркий тилли давлатлар президентларининг бирлашган декларацияси қабул қилинди:

- A) 1996 й.Тошкент
- B) 1997 й.Алмата
- C) 1998 й.Бишкек
- D) 1995 й. Душанбе
- E) 1994 й. Ашхабад

8. Йирик бой хўжаликларни мусодара қилиш тўғрисида декрет қабул қилинди:

- A) 1921 йили
- B) 1924 йили
- C) 1928 йили
- D) 1939 йили
- E) 1941 йили

9. Туркистон – Сибирь темир йўли қурилди:

- A) 1921–1936 йй
- B) 1924–1931 йй
- C) 1927–1930 йй
- D) 1939–1943 йй
- E) 1946–1952 йй

10. Қозоғистон Республикасининг ЖСТ га кирган йили:

- A) 2000 йили
- B) 2001 йили
- C) 2014 йили
- D) 2015 йили
- E) 2019 йили

***Биринчи бўлим бўйича тадқиқот ишлари:***

Турли тарихий даврлардаги Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.

## Биринчи бўлимга яқун

Қадимги замондан бери Қозоғистон яхлит цивилизация намунаси сифатида бошқа ҳудудлардан ажралиб турар эди. Европа ва Осиёнинг чорраҳасида жойлашган Қозоғистоннинг бепоён даласида кўчманчи ва ўтроқ маданият биргаликда ривожланди. Қозоғистон ери бебаҳо мол чорвачилиги билан бир қаторда, бой шаҳар маданиятининг ҳам маркази бўлди. Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи Буюк Ипак йулида Қозоғистон катта роль уйнади. Дашт ва шаҳар ўзаро муносабатларида ижтимоий-иқтисодий алоқалари бир-бирининг маданиятини бойитди.

Хуллас, асрлар давомида шаклланган қозоқнинг анғанавий хўжалиги XX асрнинг 20–30 йилларида большевикларнинг иқтисодий тажрибалари натижасида инқирозга учраб, йўқ қилинди. Қозоқ халқи ривожланишининг табиий жараёни большевикларнинг ҳаракатларидан бузилиб, унинг зардоблари анғанавий хўжаликка катта зиён етказди. Ер ва молнинг асрлар давомидаги ҳақиқий эгалари хўжаликдан четлатилиб, унинг ўрнига жамоа ва давлат хўжаликлари ташкил топди. Давлат иқтисодиёти Кенгаш республикасининг манфаати учун ривожланди. Иқтисодий тизимнинг асосий қондаси – режали иқтисодиёт қабул қилинди.

Кенгаш иттифоқи парчалангандан сўнг, Қозоғистон бозор иқтисодиёти йули билан ривожланишга ўтган мустақил давлат сифатида шаклланди. Иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури қабулланди. Чет эл инвестицияларини тортиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳуқуқий асослари бекитилди. Банк ва молия тизими реформалари амалга оширилди. Аграр соҳада колхозлар ва совхозларни фермер хўжаликларга айлантиришда мулкка нисбатан давлат монополияси бекор қилинди.

2015 йили Қозоғистон ЖСТ таркибига кириб, жаҳоннинг 185 давлати билан савдо муносабатларини олиб борди. Давлатимизда индустриал-инновацион ривожланиш стратегияси қабул қилиниб, стратегик дастурлар буйича иш олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда асосий мақсадимиз – рақобатга қобилиятли 30 та давлат қаторига кириш.

Мустақиллик йиллари элимиз иқтисодий маънавий-маданий ривожланишда жуда кўплаган ютуқларни қўлга киритди.



## II бўлим СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАРАЁНЛАР

### Тўртинчи боб ҚОЗОҒИСТОНДА ПОЛИЭТНИК ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

13–14-§

Қозоғистон халқи моноэтник таркибининг ўзгариши (XVIII аср – XX асрнинг боши)

Ўқиш мақсади:

- ✓ Қозоғистоннинг этник таркибининг ўзгариш жараёнини тушунтириш учун «аграр сиёсат», «кўчиб қўниш сиёсати», «моноэтнос таркиби» тушунчаларидан фойдаланиш;
- ✓ Қозоғистон ҳудудидаги халқнинг этник таркибидаги ўзгариш давларини тадқиқ қилиш.

Таянч сўзлар:

| Ўзбекча          | Қозоқча            | Русча               | Инглизча                |
|------------------|--------------------|---------------------|-------------------------|
| Моноэтник таркиб | Моноэтностық құрам | Моноэтничный состав | Mono-ethnic composition |
| Дин пешволари    | Жікшілдер          | Раскольники         | Dissenters              |

Мавзуга ўтиш:

Расм ва мавзуни боғланг.



**Эсингизга тушинг!**  
Кўчиб келувчиларнинг  
кўп келишига қандай  
воқеалар сабаб бўлди?

**1. Ўлка аҳолиси моноэтник таркибининг ўзгара бошлаши.** XIX асрнинг 20-йилларигача Қозоғистон халқининг асосий таркиби қозоқлардан иборат эди, XIX асрнинг 50–60-йиллари Қозоғистон халқининг миллий таркиби ўзгара бошлади. Казаклар ва ҳарбий аҳоли кўрғонлар ва казак станицаларида жойлашган. 1824 йилдан бошлаб округ приказлари ташкил топгандан ҳарбий казаклар, кейинчалик дехқонлар Шимолий – Шарқий Қозоғистонни маконлай бошлади. У даврда янги шаҳарлар пайдо бўлди. Қозоғистонга Россиядан рус дехқонлари 1861 йилги крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилингандан кейин ва 1867–1868 йиллардаги ўлкада олиб борилган маъмурий ислоҳатлардан кейингина кўчиб қўниш бошланди.

1897 йили Қозоғистонда 4147,7 минг одам яшаган, улардан 81,7% қозоқлар эди. 1914 йили қозоқларнинг сони 6 миллион кишига етди. Аҳолининг қолган қисми казаклар ва кўчиб келувчи дехқонлар, уйғур, дунган, татар, ўзбек ва бошқа миллат вакилларида иборат эди. Кўчиб келувчиларнинг кўпчилиги Қозоғистонга XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида келди.

**2. Руслар.** Қозоғистонга илк кўчиб келувчи казаклар ва руслар эди. Улар чегара ёнидаги истехкомларда ва станицаларда яшаган. Кейин Қозоғистонни мустамлака қилиш ҳаракати кучайиб, казак ижтимоий гуруҳига кўчиб келган дехқонлар ва солдатлар ҳам қабул қилинди.

Қозоғистонга кўчиб келган рус дехқонлари чегарадаги аскарларни, шунингдек Қолыванов-Воскресенск заводларида, тоғ-кон корхоналарида ишлайдиган ишчиларни озик овқат билан таъминлаши керак эди. Дехқонларни қозоқ ўлкасига кўпроқ тортиш учун подшо ҳуқумати эркин босиб олиш усулини ҳам, куч орқали, эрксиз ер ағдариш усулини ҳам қўлланди. Баъзида рус дехқонларининг кўпчилиги марказдан айбдор бўлиб қочиб кетган қочқинларнинг ҳисобидан тўлдирилди. Масалан Буқтирма дарёсининг буйига, Олтой тоғининг одам оёғи етмайдиган ба-

ланд жойларига завод ишчилари, солдатлар ва диндорлар қочиб кетган. Сибир маъмурияти қочқинларнинг йулини тусиб барча чора тадбирларни кўрди, лекин фойдаси бўлмади. 1897 йили Олтойда 90 минг га яқин рус деҳқонлари бўлди.

XIX аср охири – XX аср бошидаги аграр сиёсат йиллари Россиянинг Европа қисмидаги деҳқонлар Қозоғистонга ёппасига кўчирила бошлаган эди. 1897 йили Қозоғистоннинг 6 та областидаги русларнинг сони 544000 кишига етди. Улар халқнинг асосий қисмини кўчиб келган деҳқонлар (40%), ундан кейин казаклар (33%), мешанлар (19%), дворянлар (5%) ва бошқаларни ташкил қилди. Қозоқлар ва рус аҳолиси орасида ўзаро хўжалик-маданий алоқалар ўрнатилди.

**3. Украинликлар.** Украинликларнинг илк гуруҳи Қозоғистонда XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Улар, асосан, миллий озодлик ҳаракатининг иштирокчилари эди. Украинликларнинг кўпчилик қисми қозоқнинг бепоён даласига XIX–XX аср арафасида, Россиянинг европа қисмидан деҳқонларни ёппасига кўчириш вақтида келган. Кўчиб келувчи украинликлар, асосан, Полтава, Харьков, Таврия, Херсон, Екатеринослав ва Киев областларининг деҳқонлари эди.

Украинликларнинг асосий касби деҳқончилик эди. Қозоқ даласидаги атоқли украин деҳқонларидан бири Оқмўла области, Отбасар ҳудуди Қима бўлисига тегишли Запорожеское қишлоғининг деҳқони Василий Марченко эди. 1913 йили Романовлар авлоди ҳукмронлигининг 300 йиллигига атаб энг намунали хўжалик учун берилган махсус мукофатни мана шу В.Марченко енгиб олган эди. У тупроқнинг унумдорлигини орттириш мақсадида уруғ сепишнинг 10 усулини киргизди. «Сельский вестник», «Хлебороб» журналларини тинмай ўқиб ўтирди. Шу вақтдаги янги қишлоқ хўжалиги техникаларини фойдаланди. Уй ҳайвонларининг тухумини наслантириш билан шуғулланди.

Подшо ҳукумати кўчиб келувчиларга қанча мустамлакачилар сифатида қараса ҳам, украинликлар ва қозоқлар орасида

дўстлик, ҳаттоки қариндош уруғчилик шаклланди. Масалан, 1905 йили Киевдаги норозилик ҳаракатида иштирок этгани учун Оқмўла областининг Оқмўла уездига сургун қилинган Яков Латутани Жоламан деган қозоқ вакил бола қилиб асраб олиб, унга Жақип Жоламанов деган исм берган. Жақип қозоқ тилини, мустақил равишда ислом асосларини ўрганиб, мусулмон динини қабул қилди. 1916 йилги қозоқларнинг миллий озодлик ҳаракатида у Қўрғалжиндаги қўзғолонга раҳбарлик қилди. Қўзғолончиларнинг сони 30 минг одамга етди.



Тарас Шевченко

1897 йили халқ саноғи манбалари бўйича Қозоғистонда 87 минг украин бўлган. Украинликларнинг қозоқ еридаги улуши 2% ни ташкил қилар эди. Украинликларнинг асосий таркиби (51%) Оқмўла областида жойлашган эди. Уларнинг кўпроқ қисми (87%) деҳқонлар, бир қатори (7%) мешанлар эди. Украинликларнинг 5% и Россия казаклари қаторида ҳарбий хизматдан ўтди.

Қозоқ даласига Украинанинг улуғ шоири Тарас Шевченко рус подшосининг буйруғи билан сургун қилиниб, 10 йил ҳаёт кечирди.

**4. Татарлар.** Қозоғистонга татарларнинг келиши подшо ҳукуматининг қозоқ ўлкасини мустамлака қилишга киришган даврида бошланди. XVIII–XIX асрларда подшо ҳукумати қозоқ даласида ислом динини тарқатиш сиёсатини олиб борди. Қозоқларнинг орасида мулла бўлишга татарларнинг диний хизатдагиларгина юборилди. Бунинг ўзи қозоқларни Ўрта Осиёдаги диний марказларнинг таъсиридан узоқлаштириш мақсадида амалга оширилган.

Қозоқ хонлари ва султонларининг ўзи шахсий котиб қилиб, Оренбург яқинидаги Сейитов слободасидан чиққан саводли татарларни тайинлаган. Татар савдогарлар Россия билан қозоқ



Оқмўла  
шаҳридаги  
қозоқ  
зиёлилари

даласи ўртасида савдо сотиқни ривожлантиришда фаол иштирок этди. Қозоқларнинг тилини, урф одатлари ва анъаналарини яхши билгани учун, татарлар савдо сотиқда даллоллик ролини ҳам бажаришди. Татар савдогарларининг қозоқ ерида обрўси оша бошлади. Татарлар ўлкадаги Петропавл, Семей, Урал, Кўкчетов, Верний, Оқмўла, Павлодар, Зайсан ва қаби йирик шаҳарларида яшаган. Уларнинг кўп жойлашган жойларида татарларнинг маконлари бўлган.

Бу халқнинг вакиллари қозоқ даласида янги усул билан ўқитиладиган жаид мактабларини очган. Қозоқлар татарлар чиқариб турган газета ва журналларни зўр ихлос билан ўқиган. Қозоқларнинг кўп газета ва журналлари учун татарлар маблағ ажратиб турган. Кейинчалик подшо ҳукумати қозоқ ерида исломнинг кучайиб кетишидан хавфсираб, саводли ва ишбилармон татарларни иш жойидан четлата бошлади. 1897 йили Қозоғистонда яшайдиган татарларнинг ялпи сони 56 000 га етди. Бунинг ўзи Қозоғистондаги бутун аҳолининг 1,3% и эди.

**5. Немислар.** Немислар Қозоғистонда илк бор XVIII асрда ҳарбий таркиблар қаторида келди. Уларнинг кўпчилиги Балтика бўйидаги губерниялардан эди. Сибир чегара истеҳкомининг бошчиси хизматини атқарган 13 одамнинг кўпчилиги немислардан чиққан генераллар бўлган. Улар Х.Т. Киндерман, И.Крафт, Д.Риддер, К.Ф. Фрауендорф, Г.Г. Вейрман, И.Шпрингер, И.Клапье де Колонг, Г.Г. Штрандман, Г.И. Глазенап ва бошқалар эди. Туркистон ўлкасининг генерал губернатори К.П. фон Кауфман ҳам, Тўрғай областининг ҳарбий губернатори Л.Ф. Баллюзек ҳам Дала ўлкасининг генерал губернатори М.А. фон Таубе ҳам немис миллатининг вакили эди.

#### **Аниқланг**

Сибирь чегара истеҳкомининг генераллари кўпчилиги немислардан бўлишининг сабаби нимада?

Немислар маҳаллий халқнинг тарихи, географияси ва этнографиясини ўрганишди. Врачлар, ўқитувчилар, тоғ кон инженерларининг орасида ҳам немис миллати вакиллари оз бўлмади. Улар асосан Омби, Петропавл, Семей, Ўскемен, Жамишев каби бошқа чегара ёнидаги истеҳкомларда яшади.

Қозоқлар ерида немислар сонининг ортиб бориши XIX–XX асрлар чорраҳасига тўғри келди. Кўчиб келган немислар асосан деҳқончилик билан шуғулланишди ва саноат корхоналарда ишлашди. Шунингдек, немислар нефт кон ўринларини, олтин, мис ва бошқа кон ўринларини ўзлаштиришда фаоллик кўрсатди.

Янги маконларида немислар ўзларининг анъанавий урф одатларини сақлаб келишди. Кўчиб қўниш қийинчиликларига қарамасдан немисларнинг ўз мактаблари ва ибодатхоналари бўлди. Улар орасида ўз ўзини бошқариш дастури яхши сақланган эди. Немислар келиб жойлашган маконларда уларнинг турмуш шароити анча яхши бўлди, чунки улар адолатлилиги ва меҳнатсеварликлари билан ажралиб турар эди. Ўзларининг миллий тилини, динини, урф одатлари ва анъаналарини яширин сақлашга ҳаракат қилди. Уларнинг кўпчилиги (55%) саводли эди. Ижтимоий таркибига кўра 1897 йили немисларнинг 85 % и деҳқонларни ташкил қилди.

1897 йили Қозоғистондаги ва чегарадош шаҳарлардаги немисларнинг сони 7 мингга яқин эди. Уларнинг кўпчилиги Оқмўла бластини маконлади. Бир гуруҳи Сирдарё бластини маконлаган. Столипин аграр реформаси даврида немисларнинг Едил бўйидан, Қора денгиз бўйидан кўчиб келиши кучайди. Шунингдек, немислар қозоқ даласига Германия ва Австриянинг ўзидан ҳам кўчиб келган.

**6. Поляклар.** Поляклар Қозоғистон ҳудудига илк бор XIX асрнинг бошида кела бошлади. Улар подшо ҳукумати қозоқ ўлкасига сургун қилган поляк қўзғолончилари эди. Маҳаллий ҳукумат полякларни ўз эрклари билан Ёйиқ ва Сибир казакларининг қаторига зўрлик билан тиркаб юборар эди.

Полякларнинг қаторида оқин-ёзувчилар, рассомлар ва врачлар, инженерлар ва қонуншунослар кўп бўлди. Масалан, **Адольф Янушкевич** қозоқ халқининг тарихини қизиқиб ўрганди. Рассом Бронислав Залеский «Қирғиз даласининг турмуш шариоити» номли ажойиб картинани яратди. Оқин Густав Зелинский қозоқлар ҳаётидан «Қирғиз» ва «Дала» деган дostonлар ёзди. Владимир Надзвецкий Еттисув музейининг пойдеворини қалади. Семейга сургун қилинган Северин Гросс «Қирғизларнинг турмушини қонуний равишда тадқиқ қилишга мўлжалланган материаллар» номли яхши китоб ёзди.

Подшо ҳукумати полякларни ҳарбий маъмурий хизматга ҳам тортди. Уларнинг кўпчилиги шаҳарларда турди. 1897 йилги халқ саноғи манбаларига кўра Қозоғистонда мингга яқин поляк яшаган. Улар, асосан, Урал, Семей, Оқмўла ва Сирдарё областла-



А. Янушкевич



Г. Зелинский

рига жойлашган, сургун қилинганлар ва уларнинг оила аъзолари эди.

**7. Уйғурлар ва дунганларнинг Еттисувга кўчирилиши.** XIX асрнинг 70–80 йиллари подшо ҳукуматининг буйруғи билан уйғурлар ва дунганлар Еттисувга кўчирила бошлади. Бунга қадар улар Хитойнинг Или ўлкасининг ҳудудларида яшаган. Уйғурлар ва дунганлар XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Хитой ҳукуматига қарши бир неча марта норозилик ҳаракати билан чиқишди. Ўзларининг миллий мустақиллиги йўлида кураш олиб борди, лекин Хитой аскарлари қўзғолончиларни аёвсиз бостириб ташлади. Уйғурлар ва дунганларнинг қўзғолони боришида Или ўлкасида Или султонлиги ташкил топди. Бу давлат ташкилотининг тузилиши ички низоларни кучайтириб юборди. 1871 йили Россия аскарлари у ҳудудни эгаллаб олди. Подшо ҳукумати ўлка аҳолисининг оилавий ишларига ва ўзаро муносабатларига аралашмаслик сиёсатини олиб борди. Маҳаллий ҳукумат органлари тузилди. Лекин уни подшо ҳукумати ўз назорати остига олди, умумий аҳвол барқарорлашди. Бу жойларни



Дунган  
оқсуяқлари



Хитойга қайтариш масалалари кўтарилди. Яъни, бу уйғурлар ва дунганларнинг келажаги тўғрисидаги масала эди. 1881 йили икки империя орасида Санкт-Петербург тинчлик шартномаси тузилди. Уйғурлар ва дунганлар бир йилнинг ичида Еттисув ҳудудига кўчиб ўтиши тўғрисида ўзлари қарор қабул қилишга ҳақли бўлди. Бу масала бўйича маҳаллий халқнинг фикри ҳам эътиборга олинди. 100 мингга яқин уйғур ва дунган Қозоғистон ҳудудига ўтишга рози бўлишди.

Дунганларнинг Қозоғистон ҳудудига илк кўчиб ўтиши 1877 йили декабрь ойида бошланди. Шу йили Хитой жазоловчиларидан қутулиш учун қочган дунганлар Еттисувга келди. Иккинчи кўчиш 1884 йили бўлди. Уйғурларнинг Еттисувга кўчиб ўтиши 1881 йилдан бошлаб, 1884 йилгача давом этди.

Уйғурлар ва дунганларни Қозоғистон ва Ўрта Осиёга кўчириш орқали Россия икки турли мақсадни назарда тутди: *биринчидан*, Хитойнинг Қулжа ҳудудидagi иқтисодий базасини кучсизлантириш: *иккинчидан*, сиёсий аҳвол чигаллашиб кетса, уларни Хитойга қарши куч сифатида фойдаланиш бўлди.

Подшо ҳукумати бу масала бўйича маҳаллий халқнинг фикрини эътиборга олмади. Бу вақтда Еттисув давлат мулки деб эълон қилиб қўйилган эди. Уйғурлар ва дунганлар маълум бир ҳудудга кўчиб ўтишни хоҳлашди. Кўчиб келувчилар асосан, Верний ва Жаркент уездларига жойлаштирилди.

Уйғурлар ва дунганлар деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо сотиқ билан шуғулландилар. Уйғур савдогари В.А. Юлдашев Англиядан олдирган пароходини биринчилардан бўлиб юргизди.

Қозоғистон ҳудудидagi уйғурлар ва дунганларнинг сони аста секин ортиб борди. 1897 йили Қозоғистонда 56 минг уйғур, 14 минг дунган бўлди.



У.А. Юлдашев

### Изланинг

Давлатимизга бошқа миллат вакилларининг кўчиб келишининг сабабини аниқланг.

**8. Қозоғистонга бошқа халқларнинг кўчирилиши.** Қозоғистон ҳудудида XIX асрнинг охирида юқорида кўрсатилган этнос гуруҳлардан бошқа халқлар ҳам оқиб кела бошлади.

Россиянинг Европа қисмидан кўчиб келганлар орасида мордваликлар кўпчиликни ташкил қилди. 1897 йили Қозоғистонда уларнинг сони 12 мингга етди. Улар асосан, Оқмўла областининг Кўкшетов ва Петропавл уездларида, Тўрғай областининг Қўстанай уездида яшашди. Вақт ўтиши билан кичик улуслар рус халқи билан аралашиб, *ассимиляцияланиб* кетди.

Ундан ташқари Қозоғистоннинг барча шаҳарларида еврей миллатининг вакиллари яшаган. Улар асосан Оқмўла ва Сирдарё областларида жойлашди. Россиянинг европа қисмидаги еврейларнинг касб танлашига чек қўйилиши ва еврейларни йўқ қилиш воқеалари XX асрга қадар уларнинг Қозоғистон шаҳарларида уларнинг сони ўсишига олиб келди (1,6 мингдан ортиқ киши).

Хуллас, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатидан бошланган бошқа халқларнинг Қозоғистон ерига кўчиб ўтиш жараёни – XVIII–XX асрнинг бошида ўлканинг миллий таркибида катта ўзгаришларга олиб келди.



1. Рус, украин ва бошқа диаспоралардан чиққан қандай шахсларни айтиб бера оласиз?
2. 1897 йили Умумроссия халқ саноғи манбалари бўйича Қозоғистонда бошқа яна қандай этнос вакиллари бўлган?
3. Қўшимча манбалардан фойдаланиб, ўзларингиз яшаётган область, ҳудуд, овулдаги йирик диаспораларни, уларнинг сони ва жойлашган ҳудудини кўрсатинг.
4. Қозоғистондаги барча диаспора вакиллари орасидаги тинчлик тотувлик тўғрисида мақол ва маталлар айтинг.
5. Республикадаги турли миллат вакилларининг тинч тотув яшаётгани қозоқ халқининг кенг феъллиги орқасида эканлигини исботланг.



**Моноэтник таркиб** – таркиби фақат этник гуруҳдан иборат миллий таркиб.

**Ассимиляция** – бир халқнинг иккинчи халқ билан аралашиб, халқ сифатида сингишиб кетиши.

**Жикчиллар** – православие динидаги оқим. Жикка бўлиниш, эл орасида диний бузғунчилик ишларини олиб бориш.



**Адольф Янушкевич (1803–1857)** – поляк халқининг атоқли демократ революционери.

### **Ижодий топшириқлар.**

**1-топшириқ.** «Бир шанғироқ остида» мавзусида 200–250 сўздан иборат эссе ёзинг.

*Калит сўзлар: толерантлик, полиэтник таркиб, конфессия, жамият, мамлакат.*

**2-топшириқ.** Қўшимча манбалардан фойдаланиб, Қозоғистон ҳудудидаги халқнинг этник таркибининг ўзгариш давларини тадқиқ қилинг.



«Азалдан яшаб келаётган деҳқон билан казакларнинг умумий хусусиятлари ажралиб туради. Уларни бир биридан кийимларига қараб ажратса бўлади. Казакларнинг кўпчилиги киядиган қирғиз (қозоқ) чакмонини деҳқонларнинг устидан кўришга бўлади... Казаклар билан деҳқонларнинг орасидаги муносабатларнинг бир бири билан яқин эканлигини билдирмайди. Диний жикчилларнинг, эски диний ишонч эътиқоддагиларнинг овуллари бир биридан алоҳида жойлашган. Улар ўзларича алоҳида ҳаёт кечирган. Кейинги йиллари Харьков, Полтава, Киевдан ва бошқа губерниялардан келган малороссияликлар асосан Оқмўла ва Отбосар уездларига жойлашган. Уларнинг деревняларининг девори ғиштдан солиниб, оҳак билан оҳакланган, тепаси сомон аралаш қамиш билан ёпилган уйларига қараб билса бўлади. Улар кўчиб келган руслардан алоҳида бўлганни ҳоҳлар эди.

Мустамлака ўлкадан кўчиб келган немислар (менонитлар, баптистлар ва бошқалар), шунингдек эстонлар ва латишлар Оқмўла областида XIX асрнинг 90 йилларида пайдо бўлди. Уларнинг бир қатори Омбига яқин жойда ўзлари

ижарага олган жойларда, бир қисми эса Оқмўла уездидаги Преображенский, Романовский, Канкринский посёлкаларида яшаган, руслар билан аралашмаган. Улар бир бири билан чиқиша олмагани шунчалик, Романов посёлкасида қуролли қўзғолонгача борган. Шунинг учун подшо ҳукуматининг маҳаллий бошқарувчилари русларни уердан бошқа жойга кўчиришга мажбур бўлди. Поляк, еврей, сартлар шаҳарларда туриб, савдо сотиқ билан ва бошқа коммерция ишлари билан шуғулланди. Бошқурдлар ва қалмоқлар баъзида Урал ва Тўрғай областларидаги деревняларда туриб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишди...»

*Россия. Ватанимизнинг тўлиқ географик тавсифи.  
Русларнинг қўлидан тушмайдиган ва йўлга чиққанда олиб  
юрадиган китоби. Редакциясини кўрган Семенов П.П.  
Қирғиз ўлкаси. СПб., 1903, 17 том, 198–199 бетлар.*

**?** Шаҳарларда асосан қайси миллат вакиллари яшади? Ҳозир бу ҳолат ўзгардими?

15–16-§

## КЕНГАШ ДАВРИДА ПОЛИЭТНИК ЖАМИЯТНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ

**Ўқиш мақсади:**

- ✓ Қозоғистоннинг этник таркибининг ўзгариш жараёнини тушунтириш учун «депортация», «махсус кўчирилганлар», «полиэтник жамият», «миллий сиёсат», «интернационализм» тушунчаларини фойдаланиш;
- ✓ Қозоғистонда халқнинг этник таркибининг ўзгариш даврини ўрганиш;
- ✓ Кенгаш даврида Қозоғистон этносларининг ўзаро маданий алоқалари хусусиятларини тушунтириш.

## Таянч сўзлар:

| Ўзбекча          | Қозоқча             | Русча                   | Инглизча           |
|------------------|---------------------|-------------------------|--------------------|
| Полиэтник жамият | Полиэтникалық қоғам | Полиэтническое общество | Polyethnic society |
| Миллий сиёсат    | Ұлттық саясат       | Национальная политика   | National politics  |

### Мавзуга ўтиш:

... Ардоқлаб онасини, ҳурматлаб доносини,  
Бағримизга босганмиз барчанинг боласини.  
Тотувлик, дўстликнинг муқаддас бешиги –  
Меҳрибон Улуғ Ватан, қозоқнинг даласи!

*1992–2006 йиллардаги Қозоғистон Республикасининг  
Мадҳиясидан парча*

1. Бу парчани мавзу билан қандай боғласа бўлади?
2. Нима учун Қозоғистонда 130 дан ортиқ миллат вакиллари туради?

**1. XX асрнинг 20-йилларидаги Қозоғистон халқи.** 1917 йили халқ саноғи олиб борилиб, саноқ бўйича ўлка халқининг сони 6,2 млн одамни ташкил қилди. 1897 йилги халқ саноғи билан солиштирганда халқнинг сони бир қанча ўсганлиги сезилади. Республикада кундан кунга турли этнос гуруҳ вакиллари сони ҳам ўсиб борди. Славян этнос вакиллари, асосан, шимолий, шимоли-шарқий областларда ҳаёт кечирди. Шу йиллардаги демографик аҳвол кўрсаткичи бўйича мамлакатимизда маҳаллий қозоқ миллатининг вакиллари кўпчиликни ташкил қилди. Шундай бўлишига қарамасдан, уларнинг умумий улуши 58% га камайган эди. Унинг сабаби, аввало болалар ўлимининг кўплиги, халқнинг табиий ўсишининг пастлиги ва уруш оқибатида ўрин олган оғир зардобларнинг таъсири бўлди.

1920 йили 26 августда Қозоқ (*Қирғиз* – авт.) АКСР ташкил топди. Янги автономиянинг пойтахти қилиб Оренбург шаҳри бекитилди. Қозоқ КСР и таркибига Семей, Оқмўла, Тўрғай ва Урал губерниялари, Манғишлоқ уезди, Красноводск уездининг, Каспий областининг ва Астрахан губерниясининг, шунингдек,

Бўкей ўрдасининг бир қисми кирди. 1920 йили 22 сентябрда қозоқ автономиясига Оренбург губерниясининг бир қисми қўшилди. Қозоқ автономиясининг умумий майдони 2209103 км ни ташкил қилди.


**Аниқланг!**

Нима учун 1925 йилгача «қозоқ» атамасининг ўрнига «қирғиз» атамаси қўлланиб келинди?

1920 йили Фуқаролар урушидан кейин илк кенгаш халқ саноғи юргизилди. Бу саноқ натижаси бўйича автономияда шу вақтда 2947616 киши яшаган, уларнинг 91% и овул жойларда, қолгани – шаҳар ва шаҳар типигадаги посёлкаларда яшаган. «Оқлар» ва «қизиллар» орасидаги қарама қаршилиқлар баъзи жойларда босилмагани учун, бу саноқ Қозоғистоннинг барча ҳудудларини қамраб олди. Бошқа миллат вакиллари сонининг кўпайишига боғлиқ халқ таркиби катта ўзгаришларга учради. Миллий сиёсатда *интернационализм* тушунчаси пайдо бўлди.

Фуқаролар урушидан кейин озиқ овқат развёрсткасининг (тақсимоти) натижаси, хўжалик инқироzi, очарчилик оқибати 1917–1920 йиллари оралиғида халқ сонининг камайиб келишига олиб келди.

**2. Туркистон автономия кенгаш социалистик республикаси: аҳоли сони ва миллий таркиби.** 1918 йили 30 апрелда кенгашларнинг Умумтуркистон 5 съездида «Туркистон Кенгаш Республикаси» тўғрисида қоида қабул қилинди. Республика Россия Кенгаш Федерациясининг таркибига кирди. Сирдарё ва Еттисув



«қозоқ» областлари деб аталди. 1920 йилги саноқ бўйича Туркистон АКССР халқи 5 221 963 кишини ташкил қилди. Қозоқларнинг кўпчилик қисми Сирдарё ва Еттисув областларида жойлашди.

**3. 1924–1925 йиллари Қозоғистоннинг маъмурий чегараси. ҚозАКСР ининг полиэтник таркибининг 1926 йили ўзгаришга учраши.** 1924 йили Ўрта Осиё республикаларини миллий ҳудудларини парчалаш натижасида Қозоғистоннинг жанубий чегаралари ўзгарди. Туркистон АКСР и таркибидан Еттисув ва Сирдарё областлари, Қорақалпоқ автономия области ҚозАКСР га киритилди.

Жанубий областларни қўшиш натижасида Қозоғистон ҳудуди кенгайди. Қозоқ АКСР и иттифоқдош республикалар орасида майдони жиҳатидан иккинчи ўринни эгалади (*РКФСР дан кейин* – авт.). Қозоғистон майдони 2722,1 минг чақиримни ташкил қилди. Жанубдаги иккита областни Қозоқ автоном республикасига қайтариш қозоқ ерларини бирлаштиришни ниҳоясига етди.

1925 йили апрелда Оренбург губернияси Қозоқ автономияси таркибидан чиқарилди. Республика пойтахтини Оренбург шаҳридан Оқмачит шаҳрига кўчириш ва Оқмачитга Қизилўрда номини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ҳокимият тепасига большевиклар келгани билан, Россиянинг европа қисмидан Рус деҳқонларининг кўчиб келиши давом этди. Қозоғистон халқининг 91 % и овул жойларда яшади.

1926 йили Умумиттифоқ халқ саноғи ўтказилди. Қозоғистоннинг демографик кўрсаткичи халқ саноғининг натижаси маълумоти бўйича 6 198 467 кишини ташкил қилди. Полиэтник республикамизда 86

**Таҳлил қилинг!**  
Ҳозирги кундаги овулдан шаҳарга кўчиш жараёни билан таққослаб, таҳлил қилинг.

миллат ва миллий гуруҳлар ҳаёт кечирди. Қозоқларнинг халқ таркибидаги улуши – 58,5%, руслар – 20,6%, украин – 13,9%, ўзбеклар – 2,1% ини ташкил этди. Қозоқлар асосан Сирдарё, Урал, Оқтўбе ва Еттисув губернияларида яшаган. Қўстоной ва Оқмўла губернияларида украинлар кўпроқ жойлашди.

**4. 1937 ва 1939 йилги халқ саноқлари бўйича Қозоғистон халқининг сони ва миллий таркиби.** 1928 йили бойларни мусодара қилиш, сиёсий қатағонлик, 30 чи йиллардаги очарчилик умум халқ сонининг, айниқса қозоқларнинг камайишига олиб келди. Очарчилик вақтида республика 2 миллионга яқин маҳалий аҳолидан жудо бўлди.

### **Ўйлаб кўринг!**

Нима учун халқ сонининг камайиши миллат вакилларининг «кўчиб кетиши билан» боғлиқ деб тушунтирилди?

1937 йили халқ саноғи буйича 5,1 млн киши рўйхатга олинди. Унинг ичида қозоқлар – 42,6%), руслар – 37,4%, украинлар – 10,7% кишини ташкил қилди. 1937 йили 6 январь куни ўтказилган 1 кунлик саноқ натижаси тўғри эмас деб топилиб, маълумотлари махфий сақланиб, йўқотилди. Халқ сонининг камайиб кетишини кўчиб кетган бошқа миллат вакиллари сони билан тушунтирган. Бу саноқ материаллари эълон қилинмай КСРИ архивларида сақланиб қолди. Саноқ юргизганларнинг бир қатори қувғин сургунга учраб, кўпчилиги отилди. Бу саноқ материаллари эълон қилинмай, узоқ вақт бўйи КСРИ архивларида сақланиб қолди.

1939 йилги саноқ буйича республикадаги қозоқлар сони 2,3 млн киши бўлди. Қозоғистонда этносларнинг янги шароити шаклланди. Миллий таркибдаги қозоқларнинг улуши 37,8% ни ташкил қилди. Умумий халқнинг улушида руслар 40% га етди.

**5. Иккинчи жаҳон урушидаги халқлар депортацияси.** XX асрнинг 30–40 йиллири КСРИ раҳбарлари халқларни республика ҳудудига депортациялаш, кучлаб кўчиришни амалга оширди. 1936 йили «махсус кўчиб келувчилар» деб аталганларнинг сони 360 минг кишига етди. 1936 йили Қозоғистонга Украинанинг ғарбий районларидан 15 минг поляк ва немис оилалари сургун қилинди.



Герольд Бельгер

Сиёсий қатағонликка учраган халқ вакиллари қозоқ ерида ерида ўз ватанини топди. Шулардан бири атоқли ёзувчи Герольд Бельгер Шимолий Қозоғистондаги Есил дарёси бўйида бўйида жойлашган кичик овулга кўчирилган немис оиласида ўсди.

### **Аниқланг!**

Нима учун Қозоғистонга бошқа миллат вакиллари зўрлаб кўчирилди?

1937 йили узоқ Шарқдан корейс халқи мажбурлаб кўчирилди.

Туркия ва Эрон чегараларига яқин жойлашган миллатларга ишончсизлик кучай-



Қозоғистонга  
мажбурий  
кўчирилганлар



ди. 1937–1938 йиллари Кавказ чегара аймақларида турадиган курд, эрон, оссурияликлар ва турклар «шубҳали халқлар» деган ном билан кўчирилди.

1937 йилнинг охирида Озарбайжон, Арманистон КСР и давлатларидан 1121 курд, арман, турк оилалари Қозоғистонга кўчирилди. Уларни, асосан, Марказий Қозоғистон ва Алмата областларининг овулларига жойлаштирган. 1938 йилнинг октябрь

Мажбурлаб  
кўчирилган  
корейс болалари



– ноябрь ойларида Озарбайжондан шу областларга эронлик 2000 оила кўчирилди.

КСРИ ХКК қарори билан 1940 йили 18 октябрда Қозоғистонга Украинанинг Ғарбий районларидан – 6478, Ғарбий Белоруссиядан – 203 поляк оилалари ва Бессарабиядан – 8 минг одам кўчирилди.

**6. Уруш йилларидаги кенгаш ҳукуматининг депортация сиёсати ва Қозоғистоннинг полиэтник таркибидаги ўзгаришлар.** Улуғ

**Ўйлаб кўринг!**

Кўчириб келинган миллат вакиллари нима учун кўпроқ Қозоғистон ерига кўчирилди?

Ватан уруши арафасида Қозоғистоннинг этнодемографик аҳволида катта ўзгаришлар рўй берди. Қозоғистонга юзлаган кишилар кўчириб келтирилди. Умумий уруш йиллари 61 миллат мажбурлаб кўчирилди.

КСРИ га ҳужум қилган «фашистик Германия аскарларига ёрдам бериш мумкин» деган баҳона билан 1941 йили сентябрь ойида депортацияни илк бор немисларни кўчиришдан бошланди. 1939 йилдаги саноқ бўйича Қозоғистонда 92 минг немис миллатининг вакиллари рўйхатга олинса, уруш йиллари 462 минг немис мажбурлаб кўчирилди.

1941 йилнинг охиригача Қозоғистонга 420 минг немис сургун қилинди. Улардан 30 минг немис – Алмата областига, 60 минги – Оқмўла областига, 30 минги – Караганда области, 40 минги Қўстоной области, 50 минг киши эса – Шимолий Қозоғистонга жойлаштирилди.

Кўчиб борганлар кўпчилиги овул жойларга жойлаштирилди. Чунки уларга кўчиш вақтида уй жой, мол мулкни ташлаб, ўзлари билан бирга фақат муҳим нарсаларнигина олиб кетишга рухсат берилди. Немис миллатидан бўлган кишилар армиядан четлатилди. Немис халқи республиканинг область марказларига кўчирилиб, уруш вақтидаги меҳнат колонияларида, МТС ларда, колхоз ва совхозларда меҳнат қилишди.

Кўчирилган халқнинг орасида ўлим кўп бўлди. Касаллик ва очлик тез тез бўлиб турди. Ҳужжатлари бўлмагани учун одамлар бир овулдан иккинчи овулга бора олмадилар. Комендатура назоратида бўлиб, барча ҳуқуқлари ман этилди. Қозоғистоннинг ғарбий комиссариати орқали меҳнат армиясига 700 минг киши

юборилса, уларнинг қаторида қозоқларнинг сони 200 минг кишига етди. Масалан, 1942 йили қишда Магнитогорск металл эритиш печларида 10 мингга яқин қозоқ миллатидан ишчилар ишлаган. Меҳнат армиясидаги одамларнинг ҳаёти жуда ҳам оғир эди. Меҳнат армиясига чақирилганларнинг кўпчилиги овулдан чиққан кишилар эди, уларни қора ишларда фойдаланди.

1943 йили 12 октябрда Қорачай автоном области тарқатилиб, қорачайлар мажбурлаб кўчирила бошлади. Облаstdан 14 774 оила, умумий 69 2267 киши депортацияланди.

1943 йили *Едил қалмоқлари* элимизнинг шарқий, шимолий ҳудуддарига ва Уралга кўчирилди. Умумий 99 252 киши кўчирилиб, унинг 648 оиласи ёки 2 268 кишиси Қизилўрда областига жойлаштирилди.

1944 йили 31 январда Давлат Мудофаа Комитети қарори билан Қозоқ КСР ва Қирғиз КСР ерига чечан ва ингуш халқларини кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу халқларни кўчириш 1944 йили 23 февралда бошланди. Чечан-Ингуш АКСР тарқатилди. Архив ҳужжатлари бўйича 1945 йили октябрь ойида республикага 403 375 киши, яъни 89 901 оила кўчирилди.

**Ўйлаб кўринг!**

Кўчиб келган миллат вакилларини қозоқлар қандай қарши олди?

**Ижодий иш билан шуғулланинг**

Депортациянинг турли соҳаларида қандай из қолдирганини аниқлаб, фикрингизни икки мисол билан яқунланг.

| Сийсий соҳа | Ижтимоий соҳа | Маданий соҳа |
|-------------|---------------|--------------|
| Хулоса      | Хулоса        | Хулоса       |
| 1. ...      | 1. ...        | 1. ...       |
| 2. ...      | 2. ...        | 2. ...       |

Давлат Мудофаа комитетининг 1944 йилги қарори билан Қозоғистонга балқарлар, месхети турклар, курдлар кўчирилди.

1946 йили кўчиб келганлар сони 2 463 940 одам, унинг ярми-си (1 миллион 200минг одам) Қозоғистонга кўчирилди.

Депортацияланган миллат вакилларига ўзлари билан бирга 200 кг дан ортиқ юк олиб келишга рухсат бермади. Ўз ерларида қолган уй жойлари, мол мулкани маҳаллий ҳукумат органларига ўтказиб, янги ерда у учун ёрдам ҳақи олишди. Бироқ иш юзасидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмади. Кўчирилган халқнинг аҳволи оғир бўлди, уларнинг моддий эҳтиёжларига боғлиқ масалалар ечимини топмади, шароит яратиб берилмади. Маҳаллий ҳукумат органлари томонидан озиқ овқат ва бошқа харажатлар берилмади. Совуқдан, очликдан ва касалликдан кўплаган одам қирилиб кетди. 1944–1948 йиллари оралиғида 101 036 чечан, ингуш, балқар миллат вакиллари қазо топди. Келган 462 минг немис миллат вакиллари уруш сўнгида 330 мингтаси қолди.

Кенгаш ҳукуматининг миллатлараро сиёсатига қарши норозиликлар келиб чиқди.



**7. 1959 йилги Умумиттифоқ саноқ бўйича халқнинг полиетник таркиби.** Сиёсий қатағонлик, Иккинчи жаҳон уруши даврида республика 600 мингга яқин одамидан жудо бўлди. Урушдан кейинги йиллари республика халқининг сони ўз ҳолига кела бошлади. Аҳолининг табиий ўсиши рўй бериб, айниқса 50 йилларнинг ўртасида КСРИ нинг иттифоқдош республикалардан кўриқ ўзлаштириш учун келган кишилар ҳисобига кўпайди.

Кенгаш халқининг миллионлаган одамга камайишига боғлиқ халқ саноғи фақат 1959 йили ўтказилди. 1959 йил саноқ бўйича республика ҳудудидаги аҳоли сони 9, 3 млн кишини ташкил қилди.

**8. 1970–1989 йиллардаги халқнинг миллий таркибидаги ўзгаришлар.** 1959–1970 йиллари Қозоғистонга кўчиб келувчилар сони озайиб, миллий таркибида қозоқларнинг улуши кўпайди.

1950 йиллар охири – 1960 йилларнинг бошида республикадаги бола туғилиши кўрсаткичи иттифоқ кўрсаткичидан икки ҳисса юқори турди. Шунингдек, халқ ўлими ва бола ўлими камайди. Медицина хизмат кўрсатиш яхшиланди. Қозоғистон халқи 13 м миллион кишини ташкил қилди.

1970–1989 йиллари Қозоғистондаги қозоқларнинг асосий этно демографик тавсифи: халқ очликдан ва 30-йиллардаги сиёсий қатағонликдан аста секин ў уз ҳолига кела бошлади. Қозоғистоннинг барча областларида қозоқлар сони кўпайди. Узоқ йиллар мобайнида шимолий ва шарқий ҳудудларида озчиликни ташкил қилган қозоқларнинг улуши ортди.

Қозоғистондаги купчиликни қозоқлардан кейин руслар ташкил қилди. 1970 йили – 42,4%, 1979 йили – 40,8%, 1989 йили – 37,8% ни ташкил қилди. Сони жихатидан кўрсаткич юқори булгани билан, республикадаги умумий халқ сонининг таркибида фоиз улуши пасайганини кўрамиз.

Украин халқининг сони 1959 йилдан камая бошлади. 1970 йили саноқ бўйича 933 минг украин (7,2%) рўйхатга олинса, 1979 йили халқ саноғи бўйича – 898 минг одам (6,1%), 1989

**Жуфт билан ишлаш!**  
1970–1989 йиллардаги Қозоғистондаги этно-демографик ахвол буйича шу даврдаги ўлканинг иқтисодий ахволига қандай баҳо берасизлар?

**Қозоқ халқининг 1959–1989 йиллар оралиғидаги  
демографик кўрсаткичи**

| 1959               | 1970               | 1979             | 1989               |
|--------------------|--------------------|------------------|--------------------|
| 2,8 млн<br>(29,8%) | 4,2 млн<br>(32,6%) | 5,3 млн<br>(36%) | 6,5 млн<br>(39,7%) |

йили бу курсаткич – 896 минг одамни (5,5%) ташкил қилди. 1970–1989 йилларда украинлар сони 1,3 хиссага камайди. 1979 йилги халқ санағи бўйича – 898 минг одам (6,1%), 1989 йили бу кўрсаткич – 896 минг одамни (5,5%) ташкил қилди. 1970–1989 йиллари украинлар сони Қозоғистондан қайта кетиш ҳисобидан 1,3 хиссага камайди.

XX асрнинг 30–40 йиллари кенгаш ҳукуматининг қарори билан кўчиб келганлар билан маҳаллий аҳоли орасида ўзаро маданий муносабатлар ўрнатилди. Бу кундалик ҳаётда ҳар томонлама кўриниб турар эди. Кўчиб келганлар қозоқ тилини ўрганди, қозоқ халқининг урф одатлари билан танишиб, миллий таом ва кийим кийиш одатларини қабул қила бошлади. Ўз навбатида маҳаллий қозоқлар янгидан кўчиб келганларнинг мусиқалари билан танишиб, таом тайёрлаш, боғдорчилик ва полизчилик усулларини ўрганишди.

- ?** 1. Областларга миллатларнинг кўчиб келиш хусусиятларини аниқланг.
- 2. Турғунлик йилларида нима учун овул халқи шаҳарга кўчиб келди?
- 3. Кенгаш ҳукумати даврида республикалар миллий сиёсатни юргиза олармиди.

**\*** **Миллий сиёсат** – бир давлатда яшайдиган турли хил этносларнинг, этник гуруҳлар ва диаспораларнинг орасидаги муносабатларни тартибга келтириш.

**Полиэтник жамият** – бир неча этник ва миллий гуруҳлардан, диаспоралардан иборат жамият.

**Депортация** (лот. – қувиш) – 1920–1940 йилларда ёппасига сиёсий қатағонлик даврида КСРИ-нинг бир қатор халқлари тарихий

маконлаган ерларидан ҳайдалди. Депортация оғир жиноятлар ҳисобланади.

### **Ижодий топшириқлар.**

**1-топшириқ.** Қўшимча материаллардан фойдаланиб, XX асрнинг 30–40-йилларида Марказий Осиёнинг қайси давлатларига қандай миллат вакилларининг сургун қилинганлигини (сон маълумотлари) аниқланг.

**2-топшириқ.** Қўшимча материаллардан фойдаланиб, «Қозоғистонга кўчирилган немисларнинг тақдири» мавзусида кичик эссе ёзинг.



Юзлаган чечанлар ва ингушлар Эмби корхонасида, тоғли Олтой, Қўнғирот, Текели конларида ишлади. «Ишчи колонналарининг» меҳнат шароити тўғрисида НКВД Челябинск металлургия қурилиши лагери тутқунларининг бири кейин шундай деб эслайди: «1942 йили 9 февралда комбинат қурилиши майдонига 25 мингдан кўп ишга чақирилган кенгаш немислари келди...»

Шу орада биз музлаган ердан ер тўлалар қаздик, даладан сал илиқ бўладиган ва тунда кўрпалари нам полга ёпишиб қолар эди. Хар куни эрталаб «Подъем» (туринглар) ва «бегом» (югуринглар) буйруғи билан чамаси келганлар ювиндига ўхшаш суюқ «баланда» ейишга шошар эдик...»

*Қозоғистон тарихи (қадимги замондан бугунги кунгача).  
Беш томлик. 4-том. – Алмата 2010, 512 бет.*



Қўшимча материаллардан фойдаланиб, меҳнат армиясидаги кўчиб келганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳволини аниқланг.

**Бешинчи боб**  
**ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЭТНОСЛАРАРО**  
**МУНОСАБАТЛАРДАГИ СИЁСАТИ**

**17–18-§**

**Қозоғистон Республикасининг**  
**кўчиб қўниш сиёсати**

**Ўқиш мақсади:**

- ✓ кўчиб қўниш сиёсатини аниқлаш учун «кўчиб қўниш», «эмиграция», «иммиграция», «репатриант», «диаспора», «ирридента» тушунчаларини фойдаланиш;
- ✓ Қозоғистондаги қонуниятнинг ва давлат дастурларининг асосида кўчиб қўниш сиёсатининг асосий йўналишлари ва босимликларини тушунтириш.

**Таянч сўзлар:**

| Ўзбекча    | Қозоқча    | Русча      | Инглизча    |
|------------|------------|------------|-------------|
| Диаспора   | Диаспора   | Диаспора   | Diaspora    |
| Репатриант | Репатриант | Репатриант | Repatriate  |
| Ирридента  | Ирредента  | Ирредента  | Irredent    |
| Иммиграция | Иммиграция | Иммиграция | Immigration |
| Эмиграция  | Эмиграция  | Эмиграция  | Emigration  |

**Мавзуга ўтиш:**

1. «Кўчиш-қўниш» деган тушунчани қандай тушунасизлар?
2. Қозоғистоннинг кўчиш-қўниш сиёсати тўғрисида нима биласизлар?



1. Мустақил Қозоғистондаги кўчиб-қўниш сиёсатининг хусусиятлари. Кўчиб-қўниш – мамлакат халқининг сонига, миллий таркиби ва жойлашувига, табиий ўсиш жараёнларига таъсир этадиган муҳим факторлардан бири ҳисобланди. Шу билан бирга кўчиб-қўниш давлатимиздаги қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ўзаро улуш салмоқ ўзгаришларида, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ва миллий хавфсизлик томонидан муҳим роль ўйнади. Кенгаш даврининг сўнгги йилларида республиканинг миллий таркибида қозоқларнинг улуш салмоғи жуда ҳам паст эди. 1979 йили Умумиттифоқ халқ саноғи бўйича республикада маҳаллий миллат вакилларининг улуши 36% нигина ташкил қилди.

#### Ўйлаб кўринг!


«Кўчиб келиш тўғрисидаги» қонунни нима учун қабул қилиш керак бўлди?

Шунинг учун ҳам Қозоғистон мустақиллик олгандан кейин ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитнинг хусусиятларига қараб, кўчиб-қўниш сиёсатини олиб боришга фаол иштирок этди. Аввало, чет элда яшайдиган этник қозоқларнинг миллий бирлашиши ва тарихий ватанига қайтариш учун кўчиб қўниш сиёсатини олиб боришга фаол равишда киришиб кетди. 1992 йили 26 июнда ватандошларимизнинг мустақил элимизга кўчиб келишининг ҳуқуқий асосларда ишлаб чиқилган «Кўчиб келиш тўғрисида» қонун қабул қилинди.

1997 йили 13 декабрда қабул қилинган «Халқнинг кўчиб-қўниш тўғрисидаги» қонунда кўчиб келиш тизимини етилтириш, этник қозоқларни Ватанига қабул қилиш тартиби ва фуқаролик олиш имкониятлари қараб чиқилди. «Халқнинг кўчиб-қўниш» қонунида «*репатриант*» (ўролмонлар) деб танилган одамларнинг ҳуқуқий мартабаси аниқланган.

Концепциянинг асосий қоидаси бўйича инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини сақлаш: насли, тили, дини, ижтимоий ва этник келиб чиқиши, кўзқараши, сиёсий ишонч эътиқоди белгилари бўйича камситишга йўл бермаслик чоралари назарда тутилган.

2017 йили «Қозоғистон Республикасида 2017–2021 йилларга мўлжалланган миграцион сиёсат» концепцияси қабул қилинди.



Кўчиб қўниш сиёсатининг сиёсатининг асосий қоидаларида, аввало чет элда турадиган ватандошларимизни қайтиб келишига, янги ўртага ўрганишига (адаптация) йўналтирилган чоралар кўрилди. Қозоғистон Республикасининг Конституцияси бўйича ҳар бир фуқаронинг Республикадан бошқа жойларга кетишга ва ҳеч қандай тўсқинликсиз қайтиб келишига ҳуқуқи бор.

**2. Кўчиб-қўниш жараёнларининг асосий даврлари.** *Биринчи даврда* (1991–2003 йиллар) кўчиб-қўниш республика ҳудудидан баъзи бир аҳолиларнинг кўчиб кетиши билан боғлиқ бўлди. Давлатимиздаги европа миллатига хос вакиллари ўз тарихий ватанларига кўчиб кета бошлади. КСРИ парчалангандан кейинги илк йиллардаги ижтимоий иқтисодий инқироз, ишлаб чиқаришнинг парчаланиши кўплаган миллат вакиллари, шунинг ичида руслар – Россияга, поляклар – Польшага, немислар – Германияга ва бошқа давлатларга кўчиб кетиши натижасида республикада этнослар сонининг камайиши ўрин олди. Бу аҳвол республика аҳолиси сонининг камайишига, меҳнатга яроқли етук кадрлар камайиб кетди. Шунингдек, ишсизлик ўсиб, оилаларда ажрашиш ҳоллари кўп ўрин олди. Халқнинг табиий ўсиши ва бола туғилиш кўрсаткичи пасайди, ўлим кўпайди.

Шу йиллари республика халқининг сони 16 793, 1 мингдан 14 886,8 мингга камайди. Ташқи кўчиб қўнишнинг юқори че-

гараси 406,7 минг кишини ташкил қилди. Давлатдан 811,3 минг одам кўчиб кетди. 1991–2008 йиллари республикадан умумий 3,5 млн одам кўчиб-қўниш ҳаракатига тушди. Шунингдек, кўпчилиги Россияга – 1 550 минг, Украинага – 52,6 минг, Белоруссияга – 39,7 минг одам кўчиб кетди. Қозоғистондан аҳолининг кўчишининг асосий сабаби, 90 йиллардаги иқтисодий инқироз битта сабаби бўлса, бошқа сабаби, фуқароларнинг ўз она ватанига қайтиш мақсадидир. Шунингдек, психологик факторлар ҳам таъсир қилди, масалан, кўплаган кишилар тарихий ватанида яшаётган қариндошлари билан алоқалари узилиб, фуқаролик олишда муаммолар вужудга келишидан чўчишди. Шунинг учун ҳам улар тезроқ ўз тарихий ватанларига тезроқ кўчиб кетишга шошилишди. Мана шундай масалаларни эътиборга олиб, Элбошимиз Н.А. Назарбоев 1996 йили МДХ Саммитида «Оддий одамларга 10 оддий қадам» лойиҳасини таклиф қилди. Буни амалга оширишда фуқаролик олиш бўйича енгилликлар, чегарада фуқароларимизнинг, юкларини, товарларини олиб ўтказишда, ахборот олиш бўйича алоқа воситалари ва бошқа масалалар қараштирилди.

2004 йилдан бошлаб кўчиб қўниш жараёни пасайиб, халқ сонининг ўсиши бошланди. Бу табиий ўсиш бўлиб, асосан, муслмон туркий халқларда (қозоқ, ўзбек, тожик, қирғиз, озарбайжон, турк, туркман, уйғур, дунган, тожик) сезилди. 2004–2009 йиллари республика халқининг сони 826,9 минг одамга кўпайди. 2020 йили Қозоғистон Республикаси аҳолисининг сони 19 миллионга яқинлади.

**3. Ички кўчиб-қўниш хусусиятлари.** Мустақиллик йиллари ички кўчиб қўнишнинг асосий қисми овул жойлардан катта шаҳарларга кўчиш билан давом этди. Меҳнат мигрантларининг кўпчилиги қозоқ ёшларидан иборат эди. 1994 йилдан 1998 йилгача овул округларининг сони 2522 дан 2042 га қисқарди. Колхозлар ва совхозлар тарқатилиб, овул инфратузилиши ўзгаришга учради. Ишсизлик кучайди.

Иқтисодий инқироз натижасида шаҳарларнинг пайдо бўлиб, ўсиб ривожланишига йўл очган, завод, фабрикалар тўхтаб

қолди. 1989–1999 йилларда кичик шаҳарларда аҳолининг сони камая бошлади. Масалан, Лениногорск – 13,7 минг, Зиряновск – 18,4 минг, Арқалиқ – 20,3 минг, шахтинск – 41,8 минг одамга қисқарди.

Шу йиллари халқимизнинг демографик ва ижтимоий ривожланиш туб бурилиш ва ўзгаришларга учради. Қозоғистон ҳукумати 2008 йили 2 декабрда кўчиб қўнишни бошқарув бўйича «Нурли кўч» давлат дастурини қабул қилди.

«Нурли кўч» дастурининг асосий мақсади чет эллардаги қариндошларимизни ва давлатимизнинг жанубий қисмидан ши-

#### **Аниқланг!**

«Серпин» дастурига қандай мақсад қўйилган?

молга қозоқларни кўчириш эди. Бола туғилиш кўрсаткичи ва ишчи кучи кам жойларда кадр масаласини ҳал этишда «Серпин» ўқув дастури муваффақиятли амалга оширилиб, катта аҳамиятга эга бўлди.

2014 йилдан бошлаб «Серпин» умуммиллий лойиҳаси олиб борилади. «Серпин» лойиҳаси бўйича кадрлар тайёрланиб,

#### **Фикрингиз зарур!!**


Ички кўчиб қўнишни бошқа хусусиятлари тўғрисида нима айта оласиз?

меҳнат ресурслари кўп ҳудудлардаги ёшларни етишмайдиган соҳалар бўйича ғарбий ва шимолий ҳудудларга ўқишга тортади. «Нурли кўч» дастури борасида республика аҳолиси зич жойлашган жанубий област-

дан республикамизнинг шимолий ҳудудларига кўчириш сиёсати қўлга олинди. Ватанига ўралган қондошларимизни ҳам сиёсий ҳудудларга жойлаштириш чоралари олиб борилди.

**4. Чет эллардаги қозоқларнинг ўз Ватанларига қайтиши.** Жаҳон қозоқлари иттифоқдоши маълумотлари бўйича ХХ асрнинг 90-йиллари қозоқлар жаҳоннинг 40 давлатида яшайди. Уларнинг орасида 3 млн 137 минг қозоқ яқин чет элларда, 2 млн 529 минг қозоқ узоқ чет элларда жойлашган. Энг кўп қозоқлар Хитойда – 2 млн 260 минг киши, Ўзбекистонда – 1 млн 750 минг киши, Россияда – 1 млн 100 минг, Монголияда – 150 минг одам, Туркменистонда – 150 000 одам, Қирғизистонда – 95 000 одам, Афғонистонда – 30 000 одам, Туркияда – 15 минг киши жойлашган.

1991 йили февраль ойида республикага Монголиядан меҳнат квотаси бўйича 97 қозоқ кўчиб келди. Улар аввал Талдиқўрғон



областга жойлашди. 1991 йил август ойида 1492 оила Семей, Караганда, Павлодар, Қўстонай областларига жойлашди. 1991–1993 йиллари Қозоғистонга Монголиядан 60 мингга яқин одам кўчиб келди.

1993 йили қозоқларнинг ўз ватанларига қайтиши учун махсус квота белгиланди. Масалан, 2009 йили кўчиб келиш квотасида – 20 минг оила қараштирилди. Мустақиллик йиллари республикага 1,5 млн қозоқ қайтиб келди. Энг кўп қисми Ўзбекистон, Монголия ва Хитойдан келди.

**5. Жаҳон қозоқларининг қурултойи ва ватандошларимизнинг элимизга қайтиб келишининг аҳамияти.** 1991 йили республикада маҳаллий вакилларининг улуш салмоғи 40% дан иборат эди. Қо-



Туғилган ўлка билан кўришиш

зоқ халқининг камайиб кетишига сиёсий қатағонлик, мажбурий кўчириш, депортация, ўлкадаги очарчилик каби воқеалар таъсир қилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар қандай давлатнинг ички этнослараро барқарорлигини сақлаш учун маҳаллий миллат вакилларининг улуш салмоғи 75–80% бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан *иммиграция, ирридента, эмиграция* масалаларига алоҳида эътибор қилинди.

Қозоғистоннинг миллий хавфсизлиги, давлатдаги сиёсий барқарорликни таъминлаш, маҳаллий миллат вакиллари ва кўплаган *диаспораларнинг* ўзаро муносабатлари ва умумхалқ соҳидаги қозоқларнинг умумий улушининг ўсиши муҳим аҳамият касб этди. Бу масалада чет эллардаги қозоқ ватандошларимизнинг диаспораларининг ўз ватанига кўчиб келишига йўл очилиши, давлатга келиб жойлашиш имкониятларини олиши ечимини топган муҳим масалалардан бири эди. *Биринчидан*, тарихий ватанига кўчиб келиши демографик жараёнларни ҳал қилишнинг ечимини топган муҳим йўли бўлди. *Иккинчидан*, Қозоғистондаги ишчи кучини йўқотишга ёрдам берди. Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой, Тожикистон давлатларидан арзон ишчи кучининг келиши самарасиз эди. Шунинг учун уларнинг ўрнига этник қозоқларнинг келиши, топган даромадларини ўз элимизда ишлатиш ва солиқ тўлаш республика бюджети фондиди тўлдиради. *Учинчидан*, чет эллардаги қозоқларнинг ўз она Ватанига қайта ўралиши қозоқ тили мартабасини кўтарди. Ўзбекистон, Хитой, Монголия қозоқлари давлат тилини эркин ўзлаштирган. Россия қозоқлари она тилини ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда. *Тўртинчидан*, фаол кўчиб-қўниш оқими орқали тарихий адолатни ўрнатишга имконият оламиз. *Бешинчидан*, иқтисодий, маданий, спортдан ютуқларга қўл етказамиз. Ватандошларни элга кўчириш чиқинлари тўлиғи оқланади. Сўнгги маълумотлар бўйича ватанига қайта ўролганларнинг табиий ўсиши асосида ва кўчиб келиш квотасидан ташқари Қозоғистон Республикасининг ҳудудига ўзлари мустақил равишда келганларни қўшганда 1 миллиондан ортиқ одамни ташкил қилди. Ватандошларимиз элимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий, маданий, сиёсий

хаётида ўз улушларини қўшмоқда. Масалан, Ўзбекистондан келган ўролмонлардан бири – архитектор, Қозоғистон Республикаси Гербининг автори Жандарбек Малибеков. Туркиялик Халифа Алтай – Қуръонни араб тилидан қозоқ тилига илк бор таржима қилди.

Монголиялик турколог – олим Қаржаубай Сартқожаули – кўхна турк ёзувларини эркин ўқийдиган санокли тадқиқотчилардан бири эди. Мустафа Ўзтурк – таэквандодан жаҳон чемпиони.

Хитойдан она Ватанга келган Набижон Мухаммедханули «Маданий мерос» давлат дастури асосида хитой ёзма манбаларининг қадимги, ўрта асрлар ва янги замон тарихига боғлиқ бебаҳо маълумотларни қозоқ тилига таржима қилди. Ўзбекистондан кўчиб келган Бахт Сарсекбаев боксдан 2008 йили Пекин олимпиадасида ғолибликни қўлга киритган ягона қозоқ бўлди. Хитойдан кўчиб келган Майра Мухаммедқизи бугунги кунда «ЛА скала», «Гранд опера» каби жаҳонга машҳур опера театрларида хизмат кўрсатмоқда. Қозоғистонда рақс санъатининг ривожланишида жаҳонга машҳур Шуғила Сапарғалиқизи якка санъат марказини очиб, шогирдлар тарбиялаб, ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бугунги кунда чет элда яшаб келаётган қондошларимизнинг тарихий ватани – Қозоғистонга ўралиш масаласи давлат даражасида қаралиб, қонуний асослар ясалмоқда.

Элбоши Н.А. Назарбоевнинг бошчилигида, ҚР Президенти Қ.К. Тоқаевнинг қўллаб қувватлаши билан ватандошларимизни кўчириб олиб келишга барча шароитлар яратилиб, ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Йил сайин Қозоғистон Республикасининг фуқароси бўлмаган қозоқ миллати вакиллари учун олий ўқув юртларига белгиланган 2% миқдорда квота берилади.



Халифа Алтай



Мустафа Ўзтурк



#### Жахон қозоқларининг қурултойи

#### **Ұйлаб кўринг!**

Нима учун бошқа мамлакатлар қондошларини ватанларига қайтаришга унча эътибор бермаяпти?

1992 йили Алмата шаҳрида Жахон қозоқларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Жахон қозоқларининг ҳамдўстлиги ташкил қилиниб, унинг раислигига Н.А. Назарбаев сайланди. Қурултойнинг бош мақсади – қозоқларнинг этник-маданий бирлашуви эди. Жахон қозоқлари қурултойи ундан кейинги йилларда Туркистон, Астана (Нур Султон) шаҳарларида бўлиб ўтди.

Қурултой каби бош қўшишлар тарихий тақдир тақозаси билан жаҳонга ёйилиб кетган қондошларимизни ўз она ватанларига қайтаришга йўл очиб, уларга шароит яратиб бериш. МДХ давлатларининг орасида илк бор бизнинг давлатимиз чет элдаги қондошларини ўз она ватанларига қайтаришга катта имкониятлар яратиб берди. Чет элдаги ватандошларини ўз юртларига қайтишига ғамхўрлик ясаб ўтирган жаҳон бўйича учтагина давлат: Қозоғистон, Германия, Исроил давлатларидир.

Бу олиб борилган иш чоралар Қозоғистонни жаҳон ҳамжамиятида ўз миллатининг тақдирига ғамхўрлик ясовчи ва яна



минг йилликда тинчликсевар, гуманизмни шакллантирувчи давлат сифатида жаҳонга танитди. Илк бор 30 йил ичида қозоқларнинг улуш салмоғи 40% дан 70% га етди.

Қурултойлар қозоқларнинг янги даврдаги яхлит миллат сифатида бирлашувига йўл очиб берди. Йил сайин қурултой намунаси сифатида европалик қозоқларнинг кичик қурултойлари ўтказилади.

**6. Қозоғистондаги ҳозирги этнодемографик аҳвол.** Қозоғистондаги этнодемографик жараёнларга мувофиқ 1991–2003 йиллари халқнинг сони бирданига камайиб кетди, 2011 йили эса республика аҳолисининг сони 1991 йилги кўрсаткичга етди. Аҳоли сонининг бирдан тушиб кетишининг асосий сабаби, фуқароларнинг чет элларга кўчиб кетиши эди. Улар Қўстонай, Шимолий Қозоғистон, Павлодар, Караганда, Шарқий Қозоғистон областларидан кетиб, шу ҳудудларда халқнинг сони камайиб кетди.

**Аниқланг!**

Эркакларга қараганда аёлларнинг фоиз улушининг кўп бўлишининг сабабларини аниқланг.

Бугунги куни республика аҳолиси қаторида аёлларнинг эркаклардан босим кўрсаткичи сақланиб келмоқда. Европа миллат вакиллари қаримоқда, ёшлари эса Қозоғистондан ташқаридаги бошқа давлатларга ишга ёки ўқишга кетмоқда. Республика аҳолисининг кўпроқ қисмини қозоқлар ташкил қилмоқда.

Қозоғистонда ҳудудий жойлашувда ўзгаришлар сезилади. Овул ёшлари шаҳарга келмоқда. Кўчиш оқими асосан Нур Султон, Алмата, Шимкент шаҳарларига яъни аҳолисининг сони 1 млн дан ошган шаҳарларга қараб йўналтирилган. Туркистон шаҳри ҳозирги кунда Туркистон областининг маркази ҳисобланади.

?

1. Жаҳон қозоқларининг қурултойини ўтказиш ва қондошларимизнинг элга ўралишининг асосий сабаблари нимада?
2. Қозоғистонга қондошларимизнинг ёппасига кўчирилишида қандай енгилликлар бўлди?
3. Қўшимча манбалардан фойдаланиб, ўзларингиз яшайдиган ҳудуддаги қондошларнинг янги жойга жойлашиб кетиши тўғрисида айтиб беринг.

4. Қўшимча манбалардан фойдаланиб, «Серпин» дастурининг мақсади ва амалга оширилиши тўғрисида айтиб беринг.



**Диаспора** – ўз мамлакатидан узоқ жойларда яшаётган халқнинг бир қисми (этник иттифоқ).

**Репатриант** – ўз она ватанига қайтган қондошлар.

**Ирредента** – этноснинг ўз она ватанида яшаб, турли сабаблар билан бошқа халқ таркибига ўтиб, шу ерда қолган этник озчилик.

**Иммиграция** – бир давлат фуқароларининг иккинчи бир давлатга доимий ёки вақтинча кўчиб келиши.

**Эмиграция** – ўз элидаги яшаётган жойини бошқа элдаги жойга айирбошлаш.



**Жандарбек Малибеков (1943)** – Давлат Гербининг автори, атоқли архитектор.

**Майра Мухаммедқизи (1965)** – қозоқнинг атоқли опера артисти (сопрано, бельканто). Қозоғистон Республикасининг хизмат кўрсатган артисти. Қозоғистон Республикаси Давлат Мукофатининг лауреати. Париждаги «Гранд Операда» Қозоғистон номидан илк сахнага чиққан опера артисти.



**Шуғила Сапарғалиқизи (1972)** – Хитой давлатининг халқ артисти, жаҳонни лол қолдирган қозоқнинг раққоса қизи.

### Ижодий топшириқлар.

**1-топшириқ.** Қўшимча материалдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси кўчиб қўниш сиёсатининг мақсадини аниқланг.

**2-топшириқ.** Берилган чизма бўйича ҳикоя тузинг.

Ким? Қачон? Қерда? Қандай?



**3-топшириқ.** Қозоғистондан бошқа давлатларнинг (Россия Федерацияси, ГФР, Исроил ва бошқалар) кўчиб қўниш сиёсатини таҳлил қилинг.



**Жаҳон қозоқлари қурултойи.** Чет элларга тариқдай сочилиб кетган қозоқлар:

*Эҳ, Олтой, аттанг Олтой, кўркам Олтой  
Кир ювиб, киндик кесган, ўлкам Олтой.  
Армонсиз бу дунёдан ўтар эдим,  
Бир ҳидлаб тупрогингни ўлсам Олтой! –*

деб туғилган элини – ерини соғинч билан ҳаёт кечирди. Элимиз мустақиллик олгандан ярим ой ўтгандан кейин, яъни 1991 йили 31 декабрда Президент радио орқали чет эллардаги қозоқ диаспорасининг вакилларига қараб нутқ сўзлади. Қозоғистон Ҳукумати «Бошқа республикалардан ва чет эллардан қишлоқ жойларга келиб ишловчи бошқа миллат вакиллари Қозоғистонга жойлаштиришнинг тартиби ва шартлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Шундай қилиб ота маконга келаман деган қариндошларга йўл очилди.

1992 йили 29 сентябрда фуқаролигимизнинг олтин бешиги – Алматада Жаҳон қозоқларининг илк қурултойи очилди. Қурултойга – Туркия, Германия, Франция, Швеция, Норвегия, Монголия, Россия, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатлардан, ҳаммаси – 33 давлатдан, шунингдек, Қозоғистон областларидан келган вакиллардан – 800 дан кўп киши қатнашди.

Мажлисни Жаҳон қозоқлари қурултойини ташкил қилувчи комитет раиси, шу йиллари Қозоғистон Республикаси Премьер министрининг ўринбосари Мирзабек Жолдасбеков очди. Туркиядан келган Далелхан Жаналтайга сўз навбати келганда: «Мен бу кунни кўраман деб ўйламаган эдим. Оллоҳга шукур, ўчганим ёнди, ўлганим тирилди! Энди армон йўқ!» – деди. Шу сўз қурултойнинг ўзагига айланди. Кун тартибида – Жаҳон қозоқлари ҳамдўстлигини қуриш, унинг ёрлигини қабул қилиш, бошчи органларни сайлаш таҳлил қилинди.

*Аяган Б.Ж., Абжанов Х.М., Махат Д.А.*

*Ҳозирги Қозоғистон тарихи. – Алмата, 2010, 332 бет.*



1. Жаҳон қозоқлари қурултойининг тарихий аҳамияти қандай эди?
2. Бундан кейин ўтган қурултойлар тўғрисида нима биласиз?

**Ўқиш мақсади:**

- ✓ давлат стратегиялари ва дастурларини тадқиқот қилиши асосида миллатлараро ва конфессиялараро келишувнинг қозоғистонлик намунасини баҳолаш.

**Таянч сўзлар:**

| Ўзбекча       | Қозоқча      | Русча       | Инглизча  |
|---------------|--------------|-------------|---|
| Атеизм        | Атеизм       | Атеизм      | Atheism   |
| ҚМДБ          | ҚМДБ         | ДУМК        | The Spiritual Administration of Muslims of Kazakhstan |
| Доктрина      | Доктрина     | Доктрина    | Doctrine  |
| Сепаратистлар | Сепаратистер | Сепаратисты | Separatists   |
| Суннитлар     | Сунниттер    | Сунниты     | Sunnites  |

**Мавзуга ўтиш:**

Конфессиялик тотувлик деганни қандай тушунасиз?



*Конфессиялараро тотувлик аллеяси.  
Нур-Султон шаҳри*

**1. Қозоғистоннинг этносаро сиёсати.** Қозоғистон Республикаси – 100 дан ортиқ этнос ва этнос гуруҳлар яшаётган полиэтник мамлакат. Халқининг сони 19 млн киши бўлиб, улардан қозоқ халқи 70% ни ташкил қилади.

Мустақиллик байроғини баланд кўтарган Қозоғистон турли хил этник гуруҳлар орасида келишув ва тотувликни сақлаб қолди. Республикада посткенгаш даврида ХХ асрнинг 80–90 йилларида ўрин ола бошлаган миллатлараро низоларнинг хавфини ўз вақтида баҳолай олдик. Буни ҳар томонлама ўйлаган Элбошимиз Н.А. Назарбаев узоқ муддатли миллатлараро сиёсат юргизишни эътиборга олиб, тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим йўллари орқали иш олиб борди.

Жамиятда барқарорликни сақлаш давлатимизнинг ички сиёсий йўналишининг асосий ўзагига айланди. Узоқ вақт давомида халқлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг анъанаси шаклланиб, насиҳат қилиниб келди. Бутун жаҳонда «Қозоғистондаги этнос аро ва конфессия аро келишувнинг намунаси» тўғрисида айтила бошлади. Унинг асосига тақдирнинг тақозаси билан ватанимизга келган барча этник диаспораларга қозоқларнинг толерантлик муносабатини атаб ўтишга бўлади. Жамиятда барқарорликни сақлаш ички сиёсат йўналишининг асосий пойдеворига айланди. Узоқ вақт давомида халқлар орасида ўзаро муносабатларнинг алоҳида дастури шаклланиб, насиҳат қилиниб келинди. Бутун дунёда «қозоғистонлик этнослараро ва конфессиялараро тотувликнинг намунаси» сифатида айтила бошлади.

ҚР Конституциясида «келиб чиқишига, ижтимоий, жинси, миллатига, тилига, диний кўзқарашига, ишонч эътиқодига қараб фуқароларни камситишга йўл берилмайди» деб ёзилган.

Конституцияда миллатлараро келишувга низо соладиган ҳар қандай ҳаракат Конституцияга таалуқли эмас деб тан олинган. **Сепаратистлар**, террористлар ва миллатчиларнинг ҳар қандай ҳаракатлари марказий ҳукумат томонидан қатъий турда жазоланади. Элимизда тил сиёсати яхши йулга қўйилмоқда. Элбошининг доно сиёсати орқали кадрлар сиёсати ҳукуматнинг маҳаллий ва марказий органларида турлий хил миллат вакиллари хизмат қилмоқда. Аввало одамнинг иш билармонлик қобилиятига назарда тутилади.

Миллатлараро муносабатларни ва миллий сиёсатни ҳал қилишда Президентимиз қозоқ халқининг кенг феъллигига,

**Ўйлаб кўринг!**

«Қозоғистон моделига» яна нимани киргизиш мумкин.

уларнинг бошқа халқларга деган анъанавий тузимлилигига суянади.

Қозоғистон Республикасининг миллий хавфсизлиги ва ички сиёсий барқарорлигини сақлашда – элимиздаги турли конфессиялардаги халқларнинг тинч-тотув хаёт кечириши асосий масала ҳисобланади. Давлатимизда 820 га яқин этномаданий бирлашмалар иш олиб боради. Улар тинчлик ва тотувлик саройи ва област Дўстлик уйларида жойлашган.

**2. Қозоғистоннинг миллат бирлиги доктринаси – муҳим стратегик ҳужжат.** Хозирги кунда жаҳоннинг кўплаган мамлакатларида сиёсий этносаро низолар ва қарама-қаршиликлар ўрин олган шароитда Қозоғистон ички сиёсий барқарорликни сақламоқда ва ривожлантирмоқда. Унинг ичида миллатлараро муносабатлар катта аҳамиятга эгадир.

Қозоғистоннинг Миллат бирлиги Доктринасини қабул қилиши халқимизни бирлаштириш учун муҳим роль ўйнади. Жаҳонда шунга ўхшаш жамият ва ҳукуматнинг орасида келишув сифатида қарор топган ва миллатнинг, миллатлараро масалаларнинг келажагини белгилайдиган давлат даражасидаги муҳим ҳужжатлар мавжуд.

Мустақил Қозоғистон тарихида жуда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган, миллатлараро муносабатлар масаласининг келажагини белгилайдиган ҳужжат қабул қилинди.

Эл бирлиги доктринасида асосий вазифамиз – асосий бойлигимиз – Мустақил Қозоғистонимизни кўзимиз қорачиғидай сақлаб, элимиздаги фуқаровий тинчлик-тотувлик, сиёсий барқарорлик, миллатлараро ва конфессиялараро келишувни келажақ авлодга топшириш.

Қозоғистон халқи учун бу доктрина муҳим аҳамият касб этди. Миллат бирлиги доктринасининг қабул қилиниши Қозоғистоннинг жаҳон ҳамдўстлигида тинчликсеварлиги, ички ва ташқи сиёсатда очиқлигидан далолат беради.

Миллат бирлиги доктринаси уч муҳим бўлимдан иборат эди. «Бир ЭЛ – Бир тақдир» биринчи бўлимида элнинг барча фуқароларини бирлаштирадиган энг асосий мақсад – тарихий тақ-



диригимизнинг бир эканлиги назарда тутилади. «Миллат бирлигини асослайдиган биринчи қоида – ҳар бир фуқаронинг ўз тақдири ва Ватанининг – Қозоғистон Республикасининг тақдири бир эканлигини тушуниш. Бизнинг миллий бирлигимиз, этник келиб чиқишига қарамасдан, ҳар бир одамнинг олий даражада Қозоғистон билан унинг келажаги билан бирлашишга асосланган».

«Теги бошқа – тенглиги бир» деб аталган иккинчи бўлимда миллий бирлигимизга асосланган асосий мақсад – этносларнинг келиб чиқишига, диний эътиқодига, ижтимоий аҳволига қарамасдан, барча фуқароларга тенг имкониятлар берилади деб кўрсатилган. Яъни «Ҳар бир Қозоғистон фуқароси ўзининг келиб чиқишига қарамасдан, қобилиятига қараб барча имкониятларини амалга ошириб, мувафақиятларга ета олади ва «унга ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди», – деб белгиланди. Қозоғистоннинг

### Ўйлаб кўринг!

Яна бошқа қабул қилинган қандай доктриналарни биласиз?

барча фуқароларига тенг имкониятлар ва яхши ҳаёт кечирishi шароитини яратиб беришга асосланди.

«Миллат руҳининг ривожланиши» номи учинчи бўлимда *«маънавий бошланиш – миллатни яхлитликка бирлаштирадиган куч. Халқнинг маънавияти кучли бўлгани сайин, унинг давлатининг ҳам келажиги буюк бўлади. Бизнинг миллий маънавиятимизни кўтариш учун асосий қоидаларимиз: анъана ва ватанпарварлик руҳи, янгиланиш руҳи ва голиблик руҳи»* деб кўрсатилади.

Қозоғистоннинг Миллий бирлик Доктринасини қабул қилиши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Доктрина этнослараро муносабатлар соҳасида муҳим шартларни шакллантиришга йўналтирилган қонуний ва бошқа норматив актларни тайёрлашга асос бўлди.

**3. Давлатимизда тил сиёсати.** Миллий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири – тил сиёсати. 1970–1980 йиллари қозоқ тилини республикамизда кам қўллаб, давлат тили сифатида обрўси тушиб кетди. Ҳар бир область марказида биттадангина қозоқ мактаблари ишлаб турди. Қозоқ тилида чиқариладиган газеталар, айниқса, шимолий, шимолий-шарқий ҳудудларда нашр қилинмай қўйилди.

1989 йили 22 сентябрда «Қозоқ КСР ининг тиллари тўғрисида» қонун қабул қилинди. «*Қозоқ тили республикада давлат тили деб ҳисобланади*» деб кўрсатилган. Рус тили эса миллатлараро алоқа тили деб бекитилди. Шунингдек, давлатимиздаги бошқа миллат вакилларининг, яъни диаспораларнинг тилларини ривожлантириш учун шароит яратилиб, давлат томонидан қўллаб қувватланди.

Қозоқ тилининг давлат даражасини Қозоғистон Республикасининг 1995 йилги Конституцияси тасдиқлади. 1996 йили «Қозоғистон Республикаси Тил сиёсатининг концепцияси» қабул қилиниб, давлат тили сифатида қозоқ тилини ривожлантиришга давлат вазифалари белгиланди. 1998 йили ҚР Ҳукумати «Давлат органларида давлат тилини қўлланишини кенгайтириш



тўғрисида» қарор қабул қилинди. Шу йили ҚР Ҳукуматининг ёнида Давлат терминология комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1999 йили Республика Давлат тилини тезкорлик билан ўқитиш маркази очилди. 2011 йили 29 августда Қозоғистон Республикасида тилларни ривожлантириш ва қўллашнинг 2011–2020 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди.

Давлатимизнинг қўллаб қувватлаши билан элимизда 88 дан ортиқ миллий мактаблар, 170 та яқшанба мактаблари иш олиб боради, унда 22 та миллий тиллар ўқитилади. Миллий янгилашниш мактабларида она тилини ўқитиш бўйича бўлимлар очилди. Уларга ҳукуматдан ва маҳаллий бюджетдан молиявий ёрдам кўрсатилади. Республикада 14 рус, ўзбек ва МДХ даги ягона уйғур, корейс ва немис театрлари ишлаб турибди.

Бугунги кунда элимизда ахборот майдонларида 15 миллий тилда этномаданий марказларнинг 35 та газетаси ва 26 та сайти бор.

2018 йили давлат топшириғи билан тарихчи олимлар, географлар ва ахборот технология мутахассислари бирлашиб «Қозоғистон халқи» интерактив илмий тарихий харитасини тайёрлади. Электрон харитада қадимги замондан бошлаб ҳозирги кунгача қозоқ ерида бўлаётган этник жараёнлар тарихи кўрсатилиб, 40 дан ортиқ этнослар тўғрисида қисқача маълумотлар берилди.

**4. Қозоғистондаги этнослараро барқарорликнинг асосий факторлари.** Бугунги куни Қозоғистон – тинчлик ва келишув сақланган, этнослар ўзаро тотувликда ҳаёт кечириётган бирдан бир давлат. *Этнослараро келишув ва тинчликнинг сақланиши қозоғистонлик намуна сифатида* шаклланиб, ривожланмоқда. Этносиёсий масалалар давлатнинг миллий сиёсатининг асосий ўзагига айланди. У миллат шакллантириши қозоқ миллатига этнослараро келишув ва ҳамдўстликка, бошқа этносларнинг ҳуқуқларининг чекланмаслигига деган жавобгарчиликни юклайди.

Қозоқ халқи билан элимиздаги барча этник диаспоралар тинчлик ва тотувлик асосида полимаданий жамият бўлиб ташкил қилинди. Халқимиз тинчлик ва тотувликни, бирликни танлайдиган эл.



Дўстлиги, бирлиги ярашган Қозоғистон халқи

Элимизда анъанавий *суннит* исломнинг ханафий мазҳаби қабул қилинган. Ханафий мазҳаби – суннит йўналишдаги исломий ҳуқуқий илм, маҳаллий ишонч эътиқодларга ва урф одатларга, анъанавий миллий маданиятга мойиллиги билан характерланади. Қозоғистон ўзининг миллатлараро ва динаро то-



тувлиги тажрибаси билан исломнинг уруш жанжалга сабабчи эмас эканлигини исботламоқда.

Уларнинг барчаси қозоқ даласида миллатимиз билан бирга яшаб келди. 2015 йили Қозоғистон халқи Ассамблеясининг сессиясида Элбоши барча миллатнинг бир-бирига ва айниқса қозоқларга олқиш айтиш кунини бекитишни таклиф қилди.

**5. Конфессиялараро муносабатлар соҳасидаги сиёсат.** Қозоғистон қадим замондан бери турли хил маданиятлар ва динларнинг тўқнашиш макони бўлган. Элимиз тарихида динаро келишмовчиликлар ва жанжаллар ўрин олган эмас, аксинча бизнинг элимиз турли динларнинг тўқнашган жойи. Қадимдан бу ерда кўплаган мачитлар билан бир қаторда, иудей синагогалари, христиан черковлари ва будда храмлари ҳам бўлди. Уларнинг кўпчилиги элимизнинг ҳудуди орқали ўтадиган Буюк Ипак йўлининг бўйидаги шаҳарларда жойлашган эди.

Подшо ва Ҳукумати дашт аҳолисига тан эмас, бошқача дин сиёсатини юргизди.

Россия империяси мустақиллик сиёсати билан бирга православие динига кўчиришга катта кўнгил берди. Христиан динини кенг тарқатишга тўсиқлик қилган ислом динини ҳолсиратиш сиёсатини ҳам олиб борди. Дала қозоқларини чўқинтириш мақсадида 1881 йили Қирғиз миссияси ташкил қилинган эди. У Семей областининг бепоён ҳудудидаги қозоқларни чўқинтиришга киришди. Кўчманчи қозоқ халқи Қозоқ халқи миссиясига қаттиқ қаршилиқ кўрсатди.

**Излаштиринг!**

Кенгаш замонида атеизмни қозоқлар қандай қабуллади?

Кенгаш ҳукумати, айниқса, дастлабки ўн йилликларда динни тақиқлаб, муллаларни қувғин қилиш усулларини фойдаланди, сургун қилинган чораларини фойдаланди. Динга қарши сиёсат **«атеизм»** киргизилди.

Ҳозирги кунда Қозоғистон – зайирли мамлакат. Давлатнинг дин соҳасидаги сиёсати конфессиялараро тотувлик ва тўзимликни ривожлантиришга қаратилган. Элбошимиз Н.А. Назарбоев: *«Умумий икки нарсадан – диний фанатизм ва диний саводсизликдан сақланиш керак»*, – деб эслатади.

Мустақиллигимизнинг илк ойда 1992 йили 15 январда «Диний эътиқод эркинлиги ва диний бирлашмалар тўғрисида» қонун қабул қилинди. Қонун ижтимоий тартибга хавф келтирадиган секталар ва оқимларга тегишли либерализм билан характерланади. Гуруҳларга ва уларнинг хизматига йўл бермаслик тўғрисидаги қонун кейинчалик ишлаб чиқилди.

1992 йили ҚР Илк Президенти Н.А. Назарбоев раҳбарлигида Умумжаҳон 1 чи маънавий келишиш конгресси бўлиб ўтди. 2011 йили «Диний хизмат ва диний бирлашмалар тўғрисидаги» қабул қилинган янги қонун бўйича элимиз ҳудудида хизмат қиладиган барча диний бирлашмаларни қайтадан рўйхатга олиш ва хизматларини қайта кўриб чиқиш масаласи қараштирилди. Қозоғистонда динтанувчилар конгресси фаол иш олиб бормоқда. 2014 йили Дин ишлари агентлиги ва ҚМДБ, элимиздаги Православие черкови жамиятда барқарорликни сақлаб қолишдаги битимга имзо чекди.

Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг ор-виждон ва диний эътиқоди эркинлигига кафолат беради. Конституция конфессионал, этник ва бошқа белгилардаги камситишга йўл қўймайди. Бизнинг давлатимиз диний бирлашмаларнинг ички ишига аралашмайди, диний эътиқодларга ҳурмат билан қарайди.

Қозоғистон одам ҳуқуқлари бўйича муҳим халқаро битимларга ва шартларга қўшилди. Республика конфессионал сиёсатида диний тўзимлилик ва тинчлик асосий мақсад бўлиб ҳисобланади.

#### **Таҳлил қилинг!**

Турли дин вакилларининг турмуш тарзи жамият ривожланишига таъсир қила оладими?

**6. Қозоғистон – динлараро диалог маркази.** Элбоши Н.А. Назарбаев раҳбарлигида Қозоғистон Жаҳон ва анъанавий динлар кўшбошчиларининг съездларини ўтказиш жавобгарлигини олди. Элбошининг раҳнамолиги билан Ёофи Аннан, Джордж Буш, Маргарет Тэтчер каби сиёсатчилар қўллаб қувватлади.

Динлараро форумларнинг иштирокчилари – жаҳоннинг йирик конфессиялари раҳбарлари, атоқли сиёсатчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари. Жаҳон ва анъанавий



Тинчлик ва тотувлик саройи

динлар лидерининг съездини ўтказиш Қозоғистоннинг жаҳон ва ҳудудий хавфсизлигини қўллаш механизмларининг бири сифатида цивилизация ва маданиятаро диалогнинг дунёвий жараёнга қўшган ҳиссаси бўлиб топилади.

2006 йили Жаҳон ва анъанавий динлар кўшбошчиларининг конгрессини ўтказиш мақсадида Элўрдамизда махсус Тинчлик ва тотувлик саройи (Пирамида) қурилди. Сарой турли динлар, этнослар ва маданиятларнинг жаҳон марказига айланди. Маданиятлар ва динларнинг халқаро маркази шу Тинчлик ва тотувлик саройида жойлашган.

Маданиятлар ва динларнинг халқаро маркази чет эл давлатлари билан узвий боғланиб, алоқаларни кенгайтириб келмоқда.

**7. Жаҳон ва анъанавий динлар раҳбарларининг съездлари.** Қозоғистон олиб борган тажриба жаҳон давлатлари томо-

нидан намуна сифатида қўллаб қувватланиб, Элўрдамиз дин кўчбошчиларининг учрашадиган ўрнига яъни диалог майдонига айланди. Ҳозирги кунда Қозоғистон жаҳон миқёсидаги динлар ва цивилизация йўналиши бўйича, Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи кўприкка айланиб турибди.

#### **Фикрингиз зарур!**

Съездларнинг Қозоғистонда ўтишига жаҳон давлатларининг кўзқараш қандай?

*Жаҳон ва анъанавий динлар кўчбошчиларининг 1 чи сьезди 2003 йили 23–24 сентябрь кунлари Нур – Султон шаҳрида бўлиб ўтди. Форумга Европа, Осиё, Узоқ Шарқ ва Африканинг 13 та давлатидан ислом, христиан, буддизм, иудаизм, синтоизм, даосизм ва бошқа конфессияларнинг, 17 диний ташкилотларидан вакиллар қатнашди.*

Съезде турли хил дин вакиллари бутун жаҳон халқининг тинчлик ва тотувлик ғояларининг долзарблиги ва уни амалга оширишнинг муҳимлигини муҳокама қилди. Съезд қарорлари



Жаҳон ва анъанавий динлар лидерлари сьезди котиблигининг 17-ўтириши. 2018 йил

Декларацияда кўриниш топди, масалан, адолатлилик, ҳақиқат, имон, тўзимлилик каби бебаҳо қадриятларни насихатлаш ҳар бир диннинг мақсади бўлиш керак деб таъкидланди. Дин ниқобидаги экстремизм, террорчилик ва зўрлик зўравонликларнинг ҳақиқий динга тегишли эмаслиги айтиб ўтилди.

Съезднинг энг катта ютуғи – Қозоғистоннинг жаҳон давлатлари орасида ҳақиқий ижтимоий ва динаро келишув ва бирликка қўл етказган давлат сифатида танилиши эди. Биринчи съезд боришида иштирокчилари Жаҳон ва анъанавий дин кўчбошчиларининг съездини ўтказиш ва унинг ишчи органи – Котибликни ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Съездларнинг иши борасида инсониятнинг глобал муаммолари: «Диний ва сиёсий раҳбарларнинг инсоният олдидаги жавобгарлиги», «Диннинг ёшларга таъсири», «Дин ва сиёсатнинг ўзаро таъсирининг янги жараёнлари ва перспективалари», «Тинчлик, хавфсизлик ва тотувлик учун жаҳон ва анъанавий дин кўчбошчилари орасида ўзаро ҳурмат ва тушунувчиликка асосланган муносабат» мавзуларда ўзаро фикрлар алмашилди.

Жаҳон ва анъанавий динлар лидерларининг съездларининг тарихий аҳамияти катта. Қозоғистон Евроосиёнинг нафақат географик, балки жаҳон маънавий конфессионал марказига айланди. 2008 йили АҚШ конгрессмени Дана Рорабахер: *«Қозоғистон ҳозирги кунда фақат Осиё маркази эмас, жаҳон марказига айланди»*, – деб юқори баҳо берди.



1. Кўп тилли сиёсатнинг қандай хусусиятлари бор?
2. Бир неча давлат тиллари бор давлатларни атанг.
3. «Элдаги конфессиялараро тинчликни қандай ривожлантиришга бўлади?» деган мавзуда эссе ёзинг.



**Атеизм** – худога, динга ишонмаслик.

**ҚМДБ** – Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси.

**Сепаратистлар** – ўзлари яшаётган давлатдан яқка давлат сифатида бўлиниб чиқишга ёки шу давлатга тегишли ҳудудни бошқа бир мамлакатга қўшишга ҳаракат қилган сиёсий гуруҳ.

**Доктрина** – иш ҳаракат ясашга йўлланма берадиган кўрсатмалар йиғиндиси.

**Сунна, суннитлар** (араб. – йўл, иш ҳаракат) – Мухаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг васиятига хос мусулмон динида бажариладиган амаллар.



**Джеймс Монро (1758–1831)** – АҚШнинг сиёсий ва давлат арбоби, бешинчи президенти (1817–1825). 1823 йили Монро доктринаси эълон қилиниб, «Америка фақат америкаликларга» қоидаси бўйича Америка ва Европа бир бирининг ички ишларига аралашмаслиги керак деб атаб кўрсатилди. Монро доктринаси АҚШнинг ички ва ташқи сиёсатида кўп йиллар давомида фойдаланиб келади.

### **Ижодий топшириқлар.**

**1-топшириқ.** Қўшимча материаллардан фойдаланиб, Миллат Доктринаси ва Монро қоидасини қиёсий таҳлил қилинг.

**2-топшириқ.** Қўшимча материаллардан фойдаланиб, Қозоғистондаги миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ривожлантиришда бошқа яна дастурлар ваҳужжатлар қабул қилинганлигини аниқланг.

**3-топшириқ.** Дарсда олган билимларингизни қўллаб, Қозоғистондаги ҳозирги диний аҳволга SWOT таҳлил қилинг.

|                              |  |
|------------------------------|--|
| <b>S</b><br>Ижобий томонлари |  |
| <b>W</b><br>Салбий томонлари |  |
| <b>O</b><br>Имкониятлар      |  |
| <b>T</b><br>Хавф-хатарлар    |  |





## АСТАНА – ЖАҲОН ДИНЛАРИ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ МАРКАЗИ

(2003 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган диний съезд тўғрисида фикрлар)

2003 йили 22–24 сентябрда Астанада Элбоши Нурсултон Абишўғли Назарбоевнинг раҳнамолигида Жаҳон ва анъанавий миллий динлар лидерларининг халқаро қурултойининг ўтганига ҳам 2 йил бўлди. Бу оз ҳам, кўп ҳам эмас. Мана шу тарихий воқеага фикр юритиб, баҳолаш вақти ҳам келди.

Астанадаги форумгача жаҳоннинг бошқа жойларида ҳам шундай форумлар бўлиб ўтди. Лекин улар саноқли дин вакилларинигина йиға олди. Мана шундай бирлашишнинг асосий мақсади – турли хил цивилизациялар ва маданиятлар шароитида инсон боласининг ўзаро тил топишиб, бирлик ва тотувликда ҳаёт кечириш йўлларини қараштириш эди. Чунки келиб чиқадиган муаммоларни чигаллаштирмасдан хал қилишда дин арбобларининг ҳам улуши каттадир. Олий даражали бундай съезд ўтказишга кўп миллатли, бир неча конфессияли, тотувлик ва бирлиги бошқаларга намуна бўлган Қозоғистоннинг қулайли ва лойиқ бўлгани ҳеч кимга сир эмас эди.

Астанадаги диний бирлашмаларга жаҳоннинг 17 диний делегацияси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европадаги Хавфсизлик ва Ҳамдустлик ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларнинг вакиллари, БМТ ёнидаги жаҳон динлари лидерлари кенгашининг президенти Шри Шри Сугендра Тиртха Снами Мадхавачгарьян, Япониянинг экс Премьер-министри Цутому Хата, Италиянинг Ассизи шахрининг бош министри Томас Геремек ҳамда 250 ватанимиздан ва 60-га яқин чет эллик журналистлар қатнашди.

Жаҳон цивилизацияси бирлашмаси глобал муаммога айланиб турибди. Ҳозир биз манфаатларнинг кенг миқёсда чигаллашган мураккаб муаммолар даврида яшамоқдамиз. Шунинг учун ҳам, – дейди дин арбоблари, – уларни тартибга келтириш ёки йуқотишнинг бирдан бир йули – динларнинг бирлашуви. Чунки дин – тотувлик ва ҳамдустликни сақлашнинг катта кафолати ҳамдир. Динлар тотув бўлса, давлатлар ҳам тинч булишини исботлашнинг кераги йуқ.

*Дербисали А. Исломнинг жавоҳирлари ва ёдгорликлари.  
– Алмата, 2008, 201–204 бетлар.*



Астанада ўтган диний бошқўшишнинг маъноси ва аҳамияти нимада?

**Ўқиш мақсади:**

- ✓ Миллат бирлигини ва қозоғистонлик яхлитликни ривож-лантиришдаги Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ролини тавсифлаш.

**Таянч сўзлар:**

| Ўзбекча   | Қозоқча   | Русча     | Инглизча  |
|-----------|-----------|-----------|-----------|
| Ассамблея | Ассамблея | Ассамблея | Assambley |
| Форум     | Форум     | Форум     | Forum     |

**Мавзуга ўтиш:**

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг мустақилликнинг илк кунларида қурилишининг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?



**1. Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ташкил топиш тарихи.** Қозоғистон Республикасининг Илк Президенти Н.А. Назарбоев Қозоғистон халқи *Ассамблеясини* ташкил тўғрисидаги ғояни илк бор 1992 йили Алматада бўлиб ўтган Қозоғистон халқларининг биринчи форумида таклиф қилган.

Қозоғистон Республикасининг Илк Президенти Н.А. Назарбаевнинг 1995 йилги 1 мартдаги қарори билан янги ижтимоий ташкилот – Қозоғистон Халқи Ассамблеяси ташкил топди. Шундай қилиб, Элбошимиз раҳнамолигида, умумқозоғистон бирлигининг яхлит модели юзага оширилди.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси (ҚХА) – Президент раислик қиладиган консультатив – кенгаш органи. Ҳозирги кунда Ас-

самблея Қозоғистон Республикасининг миллий сиёсатининг асо-сига айланди.

2002 йили 26 апрелда ҚР Президенти Ёрлиғи билан Қозо-ғистон халқи Ассамблеясининг стратегияси бекитилди. Бу ҳуж-жатда Ассамблеянинг мақсади ва вазифалари, иш тузилиши ва-ташқил қилиш хизматининг асосий йўналишлари белгиланди. Кейинчалик ҚХА сининг ижтимоий-сиёсий соҳада хизматини тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

**2. Қозоғистон халқи Ассамблеясининг асосий вазифалари.** Бугунги куни Қозоғистон халқи Ассамблеяси жамиятда муҳим хизмат бажармоқда. *Биринчидан*, у Қозоғистон халқининг бирли-гини ривожлантиришга йўналтирилган. *Иккинчидан*, Ассамблея миллатлараро тотувлик ва умуммиллий бирлашувни таъминлаш тўғрисидаги давлат сиёсатини тайёрлашга ва амалга оширишга ёрдам беради. *Учинчидан*, бу ижтимоий тузилиш давлат тилини ва Қозоғистон диаспораларининг она тили ва маданиятини ри-вожлантиришни қўллаб қувватлади.

2008 Элбоши раҳбарлигида «Қозоғистон халқи Ассамблеяси тўғрисида» қонун қабул қилиниб, Ассамблеянинг ҳуқуқий мартабаси кенгайтирилди.

#### **Ўйлаб кўринг!**

Ассамблеянинг ҳуқуқий мартабасини кўтариш нима учун зарур?

Ҳозирги кунда Ассамблея 23 республика ва 470 дан ортиқ ҳудудий миллий-маданий бирлашмаларнинг бошини қўшиб, «*Дўстликнинг инфратузилишига*» айланди.

2014 йил бир қатор етакчи олий ўқув юртларида «Қозоғистон халқи Ассамблеяси» кафедралари ташқил қилинди. Ассамблея ўз ишини юқори даражада таъминлаш мақсадида 2015 йилдан бошлаб «Жамият битими» республика давлат маҳкамаси доимий ва узлуксиз иш олиб бормоқда.

**3. Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ташқил топиши ва хизмати.** Ассамблея таркибида 16 *кичик ассамблеялар* бирлаш-тирилган, улардан 14 та область ва 3 республика миқёсидаги аҳамияти бор шаҳарларнинг Ассамблеялари.

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ҳудудий кичик ассам-блеялари миллий-маданий марказлари ва диаспоралар бирлаш-маларининг ишини бирлаштиради ва ташкиллаштиради. Нур-Султон, Алмата, Шимкент шаҳарларининг ва область ҳокимлари



Ассамблея мажлиси

худудий Ассамблея раислари хизматини бажармоқда. 2008 йили Ассамблея миллий-маданий марказлари расмий равишда этномаданий ижтимоий ташкилотлар бўлиб қайта рўйхатга олинди.

Қозоғистон Республикасининг Илк Президенти – Элбошига Қозоғистон Халқи Ассамблеясини умрбод бошқариш ҳуқуқи берилди. Ассамблея раисининг этномаданий бирлашмалардан тайёрланадиган икки ўринбосари алмаштириш тартиби билан Кенгаш тавсияси асосида Президент ҳукуми билан бекитилади.

Сессияларда Ассамблея раиси йилига камида бир марта чақирилади. Навбатдаги сессиянинг ўтказиладиган куни, ўрни ва кун тартибининг масалалари лойиҳаси сессия бошланишидан бир ой аввал айтилади. Навбатдан ташқари сессия Ассамблея раиси раҳбарлигида ёки Ассамблея аъзолари умумий сонининг камида учдан бирининг аризаси бўйича чақирилади.

Ассамблеянинг таркиби давлат органлари, этномаданий ва бошқа бирлашма вакилларининг ва ижтимоий-сиёсий соҳада обрўли кишилардан иборатдир.

Ассамблея котиблиги Қозоғистон Республикасининг Президент бошқарувининг таркибига кирадиган Ассамблеянинг иш органи бўлиб ҳисобланади. Қозоғистон Халқи Ассамблеяси ёнидан илмий – эксперт кенгаши, этнослараро муносабатларни тартибга соладиган журналистлар ва экспертчилар клуби, «ҚХА фонди» ижтимоий фонди, тадбиркорлар ассоциацияси ва бошқа ижтимоий ва кенгаш органлари ташкил топган.

Қозоғистон Халқи Ассамблеяси аъзолигига кандидатлар этномаданий марказларнинг, кичик ассамблея сессиясининг қарори билан тавсия қилинади, у эса ҳудудий ва республика ижтимоий ташкилотлардан олий органнинг қарори билан тасдиқланади. Йил сайин давлат этномаданий марказларга ва кичик ассамблеяларга молиявий томондан ёрдам кўрсатиб келади. Этномаданий марказларнинг раҳбарларига Президент гранти ажратилган.

Барча область марказларида *Дўстлик уйларида* этномаданий бирлашмалар жойлашиб, ҚХА ҳудудий ташкилотлари иш олиб боради.

Ассамблея ўзининг ташкил топган кунидан бошлаб этнослараро муносабатлар ва миллий бирликни ривожлантиришга йўналтирилган обрўли ижтимоий ташкилотга айланди. Ас-



Нур-Султон шаҳридаги Дўстлик уйи

самблея «Ижтимоий ташкилотлар тўғрисидаги», «Маданият тўғрисидаги», «Қозоғистон Республикасининг тил тўғрисидаги» ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини тайёрлашда фаол иштирок этди.

ҚХА муҳим мажлислари Элўрдадаги Тинчлик ва Тотувлик саройида ўтказилади. Ассамблея ёнида нашр қилинадиган «Дўстлик – Дружба», «Менинг элим» журналлари этосаро муносабатлар бўйича бажарилган иш чоралар тўғрисида ҚХА нинг ахборот ресурслари сифатида бутун жаҳонга тарқатилади. Миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга йўналтирилган турли мажлислар, *форумлар* ўтказилади.

Қозоғистон қонуниятига мувофиқ, Парламент Мажлисида ҚХА нинг 9 вакили депутатлар таркибига киритилган. Сенатнинг 15 депутатини миллий-маданий ва бошқа жамият манфаатларини эътиборга олиб, Президент тайинлайди. ҚХА депутатларининг олдига элдаги этнослараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни ривожлантириш асосий мақсад қилиб қўйилган. 2015 йил Қозоғистон Халқи Ассамблеяси йили деб эълон қилинди.

**4. Қозоғистон халқи Ассамблеясини қуриш тажрибасининг жаҳон сахнасидаги ўрни.** Қозоғистон халқи Ассамблеясининг бебаҳо тажрибаси жаҳон тажрибасига киргизилиб, юқори баҳосини олди. Ассамблея хизмати этнослараро муносабатлар масалаларини муҳим ҳал қилиб, давлат сифатида Қозоғистоннинг халқаро обрўсининг ўсишига таъсир қилди.



Кофи Аннан

Республиканинг кўп миллатли халқининг ҳаётидаги Ассамблеянинг роли тўғрисида чет элларда йирик халқаро конференциялар ўтказилди. Қозоғистонлик тажрибага мувофиқ МДХ давлатларида шу ижтимоий ташкилотлар ташкил этилди.

Қозоғистоннинг Ассамблея ташкил қилишдаги тажрибасини бир қатор МДХ давлатлари (Россия, Қирғизистон, Молдова) қўлланмоқда.

Қозоғистоннинг намунаси халқаро экспертчиларнинг юқори баҳосига эга бўлди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан айтгандай: «Қозоғистон барча давлатлар учун барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг намунаси бўлиб ҳисобланади».

2010 йили БМТ нинг Бош котиби Пан Ги Мун Қозоғистонга сафари боришида: «Қозоғистон халқи Ассамблеясининг қоидаси ва йўналишлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қоидасига тўлиқ мос келади», – деб алоҳида айтиб ўтилди.

- 1. Қўшимча манбаларни фойдаланиб, ўзингиз яшайдиган, ўлкаларингиздаги туман, шаҳар ёки ҳудудий этномаданий бирлашма тўғрисида айтиб беринг.
- 2. Қозоғистон халқи Ассамблеяси керак деб ўйлайсизми?
- 3. Давлатимиздаги тинчлик ва тотувликнинг ривожланишига боғлиқ қандай таклифларингиз бор?

**Ассамблея** (француз. Assemblée – мажлис) – а) мажлис; б) давлат ёки халқаро ташкилот номи; в) ижтимоий ташкилот номи.

**Форум** – мажлис. Қадимги Рим ижтимоий ҳаётининг барча соҳаси муҳокама қилинадиган марказий майдон. Бирор бир масалани ҳал қилиш учун халқнинг бошини қўшадиган катта йиғин.

**Ижодий топшириқлар.**

**1-топшириқ.** «Қозоғистон халқи Ассамблеяси –тотувлик ва бирдамликнинг гарови» деган фикрни ПТМО формуласи орқали таҳлил қилинг.

**2-топшириқ.** Жадвалдаги ахборотни фойдаланиб, IDEA формуласи бўйича Қозоғистон халқи Ассамблеясининг тузилишини таҳлил қилинг.

|  |  |
|--|--|
| I (Identify) – тарихий воқеаларнинг сабабини аниқлаш                             |  |
| D (Describe) – шу далилларни тавсифлаш   |  |
| E (Explain) – шу сабабларнинг тарихий воқеага қандай таъсир қилганини тушунтириш |  |
| A (Analyze) – шу сабабларнинг қанчалик муҳимлигини таҳлил қилиш                  |  |

**Позиция** (мен шундай деб ўйлайман, ...)

**Тушунтириш** (... сабаби, ...)

**Масалан** (мен буни мана бу мисол орқали исботлайман ...)

**Оқибати** (айтилган масала бўйича шундай натижа чиқардим ...)



## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### Қозоғистон халқлари Ассамблеясини ташкил қилиш тўғрисида

Қозоғистон Республикасида ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни ривожлантириш мақсадида ва Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 78-бобига мувофиқ қарор қиламан:

1. Қозоғистон Республикаси Президентининг ёнидан консультатив-кенгаш орган сифатида Қозоғистон Халқларининг Ассамблеяси ташкил этилсин.

2. Қозоғистон Халқларининг Ассамблеяси тўғрисида Қоида (қўшимча берилиб) бекитилсин.

3. Қозоғистон Халқлари Ассамблеясининг биринчи сессияси 1995 йилги 24 мартда чақирилсин.

4. Қозоғистон Республикасининг Министрлар Кабинети Қозоғистон Халқлари Ассамблеясининг биринчи сессиясини ўтказишга боғлиқ масалаларни ҳал қилсин.

5. Шу Қарор эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

*Қозоғистон Республикасининг Президенти Н.А. НАЗАРБОЕВ.  
Алмата шаҳри, 1995 йилги 1 март №2066*



1. Қозоғистон Халқи Ассамблеясини қуришдаги мақсади қандай?

2. Қозоғистон Республикасининг миллий таркибини эсингизга туширинг.



## Иккинчи бўлим бўйича тест топшириқлари

1. Поляк халқининг атоқли демократ-революционери, «Қозоқ даласига сафардан эсдаликлар» китобининг автори:

- A) С. Гросс
- B) А. Янушкевич
- C) Б. Залесский
- D) В. Недзвецкий
- E) Г. Зелинский

2. Уйғурларнинг Қозоғистонга илк кўчиб ўтган йили:

- A) 1861 йил
- B) 1824 йил
- C) 1877 йил
- D) 1881 йил
- E) 1889 йил

3. Ўрта Осиё республикаларининг миллий ҳудудий ўтган йил:

- A) 1920 йил
- B) 1921 йил
- C) 1924 йил
- D) 1929 йил
- E) 1931 йил

4. 1959 й. Бутун иттифоқ саноқ бўйича республика халқининг сони:

- A) 6,1 млн
- B) 8,5 млн
- C) 9,3 млн
- D) 10 млн
- E) 15 млн

5. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Қозоғистон ҳудудига мажбурлаб кўчирилган миллатлар сони:

- A) 58
- B) 59
- C) 61
- D) 64
- E) 73

6. Қозоғистон Республикаси Давлат Гербининг автори:

- A) Шота-Аман Валихан
- B) Жандарбек Малибеков
- C) Алкей Марғулон
- D) Шамши Қалдаяков
- E) Музаффар Алимбаев

7. Мустақилликнинг илк йилларида Қозоғистондаги халқ сони камайишининг асосий сабаби:

- A) Болалар ўлимининг ўсиши
- B) Европа миллат вакилларининг элдан кетиши
- C) Инсон хаёти ўртача узоқлигининг камайиши
- D) Ижтимоий ахволнинг оғирлашуви
- E) Халқ орасида ўлимнинг купайиши

8. «Нурли кўч» давлат дастури бекитилди:

- A) 1991
- B) 2000
- C) 2008
- D) 2011
- E) 2019

9. Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил топган йил:

- A) 1994
- B) 1995
- C) 1996
- D) 1999
- E) 2003

10. Қозоғистон халқи Ассамблеясининг Парламент мажлисидаги вакилларининг сони:

- A) 4
- B) 6
- C) 9
- D) 12
- E) 16

***Иккинчи бўлим бўйича тадқиқот иши:***  
Қозоғистон этнослари: тарихи ва тақдири.

## Иккинчи бўлимга хулоса

Қозоғистоннинг Россия таркибига кириши, 1822–1824 йиллари хонликнинг тўхтатилиши элимизда мураккаб полиэтник таркибнинг шаклланишига олиб келди. Бир аср давомида қозоқ ўлкасининг моноэтник таркиби полиэтник характерга эга бўлиб, маҳаллий миллат вакилларининг улуши 80% дан 30% га тушиб кетди.

Сталинча маъмурий буйруқбозлик тизими маълум халқларни республика ҳудудига мажбурлаб кўчирди. Очарчилик ва сиёсий қатагонлик, айниқса қозоқларнинг озайишига олиб келди. Кўриқ ўзлаштириш йиллари КСРИ-нинг Европа қисми ва Республикалардан элимизга 100 минглаган одамлар келиб жойлашди. Қозоғистон Россиядан кейинги лагерлар республикасига айланди.

КСРИ парчаланганнинг илк йилларида кўчиб қўниш жараёни, Европалик миллатларнинг элимиздан тарихий ватанларига кўчиб кетиши бошланди. Шу йиллари Республика халқининг сони 16793,1 мингдан 14886,8 мингга тушиб, 11,5% га камайди. Эрдан 811,3 минг одам кучиб кетди. 1991–2008 йиллари республикадан умумий 3,5 миллион одам кўчиш ҳаракатига тушди. 90 йилларнинг ўртасида кўчиш-қўниш жараёнларининг асосий сабабларида, иқтисодийдаги инқироздан бошқа, фуқароларнинг ўз она ватанларига интилиши эди. Унинг устига психологик фактор: кўнлаган одамлар тарихий ватанида яшаётган қариндошлари билан алоқалари узилиб, келажакка ишончлари йуқолди. Шунинг учун бу этнослар ўз элларига тезроқ кўчиб кетишга ҳаракат қилди.

Мустақиллик йиллари республикага 1 миллиондан ортиқ қондошларимизнинг кучиб келиши қозоқларнинг улуш солмагини 70% га етказди. 1995 йили Қозоғистон Республикасининг илк президенти Н.А. Назарбаевнинг раҳбарлигида Қозоғистон халқининг тотувлигини ривожлантиришга йўналтирилган ташкилот Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил топди. Давлатимизда жаҳон ва анъанавий динлар лидерларининг съездлари, форумлари ўтказиб турилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Абай.** Қалин элим қозоғим... Шеърлар. – Алмата, 2017.
- Академик Қ.И. Сатбаев** ва Қозоғистон фани (мақолалар, очерк ва эсдаликлар). – Алмата, 1998.
- Академик Қ.И. Сатбаев:** Хатлари ва ёзмалари. – Алмата, 1998.
- Аққули С.** Алихан Букейхан. Васият .2-том. – Шимкент, 2016.
- Алаш ҳаракати.** – Алмата. – 2011.
- Алашўрда. Ҳужжатлар тўплами.** Мартиненко Н. – Алмата, 1992.
- Алексеевко А.П.** Қозоғистон аҳолиси. 1920–1990 йиллар. – Алмата, 1993.
- Алексеевко И.В., Алексеевко А.Н.** 100 йилдаги Қозоғистон халқининг сони (1897–1997). – Ўскемен, 1999.
- Аманжолова Д.** Алмағайип заман. Алаш Қозоғистон этносиёсий тарихида . – Алмата, 2009.
- Андреев И.Г.** Ўрта жуз қирғиз-кайсақларининг (қозоқларининг) тавсифи. – Алмата, 1998.
- Асилбеков М.Х., Галиев А.Б.** Қозоғистондаги ижтимоий-демографик жараёнлар (1917–1970). – Алмата, 1991.
- Аяғанов Б.** Кенгаш социализмининг гуллаб яшнаши ва парчаланиши .Қозоғистондаги полигон. –Алмата, 2000.
- Байпаков К.М.** Буюк Ипак Йўли (Қозоғистон ҳудудидаги йўналишлари). – Алмата, 2007.
- Беш аср куйлайди.** 5 томлик . – Алмата, 1989.
- Вер .Н** Кенгаш давлатининг тарихи (1922–1991). – Москва, 1992.
- Гумилев Л.Н.** Кўҳна турклар. – Алмата, 1994.
- Депортация тарихи.** Қозоғистон .1939–1945 йиллар. Ҳужжатлар тўплами. – Алмата, 2019. – 3-т.
- Еримбетова Қ.** Мангу қолдирилган из. Анна Панкратова. – Астана, 2016.

**Ермуханов Б.** Ёзма манбаларда Қозоғистон тарихи. Эр. Ав. V аср – эрамизнинг XV асри. – Алмата, 2006.

**Ерофеева И.В.** Абулхайрхон :қўлбошчи, ҳукмдор ва сиёсатчи. – Алмата, 1919.

**Абдуқап Қора.** Мустафа Чўқой. – Астана, 2012.

**Абсеметов .И** Сакен Сайфуллин. – Астана, 2006.

**Жиреншин К.А.** XIX аср охири – XX асрнинг бошида Қозоғистоннинг сиёсий ривожланиши. – Алмата, 1996.

**Кеменгерули К.** Қозоқ тарихидан. – Астана. 2015.

**Карибаев Б.** Қозоқ хонлигининг ташкил топиш тарихи . – Алмата, 2015.

**Карибаев Б.Б.** Қозоқ хонлари. – Алмата, 2015.

**Карибаев Б.Б.** Қосим хон. Шахс. – Алмата, 2008.

**Конвест Р.** Зулматли йиллар. – Киев, 1995.

**Қозоқ интеллигенциясининг тарихи.** – Астана, 2006.

**Қозоқ КСР ининг индустрлаштириш тарихи (1926–1941 йиллар).** – Алмата, 1967.

**Қозоғистон тарихи.** – Алмата, 2010, 4-том.

**Қозоғистон тарихи.** Очерклар. – Алмата, 1993.

**Қозоғистон тарихи.** Оқланганлар. – Алмата, 1991.

**Қозоғистон халқи тарихий таълим ва ҳозирги замон.** – Алмата, 2017.

**Қозоғистон халқи: тарихи ва бугунги аҳволи.** –Алмата, 2017.

**Қозоғистонга кўчирилган халқлар: тарих тақдири.** – Алмата, 1974.

**Қалибекова М.Ш.** Қозоғистонга махсус кўчиб келганлар: ҳужжатлар ва материаллар.(1930–1956). – Алмата, 2011.

**Қалибекова М.Ш.** Қозоғистоннинг депортацияга учраган халқлари тарихи (1937–1956 ). – Алмата, 2008.

**Қаҳрли 1916 йил.** Ҳужжатлар ва манбалар тўплами. – Алмата, 1998.

**Қосимбаев Ж.** Қозоғистон халқининг давлат арбоблари (XVIII аср). – Алмата, 1999.

**Қозибает М.Қ.** Тарих ва ҳозирги замон . – Алмата, 1991.

**Қозибает М.Қ.** Ф.И. Голошекиннинг сиёсий портрети. – Алмата, 1998.

**Қозибает М.Қ., Алдажуманов К.С., Абилхожин Ж.Б.** Қозоғистондаги мажбурий жамоалаштириш: хўрлик ва зўрлик. – Алмата, 1991.

**Қойгелдиев М.Қ.** Алаш ҳаракати. – Алмата, 2017.

**Қўнаев Д.А.** Сталиндан Горбачевгача. – Алмата, 1994.

**Қул-Мухаммад М.А.** Алаш арбоблари сиёсий-ҳуқуқий кўзқарашларининг эволюцияси. – Алмата, 1998.

**Қурманов З.** «Алаш» партиясининг қирғиз бўлими: тузилиши, хизмати, тақдири. – Нур-Султон, 2019.

**Левшин А.И.** Қирғиз-қозоқ ёки қирғиз-кайсақ ордалари ва даласининг тавсифи. – Алмата:Санат, 1996.

**Мендикулова Г.М.** Қозоқ диаспорасининг тарихий тақдири: шаклланиши ва ривожланиши. – Алмата, 1997.

**Назарбаев Н.А.** Тарих тўлқинида . Алмата, 1999.

**Нусипбеков А.Н.** Қозоқ ерларининг Қозоқ АКСР и таркибига кириши.. – Алмата, 1953.

**Нурпейисов К.** Қозоғистондаги кенгашларнинг шаклланиши( 1917 йил март – 1918 йил июнь). – Алмата, 1987 .

**Олкотт Брилл Марта.** Қозоқлар. – АҚШ, 1987.

**Омарбеков Т.** 1929–1931 йиллардаги халқ кўзғолонлари. – Алмата, 2018.

**Омарбеков Т.** Очарчилик. – Алмата, 2009.

**Омарбеков Т.** Очарчилик. – Алмата, 2019.

**Ўрта Осие** ва Қозоғистондаги 1916 йилги миллий озодлик кўзғолони: ҳаракатлантирувчи кучи, бориши ва тарихий аҳамияти. – Алмата, 1997.

**Райимханов К.Н.** Анъанавий санъат. – Алмата, 2002.

**Роберт Киндлер.** Сталин даври кўчманчилари. Қозоғистондаги ҳукумат ва очлик. – Москва, 2017.

**Садвақасули С.** Уч томлик асарлар тўплами. – Астана, 2013.

**Смагулов О., Смагулова А.** Қозоқ халқининг келиб чиқиш тарихи.—Алмата, 2017.

**Сталин давридаги КСРИ қозоқлари.** Жамоалаштириш ва ижтимоий ўзгаришлар.(1928–1945 йиллар). – Алмата, 2009.

**Толибеков С.Е.** XV–XX аср бошидаги кўчманчи қозоқ жамияти (сиёсий-иқтисодий таҳлил). – Алмата, 2017.

**Тинишбаев М.А.** Қозоқ халқининг тарихи. – Алмата, 1993.

**Уалиханов Ш.Ш.** Асарлар тўплами. 5 томлик. – Алмата, 1984 – 1985.

**Буюк Даланинг Буюк исмлари.** Материаллар тўплами. – Алмата, 2019.

**Хафизова К.Ш.** Дала ҳукумдорлари ва XVII–XIX асрлардаги уларнинг қўшни давлатлар билан элчилик алоқалари. – Нур-Султон, 2019.

**Чўқой М.** Кенгаш ҳукумати қўл остидаги Түркистон. – Алмата, 1993.

**1917 йилги** рус революциялари давридаги Қозоғистон. – Алмата, 1991.

## ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ, ЭЛЕКТРОН ҚЎШИМЧАЛАРИ

e-history.kz  
edu.-e-history.kz  
nlrk.kz  
archive.president.kz  
cga.kz  
iie.kz  
almatymuseum.kz  
nationalmuseum.kz  
csmrk.kz  
library.kz  
adyrna.kz  
kk.wikipedia.org  
bugin.kz  
history-state.kz  
akorda.kz  
strategy2050.kz  
edu.gov.kz  
kaznpu.kz



## **МУНДАРИЖА**

|             |   |
|-------------|---|
| Кириш ..... | 3 |
|-------------|---|

### **I БЎЛИМ**

#### **ЦИВИЛИЗАЦИЯ: РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

##### **БИРИНЧИ БОБ**

#### **ҚОЗОҚЛАРНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭТИШНИНГ АНЪАНАВИЙ ТИЗИМИ**

|  |    |
|--|----|
| 1–2-§. Қозоғистонда кўчманчи мол чорвачилиги ва<br>деҳқончиликнинг ривожланиши ..... | 6  |
| 3–4-§. Хунармандчилик ва касблар .....   | 20 |

##### **ИККИНЧИ БОБ**

#### **ДАЛА ВА ШАҲАР: ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР ВА ЎЗARO ТАЪСИРИ**

|  |    |
|--|----|
| 5–6-§. Қозоғистонда шаҳар маданияти ривожланишида<br>Буюк Ипак йўлининг роли .....     | 31 |
| 7–8-§. Иқтисодий ва маданий ўзаро муносабатлар ва<br>уларнинг бир-бирига таъсири ..... | 45 |

##### **УЧИНЧИ БОБ**

#### **ҚОЗОҒИСТОННИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОНДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

|   |    |
|---|----|
| 9–10-§. XX асрда Қозоғистон иқтисодиётининг<br>ривожланиши .....    | 55 |
| 11–12-§. Қозоғистон Республикасининг иқтисодий<br>ривожланиши ..... | 75 |

**II БЎЛИМ**  
**СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАРАЁНЛАР**

**ТЎРТИНЧИ БОБ**

**ҚОЗОҒИСТОНДА ПОЛИЭТНИК ЖАМИЯТНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

|  |     |
|--|-----|
| 13–14-§. Қозоғистон халқи моноэтник таркибининг ўзгариши (XVIII аср – XX асрнинг боши) ..... | 89  |
| 15–16-§. Кенгаш даврида Қозоғистонда полиэтник жамиятнинг шаклланиши .....                   | 100 |

**БЕШИНЧИ БОБ**

**ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЭТНОСЛАРАРО  
МУНОСАБАТЛАРДАГИ СИЁСАТИ**

|  |     |
|--|-----|
| 17–18-§. Қозоғистон Республикасининг кўчиб-қўниш сиёсати .....   | 112 |
| 19–20-§. Миллатларо ва конфессияларо тотувликнинг қозоғистонча модели .....                                | 124 |
| 21–22-§. Қозоғистоннинг сиёсий – ижтимоий ва маданий ҳаётидаги Қозоғистон халқи Ассамблеясининг роли ..... | 138 |

Оқу басылымы

**Қабылдинов Зиябек Ермұханұлы**  
**Сандыбаева Ақмарал Дайырқызы**  
**Лебаев Фархат Рашидұлы**

## **ҚАЗАҚСТАН ТАРИХЫ**

Жалпы білім беретін мектептің 11-сыныбына арналған оқулық

Екі бөлімді

1-бөлім

*(өзбек тілінде)*

**Арнайы редактор Л.Н. Черкесова**

**Әдіскер-ұстаз Е.М. Куркеев**

Редакция меңгерушісі *Ө. Пірманов*

Редакторы *Г. Нұрланқызы*

Көркемдеуші редакторы *А. Лукманов*

Техникалық редакторы *Ұ. Рысалиева*

Корректоры *Ұ. Бахова*

Өзбек тіліне мәтінін аударған *Г. Бутаева*

Өзбек тілінде компьютерде беттеген *Г. Өтенова*

ИБ №7469

Басуға 20.08.2020 ж. қол қойылды. Пішімі 70×90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсеттік қағаз. Өріп түрі «Мектептік». Офсеттік басылыс.  
Баспа табағы 9,75. Шартты баспа табағы 11,41.  
Таралымы 5000 дана. Тапсырыс №

«Атамұра» корпорациясы» ЖШС, 050000, Алматы қаласы,  
Абылай хан даңғылы, 75.

«Жазушы» баспасы, 050009, Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143.  
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-715-2



9 7 8 6 0 1 2 0 0 7 1 5 2